

№3 (23)
Iyul-sentyabr
**20
23**



ISSN 2181-0567
ISSN 2181-1830


IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**

“IQTISODIYOT BARQAROR RIVOJLANISHI UCHUN ENERGETIKA SOHASIGA
25-30 MILLIARD DOLLAR INVESTITSIYA KERAK. BUNGA FAQATGINA
XUSUSIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH ORQALI ERISHISH MUMKIN”.

SHAVKAT MIRZIYOYEV



Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi bilan hamkorlikda nashr etilmoqda

ISSN 2181-0567



9 772181 056008



IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS

№ 3 (23)
Iyul-sentyabr, 2023-yil

TAHRIR HA'YATI:

- J.Qo'chqorov** – O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari – O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vaziri, tahrir hay'ati raisi
- U.Obidxo'jayev**, DSc – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktori
- Z.Xaldarov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining birinchi o'rinbosari
- T.Axmedov**, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari
- X.Xamidov** – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari
- D.Kurbanova**, i.f.n., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti ilmiy kotibi
- S.Chepel**, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bosh ilmiy xodimi
- N.Rasulov**, DSc, dots. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- D.Karimova**, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- R.Xasanov**, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bo'lim boshlig'i
- E.Yakubova**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- M.Axmedova**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- M.Karimov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
- S.Maxmudov**, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

TAHRIRIYAT:

- Bosh muharrir – **R. Xasanov**
Mas'ul muharrir – **A. Yuldashev**
Texnik muharrir – **I. Odashev**
Kompyuter grafikasi dizayneri – **I. Saidov**
Nashr uchun mas'ul – **N. Primov**

Jurnal Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2019-yil 29-iyundagi 266/8-sonli qaroriga asosan OAK dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga va Rossiya Federatsiyasining Ilmiy iqtibos indeksi (RINS) ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2021-yil 22-aprelda 1043-sonli guvoynoma bo'yicha qayta ro'yxatga olingan.

Bosma ISSN 2181-0567; Elektron ISSN 2181-1830.

Format 84/60, 1/8, 7,55 b.t. Chop etishga 03.10.2023-yilda ruxsat etildi. Jurnalning «Matbuot tarqatuvchi» AK obuna katalogidagi indeksi – 1360. Jurnal uch oyda bir marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning yozma roziligi bilan amalga oshiriladi.

Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Maqoladagi ma'lumotlar haqqoniyligiga mualliflar shaxsan mas'ul hisoblanadi.

Tahririyat manzili:

100011, Toshkent sh., Xadra massivi, 33A. Tel.: (+998 71) 244-05-41. E-mail: jurnal@imrs.uz
Tarqatish bo'limi telefoni: (+998 71) 244-05-41

**Mundarija /
Содержание /
Contents**

**Makroiqtisodiyot, prognozlash tirish va tahlil /
Макроэкономика, прогнозирование и анализ /
Macroeconomics, forecasting and analysis**

- 4 Хусан БАКИРОВ, Улуғбек ҚУЛЛИЕВ. *Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index) бўйича энг юқори ўсиш суръати га эришган давлатлар тажрибаси таҳлили*

**Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar /
Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /
Investment, digital and innovative technologies**

- 12 Konstantin KURPAYANIDI. *Innovation and innovation activity: key aspects of economic transformation*

**Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot /
Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика /
Industry, agriculture and regional economy**

- 20 Назиржон НАЗАРОВ. *Уч даражали ҳудудий барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш*
- 25 Наргиза АЧИЛОВА. *Национальный брендинг как маркетинговая технология улучшения и продвижения имиджа Узбекистана*
- 33 Ваходир МАМАТОВ, Zohidjon MAHMUDOV. *O'zbekiston mahsulotlarini eksport qilish uchun yangi istiqbolli bozorlar*
- 41 Дилноза ИБОДОВА. *Минтақанинг рақобатбардошлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари таъсирини ошириш йўллари*
- 48 Бахтиёр УРИШЕВ. *Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг беи йиллик иқтисодий таҳлили*

**Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education and poverty reduction**

- 53 Дилдора КАРИМОВА, Шарифа АМРИДДИНОВА. *Подходы к оценке ключевых рисков бедности: мировая практика и рекомендации для Узбекистана*
- 59 Нурбек ЮЛДАШЕВ. *“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининг камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлашдаги роли*
- 67 Sarvinoz MAMADJONOVA. *Gender-Based Differences in Environmental Decision-Making among Uzbek Managers: A Comparative Analysis*

-
- 73 Nodirakhon KAMILOVA, Bakhrom MIRKASIMOV. *The impact of remittances on the nutritional inequality: dietary diversity in Uzbekistan*
- 81 Наргиза МУРАДОВА. *Необходимость оценки бизнеса и отражение заинтересованностей в его использовании*

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma /
Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

- 87 Тоштемир БЕРДИЕВ. *Мамлакатимиз банк тизимининг ривожланиши босқичлари, ташкилий шакли ва ўзига хос хусусиятлари*
- 96 Бегимкул ҚУЛИЕВ. *Машиий хизмат кўрсатишида харажатларни оптималлаштириши муаммолари ва самарадорлигини ошириши йўллари*
-

**Makroiqtisodiyot, tahlil va prognozashtirish / Макроэкономика, анализ и прогнозирование /
Macroeconomics, analysis and forecasting**

УЎК: 330.101.54(575.1)

Хусан БАКИРОВ,
*MBA (Master of Business Administration),
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти бош мутахассиси,*
Улуғбек ҚУЛЛИЕВ,
*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи,
E-mail: bhusan08@gmail.com*

Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index) бўйича энг юқори ўсиш суръатига эришган давлатлар тажрибаси таҳлили

Аннотация: рақобатбардошлик бўйича микро-иқтисодий ва макроиқтисодий асослар, мамлакатнинг самарадорлик даражасини белгиловчи институтлар, сиёсатлар ва омилар мажмуини акс эттирувчи ГРИ мамлакатнинг корхоналар учун кўпроқ имкониятлар ва одамлар учун фаровонлик муҳитини яратишини, ишлаб чиқариш қобилиятини белгиловчи элементларни ўрганади. ГРИ кўрсаткичлари бўйича катта ўсишга эришган 5 та мамлакат таҳлили орқали мамлакатнинг иқтисодий барқарорликка эришини учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, самарадорлик, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, институтлар, инфраструктура, технологик ривожланиш, шаффофлик, қарз динамикаси, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), инфляция, банклар мустақамлиги, молия бозори, халқаро рейтинг.

Анализ опыта страны с самыми высокими темпами роста по Индексу глобальной конкурентоспособности (Global Competitiveness Index)

Хусан Бакиров,
MBA (Master of Business Administration),

*главный специалист Института
бюджетно-налоговых исследований при
Министерстве экономики и финансов,
Улуғбек Қуллиев,
руководитель проекта Института
бюджетно-налоговых исследований
при Министерстве экономики и финансов*

Аннотация: отражая микроэкономические и макроэкономические основы конкурентоспособности, GRI, отражающий комплекса определяющего уровень результативности институтов, политику и факторов страны, исследует элементы, определяющие способности страны создавать среду с большими возможностями для бизнеса и процветания людей. На основе анализа 5 стран, добившихся большого роста по показателям GRI, были разработаны рекомендации для страны по достижению экономической стабильности.

Ключевые слова: конкурентоспособность, эффективность, микроэкономика, макроэкономика, институты, инфраструктура, технологическое развитие, прозрачность, динамика долга, информационные и коммуникационные технологии (ИКТ), инфляция, банковская устойчивость, финансовый рынок, международный рейтинг.

Analysis of the experience of the countries with the highest growth rate according to the Global Competitiveness Index

Xusan Bakirov,

*MBA (Master of Business Administration),
Chief Specialist of the Budget-Tax Research Institute
under the Ministry of Economy and Finance,*

Ulug'bek Qulliyev,

*Head of the Budget-Tax Research Institute under the
Ministry of Economy and Finance*

Abstract: reflecting the microeconomic and macroeconomic foundations of competitiveness, institutions, policies and factors that determine a country's level of productivity, the GRI examines the elements that determine a country's ability to create an environment of greater opportunities for businesses and prosperity for people. Through the analysis of 5 countries that have achieved great growth according to GRI indicators, recommendations have been developed for the country to achieve economic stability.

Keywords: competitiveness, efficiency, microeconomics, macroeconomics, institutions, infrastructure, technological development, transparency, debt dynamics, information and communication technologies (ICT), inflation, soundness of banks, financial market, international rating.

Кириш. Глобал рақобатбардошлик индекси (ГРИ) – мамлакатларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таққослаш учун мўлжалланган стратегик восита ҳисобланади. Глобал рақобатбардошлик ҳисоботи Жаҳон Иқтисодий Форуми (ЖИФ) томонидан 1979 йилдан бери йиллик ҳисобот кўринишида тақдим қилиб келинади. ГРИ макроиқтисодий ва микроиқтисодий жиҳатларни ягона индексга бирлаштиради.

ГРИ мамлакатлар ва корхоналар фаровонлигини ошириш учун уларнинг барча ваколатларидан қай даражада фойдаланаётганлигини баҳолайди. ГРИ мамлакатнинг корхоналар учун кўпроқ имкониётлар ва одамлар учун фаровонлик муҳитини яратишни, ҳамда ишлаб чиқариш қобилиятини белгиловчи элементларни ўрганади. ГРИ Ўзбекистонга татбиқ этилмаганлиги сабабли, Республикамизнинг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммоларнинг тизимли таҳлили асосида уларни бартараф этиш

учун тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши йиғилишининг 2023 йил 28-мартдаги 11-сонли баённомаси 3-иловасидаги 7-топшириқда Жаҳон Иқтисодий Форумининг сўнгги Глобал рақобатбардошлик индекси ҳисоботини ўрганиб таҳлил қилиш вазифаси қўйилган.

Асосий қисм. 2018 йилда тақдим этилган ГРИ 4.0 - тўртинчи саноат инқилоби даврида маҳсулдорлик, ўсиш ва инсон ривожланишига туртки берадиган омиллар ва хусусиятларнинг батафсил харитаси сифатида акс эттирилган. 2019 йилги нашр 141 та мамлакат иқтисодиётини қамраган бўлиб, глобал ялпи ички маҳсулотнинг 99 фоизини ташкил этган эди. ГРИ 4.0 индекси халқаро ташкилотлар маълумотлари, шунингдек Жаҳон Иқтисодий Форуми раҳбарлари сўровномаси маълумотлари комбинацияси асосида йиғилган 103 та алоҳида кўрсаткичларнинг тўпламидан иборат бўлган. **ГРИни баҳолаш методологияси очик ҳисобланиб, қуйидаги 12 та мезондан иборат:**

Асосий талаблар:

1. Институтлар сифати;
2. Инфраструктура;
3. Макроиқтисодий барқарорлик;
4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим;
- Самарадорликни оширувчи воситалар:**
5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик;
6. Товар ва хизматлар бозорининг самарадорлиги;
7. Меҳнат бозорининг самарадорлиги;
8. Молия бозорининг ривожланганлиги;
9. Технологик ривожланиш даражаси;
10. Ички бозор ҳажми;

Инновацион омиллар:

11. Компанияларнинг рақобатбардошлиги;
12. Инновацион салоҳият.

Мамлакатнинг умумий ГРИ натижалари унинг ҳар бир компоненти бўйича кўрсаткичлари 0 дан 100 гача бўлган шкала бўйича "тараққиёт кўрсаткичи" сифатида акс этади.

ГРИ формуласи

Умумлаштиришдан олдин, ҳар бир индикатор кўрсаткичи 0-100 шкалада бўлган баллга айлантирилади ва бунда, 100 балл мамлакатнинг ривожланганлигини англатади;

$$\text{балл}_{i,c} = \left(\frac{\text{жорий кўрсаткич}_{i,c} - \text{энг ёмон кўрсаткич}_i}{\text{энг яхши кўрсаткич}_i - \text{энг ёмон кўрсаткич}_i} \right) \times 100$$

бунда, жорий кўрсаткич i,c – i индикатор бўйича c мамлакатнинг жорий кўрсаткичи, энг ёмон кўр-

саткич i – i индикатор бўйича энг ёмон кўрсаткич, энг яхши кўрсаткич i – i индикатор бўйича эришиш мумкин бўлган энг яхши кўрсаткич.

2019 йилда ГРИ 4.0 натижалари шуни кўрсатдики, ўртача ҳисобда кўпчилик давлатлар рақобатбардошликнинг деярли барча омиллари бўйича идеал бўлган рақобатбардошлик “чегарасидан” узоқда қолишда давом этган [1].

2020 йилда чоп қилинган глобал рақобатбардошлик индексининг махсус нашри мамлакатларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таққослашни тўхтатиб, балки пандемия туфайли макроиктисодий ва микроиктисодий муаммоларга дуч келаётган мамлакатлар учун ечимлар таклиф қилишга бағишланган [2]. Бу махсус нашрда ГРИ мамлакатларнинг иқтисодий тикланиши ва иқтисодий барқарорликка эришишлари учун қандай сиёсат юритиши кераклиги ҳақида тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, жамият тараққиётини яхшилаш учун иқтисодий тизимларни қайта тиклаш асосий омил сифатида эътироф этилган.

Шуни қўшимча қилиш керакки, Жаҳон Иқтисодий Форумининг ГРИ рейтинги 2019 йилда тўхтатилган ва 2020 йилда махсус нашри эълон қилинган бўлсада, IMD [3] (*Institute for Management Development*) томонидан 63 та мамлакатларнинг рақобатбардошлиги бўйича Жаҳон рақобатбардошлик йилномаси - *World Competitiveness Yearbook (WCY)* номли кенг қамровли йиллик ҳисоботлар ва маълумотлар тўпламини чоп этиб боради (2021, 2022 ва 2023 йилги ҳисоботлар эълон қилинган). Мазкур рейтинг [4] (*The IMD World Competitiveness Ranking*) иқтисодий адабиётлар, халқаро, миллий ва минтақавий манбалар ҳамда бизнес ҳамжамиятлари, давлат идоралари ва академикларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланган ҳолда кенг қамровли тадқиқотлар натижасида танлаб олинган 336 та рақобатбардошлик мезонига асосланади. Мезонлар янги назариялар, тадқиқотлар ва маълумотлар пайдо бўлиши ва глобал иқтисодиётнинг ривожланиши билан мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади ва янгиланади.

Ушбу рейтинг танлаб олинган мамлакатлар сони чекланганлиги ҳамда халқаро ҳамжамиятлар эътиборидан кўра умумий тадқиқот фаолияти натижаси эканлиги ҳамда таҳлил қилинаётган Жаҳон Иқтисодий Форумининг ГРИ рейтингидан бутунлай бошқа рейтинглигидан келиб чиқиб, унинг охириги йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланилмади.

Глобал рақобатбардошлик индекси – 2019 да энг юқори ўсиш суръатига эга бўлган бешта давлат ГРИ-2019 да ўз ўрнини энг тез суръатлар билан яхшилаган (ГРИ-2018 йилга нисбатан) бешта давлат тажрибаси қиёсий ўрганилди. Рейтингда интенсив ўсишга эришган Озарбайжон, Вьетнам, Кувайт, Руанда ва Жанубий Африка каби давлатларнинг энг катта ўсишга эга бўлган индикаторлари ёки мезонлари бўйича тажрибалари таҳлил қилинди.

1-жадвал

2019 йилда Глобал рақобатбардошлик индексидан энг юқори ўсиш суръатига эга бўлган бешта давлат

| Юқори ўсиш суръатига эга мамлакатлар бешлиги | Мамлакат номи | Ўрнини нечтага яхшилаган | 2018 йилдаги ўрни | 2019 йилдаги ўрни |
|--|----------------|--------------------------|-------------------|-------------------|
| 1 | Озарбайжон | 11 | 69 | 58 |
| 2 | Вьетнам | 10 | 77 | 67 |
| 3 | Кувайт | 8 | 54 | 46 |
| 4 | Руанда | 8 | 108 | 100 |
| 5 | Жанубий Африка | 7 | 67 | 60 |

Манба: ГРИнинг 2018 ва 2019 йилги ҳисоботлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Озарбайжон. Умумий рейтингда 11 поғона юқорилаган (1-жадвал) ҳамда бу ўсиш қуйидаги катта юксалиш акс этган бир нечта индикаторлар (1-илова) ҳисобига эришилган: Бюджет шаффофлиги (*Budget transparency*) индикатори 45 поғонага ўсган, “Қарз динамикаси” (*Debt dynamics*) индикаторида 47 поғонага, Ички ишлар хизматчиларига бўлган ишонч (*Reliability of police*) индикатори 23 поғонага ўсган, Акциядорларни бошқариш (*Shareholder governance*) индикатори 13 поғонага ўсган, Судларнинг мустақиллиги индикатори 10 поғонага ўсган.

Озарбайжоннинг бюджет шаффофлиги [5] борасида сўнгги муваффақиятларини турли омиллар, жумладан, Молия вазирлигининг расмий веб-сайтнинг яхшиланиши ва керакли ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим этилиши билан боғлаш мумкин. Эндиликда веб-сайтда ҳар ойнинг охирида бюджет ижроси бўйича батафсил маълумотлар тақдим этилади, бу эса бюджет ҳисобдорлигининг самарадорлигини оширишдан далолат беради.

Хусусан, Молия вазирлиги томонидан аввалги баҳолашларда тақдим этилмаган иккита янги ҳужжатнинг тайёрланиши, Озарбайжон биринчи марта барча саккизта бюджет ҳужжатларини тайёрлаган давлатлар рўйхатига киритилди. Ҳисоботда айтилишича, 120 мамлакатдан фақат 17 таси барча саккизта бюджет ҳужжатларини тайёрлаб, тақдим этган.

Бюджетнинг шаффофлиги кўрсаткичи давлат маблағлари бюджет йилида қандай шаклланганлиги, режалаштирилганлиги ва сарфланганлиги тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи жами саккизта асосий бюджет ҳужжатларини жамоатчилик учун очиклигини баҳолаб, мазкур асосий бюджет (8 та) ҳужжатларининг нашр қилиниши, ўз вақтида жамоатчилик эътиборига етказилишини баҳолайдиган куйидаги ҳужжатлардир (жами 109 та саволдан иборат): бюджет лойиҳаси – 6 та савол, бюджет ижроси таклифи (бюджетнома) – 54 та савол, тасдиқланган бюджет – 6 та савол, фуқаролар учун бюджет – 4 та савол, дастлабки ҳисобот – 9 та савол, ярим йиллик ҳисобот – 9 та савол, йил якуни ҳисоботи – 14 та савол, аудит ҳисоботи – 7 та савол.

Бюджетдан олдинги баёнот ва йил ўртаси шарҳи – ошкор этилмаган иккита муҳим ҳужжат саналади. Бюджетдан олдинги баёнот бюджет парламентга тақдим этилишидан олдин оммага эълон қилинади ва келгуси йил учун муҳим бюджет тафсилотлари ва иқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Молия вазирлиги бу баёнотни сўнгги икки йил давомида ўз веб-сайтида тақдим қилиб келган.

Йил ўртаси шарҳи ҳам муҳимлилик даражаси бўйича Бюджетдан олдинги баёнотдан юқорироқ туради. Бу ҳужжат йилнинг биринчи олти ойи давомидаги бюджет ижроси ва умумий иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш ҳамда йиллик бюджетга зарур ўзгартиришлар киритишни ўз ичига олади.

Озарбайжоннинг “Қарз динамикаси” (*четдан жалб қилинадиган кредитлар ташқи қарзни бошқаришининг асосий воситасидир*) бўйича муваффақияти сабаби бу мамлакат донор маблағларни тўлов баланси ёки давлат бюджетидаги камомадни қоплаш учун эмас, балки лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб қилишга интилган.

Давлат қарзи иқтисодий ислохотларни, инфратузилмани тиклаш ва реконструкция қилишни, электр станциялари ва автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлашни, шунингдек, сув таъминоти, авиация, темир йўл, ишлаб чиқариш ва энергетика тармоқла-

рини яхшилашни молиялаштиради. Бу ерда асосий молиялаштириш манбалари Жаҳон банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) каби халқаро молия ташкилотлари ҳисобланади.

Кредитларнинг тўлов муддати ўн йил ва ундан ортиқ бўлганлиги сабабли, 2010 йиллар охирида уларнинг бир қисмининг тўлангани, бу эса 2019–2020 йилларда ташқи қарзнинг камайганини билдиради.

Вьетнам. Умумий рейтингда Вьетнам 10 поғона юқорилаган (1-жадвал) ҳамда бу ўсиш куйидаги катта юксалиш акс этган бир нечта индикаторлар (1-илова) ҳисобига эришилган: ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш (*ICT adoption: 3-Мезон*) 54 поғонага, ҳар 100 аҳолига тўғри келадиган толали интернет обуналари (*Fibre Internet subscriptions /100 pop*) индикатори 48 поғонага, харидорнинг юқори савиядалиги (*Buyer sophistication*) индикатори 46 поғонага ўсган, ҳар 100 аҳолига мобил-уяли телефон обунаси (*Mobile-cellular telephone subscriptions /100 pop*) индикатори 36 поғонага ўсган.

Вьетнамнинг 3-мезон (*Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш*) бўйича 54 поғона юқорилаши унинг ахборот-коммуникация технологиялари (*АКТ*) саноати 2015–2019 йилларда ўртача йиллик 26,1 фоиз ўсишни ташкил этганлиги билан ҳам тушунтириш мумкин. Сўнгги беш йил ичида АКТ саноати мамлакатнинг асосий иқтисодий тармоғи бўлиб қолмоқда, 2019 йилда тахминий даромад 110 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоизга ўсишни қайд этган [6].

АКТ соҳасининг бундай динамик ўсишига марказлашган АКТ зоналари мавжудлиги (бутун мамлакат бўйлаб тўртта, улардан учтаси Ho Chi Minh City даги Quang Trung Software Park, Danang даги Danang Software Park ва Hanoi даги Cau Giay IT Park 95 фоиз бандлик даражаси билан ишлаши) Hanoi, Ho Chi Minh ва Danang каби йирик шаҳарлар ИТ, электроника ва телекоммуникацияларни ривожлантириш тадбирларини тизимли равишда режалаштирганлиги ва амалга оширганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Қувайт. Умумий рейтингда Қувайт 8 поғона юқорилаган (1-жадвал) ҳамда бу ўсиш куйидаги катта юксалиш акс этган бир нечта индикаторлар

(1-илова) ҳисобига эришилган: ҳар 100 аҳолига тўғри келадиган толали интернет обуналари (*Fibre Internet subscriptions /100 pop*) индикатори 55 поғонага, ҳар 100 аҳолига мобил-уяли телефон обунаси (*Mobile-cellular telephone subscriptions /100 pop*) индикатори 48 поғонага, аҳолисининг интернет фойдаланувчилари фоизи (*Internet users % pop*) индикатори 33 поғонага, ўртача умр кўриш (*Healthy life expectancy years*) индикатори 26 поғонага ўсган.

Қувайтнинг “ҳар 100 аҳолига тўғри келадиган толали интернет обуналари” (3.04) индикаторида ўз ўрнини 55 тага яхшилашга эришганлигини Қувайтнинг дунёдаги мобил алоқанинг энг юқори даражаси ва бозорнинг тўйинганлиги бўйича ажралиб туриши [7], операторлар кенг LTE тармоқлар билан таъминланганлиги, 5G нинг ривожлантирилаётганлиги ва мобил кенг полосали контент ва хизматларнинг жорий қилинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Қувайт ҳукумати томонидан қаттиқ кенг полосали тармоқларни қуришга эътибор юқори бўлиб, пировардида бу сектор ҳам операторлар, ҳам ҳукумат учун келажакда ўсиш имкониятини тақдим этган. Кенг полосали инфратузилмани такомиллаштириш ақлли инфратузилмани ривожлантириш, стартаплар ва М2М каби электрон тижорат каби бозорларни ривожлантиришга ёрдам берганлиги Қувайтнинг тегишли индикаторлар бўйича ўсишига замин яратган.

Руанда. Умумий рейтингда Руанда 8 поғона юқорилаган (1-жадвал) ҳамда бу ўсиш қуйидаги катта юксалиш акс этган бир нечта индикаторлар (1-илова) ҳисобига эришилган:

- инфляция (*Inflation*) индикатори 100 поғонага, кредит бўшлиғи (*Credit gap percentage points*) индикатори 78 поғонага, бюджет шаффофлиги (*Budget transparency*) индикатори 35 поғонага, тарифсиз тўсиқларнинг тарқалиши (*Prevalence of non-tariff barriers*) индикатори 35 поғонага ўсган.

Руанда стратегиясида [8] (*Руанданинг 2018-2024 йилларда молия соҳасини ривожлантириш стратегик режаси*) молиявий сектор барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қанча сиёсий ҳаракатлар таклиф этилган, масалан, институционал кўникмаларни ривожлантириш, барқарорликни таъминлаш учун қўшимча ресурсларни сафарбар қилиш кабилар. Стратегияга эришиш учун мавжуд ресурсларни бошқариш, шунингдек, қўшимча маблағларни жалб қилиш воситаси сифатида кенг тармоқли ёндашув механизми таклиф этилган.

Стратегия иқтисодиётнинг ривожланиш эҳтиёжларини қондириш ва қашшоқликдан холи Руанда сари ҳаракат қилиш учун ресурсларни самарали сафарбар қилиш ва тақсимлашга қодир барқарор ва мустақкам молиявий секторни ривожлантиришни мақсад қилган.

Умумий иқтисодий ўсишда муҳим роль ўйновчи молия сектори сўнгги беш йил ичида яхши ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда молиявий хизматлар аҳолига кенг ва самарали таъсир этиши иқтисодий ўсишни тезлаштириб ресурсларни самарали тақсимлашга ва бойлик тақсимотини яхшилашга хизмат қилганлиги Руанданинг тегишли индикаторлар бўйича ўсишига замин яратган.

Руанда ҳукумати Молия ва иқтисодий режалаштириш вазирлиги ҳамда Руанда Миллий банки орқали давлат облигациялари бозорини яратди ва капитал бозори ривожланишининг энг муҳим элементи бўлган даромадлилик эгри чизиғи ўрнатилган. Шунинг учун ҳукумат облигацияларни мунтазам чиқариш дастурини давом эттиради. Облигациялар бозорини ривожлантиришнинг учта элементи – даромадлилик эгри чизиғини яратиш учун мунтазам давлат облигацияларини жорий этиш, пенсиялар каби шартномавий жамғармаларнинг ўсиши орқали инвестор базасини кенгайтириш ва хусусий сектор облигацияларини чиқаришни рағбатлантиришдан иборат. Шу мақсадда йирик инфратузилма лойиҳалари ёки хусусий давлат ҳамкорлиги ички молиялаштириш компонентини киритиш рағбатлантирилади. Жамғармаларни мобилизация қилиш бўйича яна бир муҳим сиёсат аралашуви Руанданинг узоқ муддатли жамғарма схемасини яратишидир. Ҳар бир Руандалик (иш ҳақи тўланмаган но-расмий сектор ишчилари, давлат ва хусусий секторнинг маошли ходимлари ва иш ҳақи тўланмаган ишчилар) ўзларининг пул оқимлари ва жамғарма имкониятларидан келиб чиқиб, кексалик учун жамғармаларни тўплаш учун тенг ҳуқуқ ва имкониятни тақдим этишга қаратилган. 2009 йилда янги қонунлар қабул қилингандан сўнг суғурта соҳаси кўрсаткичлари яхшиланди. Унинг ривожланишини рағбатлантириш учун тартибга солиш режимини янада такомиллаштириш жумладан, ҳаёт суғуртаси ва аннуитетни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган Руандага хос ўлим/ҳаёт жадваллари каби маҳсулотлар жорий этилди.

Жанубий Африка. Умумий рейтингда Жанубий Африка 7 поғона юқорилаган (1-жадвал) ҳамда бу

ўсиш катта юксалиш акс этган куйидаги бир нечта индикаторлар (1-илова) ҳисобига эришилган:

- банкларнинг мустаҳкамлиги (*Soundness of banks*) индикатори 33 поғонага, бюджет шаффофлиги (*Budget transparency*) индикатори 26 поғонага, кредит бўшлиғи (*Credit gap percentage points*) индикатори 25 поғонага профессионал бошқарувга таяниш (*Reliance on professional management*) индикатори 21 поғонага ўсган.

Жанубий Африка иқтисодиётида тизимли барқарорликни, институционал хавфсизлик ва мустаҳкамликни таъминлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни рағбатлантиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий ва меъёрий база билан таъминланган илғор банк тизими мавжуд.

Жанубий Африка банк тизими [9] яхши ривожланган ва самарали тартибга солинган бўлиб, марказий банк (*ЖАРБ*), бир нечта йирик банклар ва инвестиция институтлари ва бир қатор кичик банклар, шунингдек, кредит ва жамғарма ташкилотларини ўз ичига олади. Банк сектори 64 та муассасадан иборат бўлиб, уларнинг ярмига яқини хорижий банк филиаллари бўлиб, маҳаллий назорат остидаги банклар жами 16 фоизни ташкил қилади.

Жами активлари бўйича Жанубий Африкадаги бешта энг йирик банклар Absa Bank Limited, FirstRand Bank Limited, Investec Bank Limited, Nedbank Limited ва The Standard Bank of South Africa Limitedлардир. Сектордаги иштирокчиларнинг кўпчилиги бозорда рақобатбардошлик даражаси яхшиланганидан далолат беради ва бу истеъмолчилар учун яхши бўлиши мумкин. Жами банк активлари йиллар давомида ўсиб бориш тенденциясига эга: 2008 йил июлида 2,5 трлн. ЗАР (*ЖАР пул бирлиги, 0.054 АҚШ доллари*) дан 2017 йил шу ойида 5 трлн. ЗАР га кўтарилган. Бошқа банк барқарорлиги кўрсаткичлари ҳам 2000 йилдан бери молиявий барқарорлашувнинг яхшиланганлигини кўрсатади. Банк депозитлари ЯИМга нисбатан коэффициенти 2000 йилдаги 50,1 фоиздан 2015 йилда 59,7 фоизга ошди ва хусусий секторга берилган ички кредитнинг ЯИМдаги улуши ҳам худди шу даврдаги 130 фоиздан 147 фоизга ошган.

Халқаро молия бозорларида юзага келган нотинчликларга ва глобал тизимли хавфнинг кучайишига қарамай, Жанубий Африка [10] банк сектори мустаҳкам ва етарли даражада капиталлаштирилганлигича қолган ва молия секторининг узлуксиз барқарорлигини таъминлаш учун доимий равишда

янги қонун ҳужжатлари эълон қилиниб келган. Жанубий Африканинг марказий банки (*ЖАРБ*) халқаро форумларда, хусусан, G20 да яқиндан иштирок этади. Бундан ташқари, ЖАРБ тизимли заифликларни юмшатиш мақсадида молия бозорларининг тартибли ишлашини таъминлаш орқали ички молиявий барқарорликка эътибор қаратишни давом эттирган.

Хулоса ва таклифлар

ГРИнинг мамлакатнинг корхоналар учун кўпроқ имкониятлар ва одамлар учун фаровонлик муҳитини яратишни, ҳамда ишлаб чиқариш қобилятини белгиловчи элементларни баҳолаш хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур индексни чоп этиш тўхтатилган бўлсада мамлакатнинг иқтисодий тикланиши ва иқтисодий барқарорликка эришиши учун қандай сиёсат юритиши кераклиги ҳақида тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

ГРИ-2019 да ўз ўрнини энг тез суръатлар билан яхшилаган бешта давлат тажрибасидан келиб чиқиб, куйидаги тавсиялар такдим этилади.

1-тавсия: *АКТ соҳасини ривожлантиришга қаратилган сиёсат*

Электр энергияси таъминоти билан жиддий муаммолари бўлмаган мамлакатларда, Ахборот коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш орқали жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва глобал рақобатбардошлик муҳитини яхшилашга эришиш мумкин. АКТ саноати мамлакатнинг асосий иқтисодий тармоғига айланган – Вьетнам тажрибаларидан куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. АКТ саноатини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишнинг энг муҳим қадамларидан бири – кенг поласали интернет ва толали интернет камровини ошириш жумладан, юқори тезликдаги интернет алоқасини ривожлантиришга сармоя киритиш саналади. Бунда кишлоқ ва чекка ҳудудларни камраб олиш алоҳида аҳамият касб этади.

2. Рақамли саводхонликни оширишга эътибор қаратиш ва фуқароларни АКТ саноати учун зарур кўникмалар билан таъминлайдиган кенг камровли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу ташаббусларга дастурлаш, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик ва ривожланаётган технологиялар бўйича тренинглар қиради.

3. Мамлакат томонидан АКТ саноатини ривожлантириш учун яна бир муҳим ташаббус – саноат ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни таъ-

минлаш саналади. АКТ соҳасида инновациялар ва тадқиқотларни ривожлантириш учун университетлар, тадқиқот муассасалари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш, ушбу ҳамкорлик воситасида янги технологиялар, ечимлар ва саноатга йўналтирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқишга эришиш мумкин.

4. Инвестицияларни рағбатлантирадиган, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, АКТ саноатининг ўсишини қўллаб-қувватловчи ва қулай тартибга солиш муҳитини яратишни таъминловчи ҳуқуқий нормалар ҳам муҳимдир. Бу нормалар АКТ саноатига кириб келувчи корхоналар учун тўсиқларни бартараф этишни, бюрократик жараёнларни тартибга солишни ва АКТ компанияларини рағбатлантиришни ўз ичига олади.

5. АКТ соҳасида илғор тажриба ва билим алмашиш ва хорижий сармояларни жалб қилиш учун бошқа мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳада амалга оширилиши керак бўлган навбатдаги ишдир. Бу ташаббус орқали трансчегаравий ҳамкорликка, технологиялар трансфери ва бозорни кенгайтиришга эришилади.

2-тавсия: Қарз динамикасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар

Ўзбекистоннинг “Коррупцияни идрок қилиш” индексида 2021 йил учун 28 балл [11] тўплаган ҳолда 180 мамлакат ичида 140-ўринда эканлиги, жалб қилинган қарз маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши [12] устидан назорат ўрнатиш зарурияти мавжуд эканлигини англатади. Қарз динамикасини яхшилаш мамлакатлар учун фискал барқарорликка эришиш ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш учун жуда муҳимдир. Қарз динамикасини яхшилаш учун Озарбайжон ва бошқа давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб қуйидаги тавсиялар шакллантирилди:

1. Мониторинг ва шаффофлик: Қарз даражасини, қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини ва қарз барқарорлиги кўрсаткичларини кузатиш учун мустаҳкам мониторинг механизмларини яратиш. Инвесторлар ва халқаро манфаатдор томонлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш учун шаффоф ва ҳисобдор молиявий бошқарув амалиётини жорий этиш.

2. Давлат қарзи ҳақида хабардорлик: Аҳолига қарз динамикаси, фискал масъулият ва давлат қарзининг иқтисодиётга таъсирининг аҳамияти ҳақида маълумот бериш қарз динамикасини яхшилаш учун муҳим ҳисобланади. Ҳукумат қарз динамикасини бошқариш стратегияси билан жамоатчилик ишончини қозониши ва эришилган ютуқларни ошқора қилиш орқали қўллаб-қувватланиш мустаҳкамлашига эришади.

3. Бюджет шаффофлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар

Бюджет шаффофлиги фуқароларнинг фаоллигини рағбатлантиради, давлат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди ва давлат молиясини самарали бошқаришга ёрдам беради. Бу демократик жамиятнинг асосий таркибий қисми бўлиб, ҳукуматлар ва уларнинг фуқаролари ўртасида ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, биринчи навбатда Ўзбекистон ўз ўрнини халқаро тан олинган Очиқ бюджет сўровномасида (OBS) акс эттиришни тезлаштириши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистоннинг OBS индексига киритилиши ва бюджет маълумотларининг халқаро стандартлар асосида очиқланиши, бир вақтнинг ўзида шаффофликни таъминлашга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳамда коррупция даражасини камайтириш орқали мамлакат рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар

1. *The Global Competitiveness Report 2019.* https://www3.weforum.org/docs/WEF_TheGlobalCompetitivenessReport2019.pdf [20.06.2023]

2. *The Global Competitiveness Report.* https://www3.weforum.org/docs/WEF_TheGlobalCompetitivenessReport2020.pdf [12.10.2022]

3. *Менежментни ривожлантириш халқаро институти Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган дунёдаги энг яхши бизнес мактабларидан бири ҳисобланади* (<https://www.imd.org/>).

4. <https://www.imd.org/centers/wcc/world-competitiveness-center/rankings/world-competitiveness-ranking/2023/>

-
5. *Has Azerbaijan Actually Made Significant Progress in Budget Transparency?* <https://bakuresearchinstitute.org/en/has-azerbaijan-actually-made-significant-progress-in-budget-transparency/> [22.06.2023]
 6. *Vietnam's ICT industry grows 26% annually in 2015-2019.* <https://hanoitimes.vn/vietnams-ict-grows-26-annually-in-2015-2019-312465.html> [22.06.2023]
 7. *Kuwait Telecoms, Mobile and Broadband Statistics and Analyses 2019.* <https://www.businesswire.com/news/home/20191101>
 8. *Financial sector development strategic plan.* https://www.minecofin.gov.rw/fileadmin/user_upload/Minecofin/Publications/STRATEGIES/Sector_Strategic_Plans/Financial.pdf [23.06.2023]
 9. *An analysis of competition, efficiency and soundness in the South African banking sector.* <https://sajems.org/index.php/sajems/article/view/2291/1600#:~:text=SoSo%20stylised%20facts%20about%20South%20African%20banking&text=In%20terms%20of%20bank%22soundness,of%20affordability%20of%20financial%20services.> [23.06.2023]
 10. *A general introduction to the banking regulatory regime in South Africa.* <https://www.lexology.com/library/detail.aspx?g=734f749d-6b0d-44ba-bbb1-97e49309182c> [26.06.2023]
 11. *“Коррупцияни идрок қилиш” индекси методологиясига кўра 0 балл коррупциялашганлик даражаси юқори эканлигини, 100 балл коррупция мавжуд эмаслигини кўрсатади.*
 12. *A. Cooray, R. Dzhumashev and F. Schneider, “How Does Corruption Affect Public Debt? An Empirical Analysis” World Development (2016), <http://dx.doi.org/10.1016/j.worlddev.2016.08.020>*
-

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

УЎК: 330.341.1. (575.1)

Konstantin KURPAYANIDI,
*Candidate of Economic Sciences, Professor,
Academician of the International Academy of Pure and
Applied Sciences (USA), Fergana polytechnic institute,
E-mail: antinari@gmail.com*

Innovation and innovation activity: key aspects of economic transformation

Abstract: *article explores key aspects of the transformation of the Uzbek economy with a focus on innovation and innovation activity. The author analyses the current state of the Uzbek economy and identifies the problems that hinder its development. The main focus is on the role of innovation in achieving sustainable economic growth, diversifying industry and increasing the country's competitiveness in the global market. The place of innovations in overcoming economic crises and the need for a paradigm shift in innovation development are highlighted. The article considers the OECD recommendations on innovation and types of innovation described in the Frascati Manual and Oslo Manual. As a result of the study, the author has proved that innovation is crucial for social progress, sustainable development and important for shaping the development policy of Uzbekistan's economy in the context of global challenges and rapidly changing world economic paradigm.*

Keywords: *analysis, innovation, innovative activity, innovative economy, R&D, transformation of the economy.*

Innovatsiya va innovatsion faoliyat: iqtisodiy o'zgarishlarning asosiy jihatlari

Konstantin Kurpayanidi,
*Iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor,
Xalqaro nazariy va amaliy fanlar akademiyasining
akademigi (AQSh),
Farg'ona politexnika instituti*

Annotatsiya: *maqolada O'zbekiston iqtisodiyotini innovatsiya va innovatsion faoliyatga yo'naltirilgan holda o'zgartirishning asosiy jihatlari ko'rib chiqilgan. Muallif O'zbekiston iqtisodiyotining hozirgi holatini tahlil qiladi va uning rivojlanishiga to'stinlik qilayotgan muammolarni aniqlaydi. Asosiy e'tibor barqaror iqtisodiy o'sishga erishish, sanoatni diversifikatsiya qilish va mamlakatning jahon bozorida raqobatbardoshligini oshirishda innovatsiyalarning ro'liga qaratilgan. Iqtisodiy inqirozlarni bartaraf etishda innovatsiyalarning o'rni va innovatsion rivojlanish paradigmasini o'zgartirish zarurati ta'kidlangan. Maqolada innovatsiyalar bo'yicha OECD tavsiyalari, Frascati qo'llanmasida va Oslo qo'llanmasida tasvirlangan innovatsiyalar turlari muhokama qilinadi. Tadqiqot natijasida muallif innovatsiyalar ijtimoiy taraqqiyot, barqaror rivojlanish uchun muhim ahamiyatga ega ekanligini, global muammolar va tez o'zgaruvchan global iqtisodiy paradigma sharoitida O'zbekistonning iqtisodiy rivojlanish siyosatini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega ekanligini isbotlaydi.*

Kalit so'zlar: *tahlil, innovatsiya, innovatsion yaxlitlik, innovatsion iqtisodiyot, ilmiy-tadqiqot, iqtisodiyotni o'zgartirish.*

**Инновации и инновационная деятельность:
ключевые аспекты трансформации экономики**

Константин Курпаяниди,
кандидат экономических наук, профессор,

*Академик Международной академии
теоретических и прикладных наук (США),
Ферганский политехнический институт*

Аннотация: *статья исследует ключевые аспекты трансформации экономики Узбекистана с акцентом на инновации и инновационную деятельность. Авторы анализируют текущее состояние узбекской экономики и обозначают проблемы, которые препятствуют ее развитию. Основное внимание уделяется роли инноваций в достижении устойчивого экономического роста, диверсификации промышленности и повышении конкурентоспособности страны на мировом рынке. Особо выделено место инноваций в преодолении экономических кризисов и необходимость смены парадигмы инновационного развития. В статье рассматриваются рекомендации ОЭСР по инновациям и типы инноваций, описанные в "Руководстве Фраскати" и "Руководстве Осло". В результате исследования автором доказано, что инновации имеют решающее значение социального прогресса, устойчивого развития и важное значение для формирования политики развития экономики Узбекистана в условиях глобальных вызовов и быстро меняющейся мировой экономической парадигмы.*

Ключевые слова: *анализ, инновации, инновационная деятельность, инновационная экономика, НИОКР, трансформация экономики.*

Introduction. Uzbekistan has shown sustained economic growth in recent years. Nevertheless, the country is not making full use of its potential for accelerated development and increased competitiveness [1]. Among the main challenges remain the development of new products and technologies, the introduction of innovation, and the training of highly qualified scientific personnel - factors that have a significant impact on the level of progressiveness of economic development. An analysis of the President's speeches on modernization and renewal of the country's production potential highlights the importance of introducing modern, innovative and highly efficient technologies. However, despite the political attention in this area, the implementation of the innovation strategy in Uzbekistan is still at an early stage. Further development of the country's economy will require not only creating conditions for the development of new innovative projects, but also improving infrastructure,

supporting small and medium-sized businesses and encouraging exports of innovative products [2].

In order to speed up the process of introducing innovations, large-scale research and surveys among business and academics need to be conducted to identify the main problems and factors limiting the development of innovative business. Furthermore, there is a need to build partnerships between academia and businesses to successfully introduce innovative products into the marketplace. Thus, the introduction of modern technologies and innovative solutions is a key factor for strengthening Uzbekistan's economic potential. In addition, a strategic approach and joint efforts of the scientific and business communities will accelerate the introduction of innovative projects and ensure further development of the economy as a whole. Innovation has a significant impact across all sectors of the economy, from manufacturing and agriculture to services and finance.

Methodological, theoretical foundations of the study

In this study, the main research directions within the theory of innovation were identified, and their theoretical constructs were described, and interrelationships were explored using methodological and theoretical frameworks that combined theoretical and systems analysis. The research employed systemic and behavioral approaches, as well as methods of comparison and grouping, analogy and scientific assumption, logical, economic and statistical analysis, and other methods.

The role of innovation and innovation activities in the transforming economy is becoming increasingly significant, with knowledge and technology emerging as the major drivers of competitiveness in society. Scholars and experts highlight the importance of innovation activity in shaping the new economic order on the world stage. This review explores the theoretical aspects of the role of innovation and innovation activity in transforming the economy, drawing from various sources on the subject.

Innovation is a critical driver of economic development, with Schumpeter [3] emphasizing that innovation is the main engine of economic growth. Innovation increases labor productivity, saves resources, and creates new goods and services that meet market demands. Porter [4] concludes that innovation is a key factor in the competitiveness of companies and industries. Thus, the study of various

aspects of innovation is crucial for understanding its role in economic development. Innovation activities encompass the entire cycle of creating, implementing, and disseminating innovation in the economy. Drucker [5] and Nelson [6] argue that innovation should be the fundamental strategy of all companies. Innovation activities include opening new markets, creating innovative products and services, developing novel technologies, and optimizing production processes. Implementing an innovation strategy requires qualified specialists and sufficient funds. Economic transformation involves the shift from tangible goods to knowledge, cultural products, and new technologies. Freeman [7] speculates that innovation processes become pivotal factors in the formation of a competitive economy in a transforming economy. Transformation creates new opportunities for innovation activities, as the number and quality of new products increase. It also brings new challenges for companies to adapt to rapidly changing market conditions. The innovation system is the economic mechanism that enables scientific and technological progress and the development of the economy as a whole. Christensen [8] argues that the innovation system includes scientific and technical research, innovative technologies, and business models. As economic realities shift, strengthening the innovation system is essential to drive economic development forward. Developing and implementing innovation strategies are crucial steps in creating company competitiveness. Chesbrough [9] and Mitra [10] emphasize the importance of innovation strategies in combining economic and social objectives and tailoring them to market conditions. Main priorities in innovation strategy development include setting objectives, developing an action plan, allocating resources, assessing and managing risks, and cooperation with other companies and public authorities. Innovation and social responsibility are linked concepts, according to Lundvall [11] and Freeman and Soete [12]. Innovative development should solve social problems, improve people's quality of life, and protect the environment. Ethical and moral principles in business are equally important with innovation development. Innovation has become a major factor in a country's economic development. Fogel [13] states that innovation improves living standards, creates new jobs, and increases a country's competitiveness in the global market, particularly for developing countries. Companies and the government

need to make significant investments in innovative activities, with appropriate infrastructure availability also being a crucial factor. Overall, this analysis emphasizes that innovation plays a crucial role in the transformation of the economy. Companies can enhance their competitiveness through innovative processes that create new products and services [14]. The development of innovative activities requires sufficient infrastructure and investment, with the most promising area for innovation in the IT, medical, and environmental sectors.

Discussions. There is growing interest in the topic of innovation and its role in the economic development of countries, with the Organisation for Economic Co-operation and Development (*OECD*) developing guidelines aimed at generating and analyzing data on science, technology, and innovation. The Frascati Manual and the Oslo Manual provide widely-used definitions of innovation as the end result of innovative activity that leads to a new or improved product, technological process, or approach to social services, covering any scientific, organizational, technological, commercial, or financial activity that brings about innovation in practice. The guidelines distinguish four types of innovation: product, process, marketing, and organizational [15,16].

Recent research has shown that innovative activity is most successful in companies with highly skilled personnel, economic stability, and a well-developed infrastructure. Innovative activities play an increasingly significant role in achieving competitive advantage and customer satisfaction, requiring the implementation of new technologies, R&D, marketing strategies, and organizational models [17,18]. Overall, innovation is an essential element of economic development, requiring a favorable environment and implementation strategy to address the real problems and needs of society while managing processes and resources [19].

*Главный специалист Проектного офиса
развития геологии, горно-металлургической
и медеперерабатывающей промышленности
Министерства экономики и финансов
Республики Узбекистан*

Аннотация: в статье освещена повышение влияния малого бизнеса и частного предпринимательства на обеспечение конкурентоспособности региона, роль, сущность и содержание региональной экономики. Также выдвинуты предложения по их

развитию в связи с интеграцией науки и высшего образования, внутренними и внешними факторами технологического развития.

Ключевые слова: региональная экономика, малый бизнес и частное предпринимательство, конкурентоспособность, цифровая и инновационная экономика, конкурентная среда.

Ways to increase the impact of small business and private entrepreneurship on ensuring the competitiveness of the region

Dilnoza Ibodova,

*Chief Specialist of the Project Office for the
Development of Geology, Mining,
Metallurgical and Copper Processing Industry
of the Ministry of Economy and Finance
of the Republic of Uzbekistan*

Abstract: the article highlights the increasing influence of small business and private entrepreneurship on ensuring the competitiveness of the region, the role, essence and content of the regional economy. Also put forward proposals for their development in connection with the integration of science and higher education, internal and external factors of technological development.

Keywords: regional economy, small business and private entrepreneurship, competitiveness, digital and innovative economy, competitive environment.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви жараёнларида мамлакатлар иқтисодиётини ҳудудий жиҳатдан ўрганиш зарурати муҳим саналади. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўз ривожланиш жараёнларида юзага келаётган муаммоларни ҳудудий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратаётганларини илғаш мумкин. Ҳатто, айрим мамлакатлар миллий ривожланиш стратегияларини ҳам айнан минтақани алоҳида қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқмоқдалар. Бунга мисол сифатида, Польша, Чехия, Словакия, Болтиқ бўйи давлатлари, Япония, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаларини келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, минтақада хом-ашё ва меҳнат ресурслари, уларни қайта ишлаш қувватлари мавжуд бўлиши мумкин, бироқ иқтисодий барқарор бўлмаслиги мумкин. Аксинча, минтақада хом-ашё ва меҳнат ресурслари етарлича бўлмасда, бироқ иқтисодий барқарор ривожланаётган ҳудудларни ҳам қузатиш мумкин.

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистонда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли дастурлари, лойиҳалари, стратегияларини прогностлаш ва ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг кучайиши шароитида республика ҳудудларининг барқарор ривожланишига эришиш бизнинг давримизнинг долзарб вазифасидир. Ушбу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга оид устувор чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорида республика ҳудудларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишда янгича ёндашувлар ва вазифалар белгиланган [1].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича минтақа – (араб тилидан **“قطنم”** – камар, белбоғ, иқлимий ҳудуд, соҳа, доира) ер юзининг икки қўшни паралелл оралиғидаги, бир-биридан иқлими билан фарқ қиладиган ҳар бир бўлагидир [2]. Ҳудуд – (араб тилидан **“دودج”** “ҳадд” сўзининг кўплиги - чегаралар) маълум чек-чегарага эга бўлган, шундай чегара билан ўралган (ажралган) ер, маълум давлат, вилоят ва шу кабиларга тегишли бўлган ер, майдон [2]. Иқтисодиёт атамаларининг изоҳли луғатида келтирилишича [3] минтақа – бу табиий шарт-шароитлари у ёки бу даражада бир хил бўлган, табиий ресурслар комплекси шаклланган ва истиқболли ижтимоий инфратузилма билан бирга қўшиб олиб

бориш асосида ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг характерли йўналиши билан ажралиб турадиган мамлакатнинг йирик ҳудуди.

Маълумки, 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланишнинг 17 мақсадини қамраб олган 15 йиллик режа дастури қабул қилинган [4]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қароридан [5] макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этиш ҳамда миллий барқарор ривожланиш мақсадларида назарда тутилган кўрсаткичларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар белгилаб олинган.

Демак, юқорида келтирилган сўзларнинг изоҳидан минтақа деганда маълум бир ҳудудга эга ер (давлат, вилоят, шаҳар, туман), бир-биридан иқлими ва табиати ўзгача, табиий ва меҳнат ресурслари, ўз инфратузилмасига эга, қазиб олиш ва қайта ишлаб чиқариши ривожланган ҳудуд англанади (адабиётлар таҳлили асосида муаллифлик изоҳи) [6].

Асосий қисм. Минтақавий иқтисодиёт назарияси XIX аср охири XX асрнинг ўрталарида фан сифатида шакллана бошлаган. Унинг асосчиси сифатида иқтисодчи ва жўрофий олим U.Izard деб тан олинган [7]. У томонидан 1966 йилда **“Минтақавий таҳлил усуллари: минтақалар ҳақидаги фанга кириш”** номли илмий асари ноёб библиографик манбалардан биридир.

Минтақада ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва муқобил фаолият турларини тақсимлаш назарияси хорижий олимлар J.Thunen, A.Veber, W.Christaller, A.Leshлар томонидан тадқиқ этилган [8-11]. G.H.Borts, J.I.Steinлар ҳудудларни ишлаб чиқариш бирликлари сифатида ўзаро алоқа ва мувозанат ўрнатиладиган бозор омилларига асосланган неоклассик назарияни илгари суришади [12-13]. F.Perru, G.Murdal, P.Pottierлар минтақанинг иқтисодий ўсиши неокейнсиан, институционал ва иқтисодий-жўрофий ўсиш моделларини кумулятив ўсиш назариясига қўра асослаганлар [14-16].

Кумулятив ўсиш (лотинча *“kumulatus”* – сўнги, тугалланган) минтақавий ривожланиш манбаларига асосланган ўсиш тури. Бунда, минтақа ресурсларни тақсимламасдан ривожланиши мумкин. [3]. М.Porter, М.Enright, М.Storperлар минтақавий иқтисодий ўсиш назариясини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари билан асослаганлар [17-19]. Академик А.Г.Гранберг минтақавий иқтисодиётни тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан иқтисодиёт фанининг марказий қисмларидан бирини эгаллаши, яъни “иқтисодиёт фанининг ядроси: макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт ва минтақавий иқтисодиётдан иборат тизимда қурилади” деб таъкидлаган [20]. Ушбу фан намоёндаларидан бири Н.Н.Некрасов минтақавий иқтисодиётни иқтисодий ва ижтимоий омиллар ва ҳолатлар тўпламини ҳар бир ҳудуд ва мамлакат миқёсида ишлаб чиқариш кучларини режали ривожлантириш нуқтаи назаридан ўрганади [21]. Т.Г.Морозова “минтақавий иқтисодиёт – ишлаб чиқариш кучларини оқилона тақсимлаш, жойлаштириш ва ҳудуд иқтисодиётини ўрганади” [22] деб таъриф беради.

Л.Г.Гранберг ушбу фаннинг предметини аниқлашда тизимли ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. Сабаби, минтақавий иқтисодиёт фанининг предмети жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Унинг асосий таркиби алоҳида ҳудуд иқтисодиёти, ҳудудлараро иқтисодий муносабатлар, ҳудудий тизимлар, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа жиҳатларидан иборат [20]. Умуман олганда, минтақа иқтисодиётининг предмети нуқтаи назаридан барча қарашлар иккита йўналишга ажратилади. Биринчи йўналишда, А.Г.Гранберг, Н.Н.Некрасов [20-21] минтақавий иқтисодиёт фанини миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари ўрганилади деб таърифласа, иккинчи йўналишда эса В.Г.Глушкова, В.Н.Видяпин, Е.Л.Плесецкий уни ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш билан боғлайди [23-25].

Минтақавий иқтисодиёт ва унинг тамойиллари – бу ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш бозорларини ҳудудлар кесимида оқилона жойлаштириш асосларини ўрганадиган амалий иқтисодий йўналиш. Минтақавий иқтисодиётнинг асосий вазифаси бутун мамлакат ва унинг алоҳида минтақалари иқтисодий манфаатлари ўртасида оқилона келишувни илмий асослашдан иборат [3]. Бундан ташқари, кўпгина олимлар фикрича, минтақавий

иқтисодиётнинг асосий вазифаси бутун мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий жиҳатдан асослаш ҳисобланади. Унда муайян ҳудуд иқтисодиёти, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, ишлаб чиқариш кучларини оқилона тақсимлаш, минтақанинг иқтисодий хусусиятлари, ҳудудий бошқарув тизимини моделлаштириш, ҳудудда хўжалик фаолиятини бошқариш, тартибга солиш механизмлари ва усулларини такомиллаштиришдан иборатлигини таъкидлайдилар [6]. Шу сабабли, тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш шакллари ва унинг ривожланишини рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш, ўз вақтида қарорлар қабул қилиш, биринчи навбатда минтақа даражасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради.

Р.Krugman ўз назарий қарашларида, минтақалар рақобатбардошлик устунлигининг “иккиламчи табиати” сифатида инсон капитали, агломерация самараси, бошқарув институтлари сифати каби омилларнинг ҳудудий ривожланишдаги аҳамияти ортиб боришини таъкидлайди [26]. М.Porter эса, кластерлар ва рақобат назариясида тадбиркорлик корхоналари жойлашган ҳудуднинг рақобатбардошликка таъсир кўрсатиши ғояларини илгари сурган [17].

Минтақа миқёсида рақобатбардошликнинг назарий ва услубий жиҳатлари В.А.Логинова, А.И.Татаркин, Р.А.Фатхутдинов, Л.Н.Чайникова, Л.К.Шеховцева, В.Н.Парахин ва бошқа олимларнинг илмий асарларида кенг ёритилган [27-32]. Минтақанинг рақобатбардошлик тоифасини аниқлашнинг ягона ёндашуви мавжуд эмас. В.А.Логинова минтақа рақобатбардошлиги бошқа ҳудудлар билан таққослаганда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхлит баҳолашнинг синоними сифатида, аммо рақобат тушунчаси билан ҳеч қандай алоқаси йўқ деб ҳисоблайди [27]. А.И.Татаркин минтақанинг рақобатбардошлигини унинг иқтисодий самарадорлиги ва инвестиция салоҳияти билан боғлайди [28], Л.Н.Чайникова минтақанинг рақобатбардошлиги - бу “инновацион ёндашув асосида мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда миллий ва жаҳон стандартларига мос келадиган, ўз аҳолиси учун ҳаётнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш, эркин бозор механизмларини самарали амалга ошириш, ҳудудни барча йўналишларда рақобатбардошлик устунлигини яратиш қобилияти” деб ҳисоблайди” [30]. Л.К.Шеховцева минтақа рақобатбардошлигини бошқа ҳудудларга нисбатан

ресурлардан (меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар) фойдаланиш самарадорлиги (унумдорлиги) сифатида белгилайди [31]. Ва ниҳоят, В.Н.Парахин эса рақобатбардошликнинг ижтимоий омилларини биринчи навбатга қўйиб, аҳолининг турмуш тарзини сифати ва юқори даражасини таъминлаш деб қарайди [32].

Муаллифларнинг ушбу илмий ёндашувларига қўшилиш мумкин. Бирок, юқоридаги жиҳатлардан ташқари, худудлар рақобатбардошлигининг экологик компонентини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби, антропоген босимнинг кучайиши шароитида, айниқса, казиб чиқариш ва қайта ишлаш саноати юқори бўлган минтақаларда, атмосферадаги зарарли моддалар аҳолининг ҳаёт сифатига, қолаверса агроф-муҳитга кўпроқ таъсир қилади.

Глобал ривожланиш институти профессори Р. Хике, шу институт тадқиқотчиси Р.Бухтларнинг фикрича: “Технологияларнинг таъсирини мавжуд иқтисодий жараёнлар, тизимлар ва тармоқлар, тадбиркорликнинг ўзаро алоқалари ва моделларининг ўзгариши сифатида қараш мумкин. Бундан ташқари, бу жараён янги иқтисодий жараёнлар, тизимлар ва тармоқларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин” [33].

Мамлакатнинг (минтақа, тармоқ) рақамли иқтисодиётга тайёрлигини баҳолаш услугиётининг тузилмасидан келиб чиқиб, миқдор ва сифат кўрсаткичлари мажмуасидан фойдаланган ҳолда ривожланишнинг муҳим жиҳатларини тавсифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга тайёрлиги услугиёти тузилмаси [33]



Маҳаллий олимлар А.Содиқов, М.Абдусаломов, А.Солиев, А.Қаюмов, Ш.Назаров, Р.Тошматов, Б.Рузметов ва бошқалар томонидан минтақа иқтисодиёти фани тадқиқ этилган [34-40].

Иқтисодчи олим Ш.Назаров ўз қарашларида иқтисодиётни худудий ташкил қилиш ва бошқаришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини ёритган. Шунингдек, худудларни ривожлантиришда инвестиция ва инновация жараёнларини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, минтақалар рақобатбардошлигини аниқлаш ва ошириш масалалари муҳим ўрин эгаллаган [38].

Р.Тошматов минтақани учта асосий хусусиятлари билан ифодалайди:

- чекланган худуднинг табиий ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш салоҳияти;
- қайсидир фаолият турига ихтисослашганлиги;
- ички ва ташқи алоқалар тавсифи [39].


Бугунги кунда, маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқарувчиларнинг рақамли ва инновацион фаолиятини фаоллаштириш мамлакат рақобатбардошлигини ошириш учун асос бўлади.

Қашқадарё вилоятида ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларга инновацион ишланмалар, шу жумладан, рақамли технологияларни жорий этилиши иқтисодий ривожланишни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш масадида ишлаб чиқилган “Маълумотларни бошқариш” ахборот тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш, келгусида прогнозлаштириш имконини беради.

Қолаверса, Қашқадарё вилоятида ҳам хизматларни бошқариш, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш, йўл транспорт, коммунал инфратузилма каби 40 дан ортиқ соҳалар бўйича маълумотларнинг интеграциялашган ахборот муҳитини ташкил этиш орқали реал вақт режимида маълумотларнинг таҳлилини юритиш ва тезкор қарорларни қабул қилиш мақсадида геопорталларни ташкил этишга оид “йўл харита” ишлаб чиқилган [33].


Мақолада муаллифнинг Қашқадарё вилоятида иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, ахборот коммуникациялари ва технологияларнинг аҳамияти, мавжуд ҳолат билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган материаллари ҳамда истиқболда эътиборга молик айрим қарашлари келтирилган.

2018-2022 йилларда фаолият кўрсатаётган йirik бизнес корхоналари сони 119,4%га, кичик бизнес корхоналари сони 114,6%га ошган.



1-расм. 2018-2022 йилларда фаолият кўрсатаётган йирик ва кичик бизнес корхоналари сони
Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.


2018-2022 йилларда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 2,3 баробарга, фаолият кўрсатаётганлари сони 2,1 баробарга, янги ташкил этилганлари сони 3 баробарга ошган.



2-расм. 2018-2022 йилларда рўйхатга олинган, фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.


2018-2022 йилларда иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг салмоғи саноатда 119,5%га, инвестициялар ҳажми 2 баробарга ошган.



3-расм. 2018-2022 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиётда соҳалар кесимида салмоғи (%)
Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.

2022 йилда вилоятда кичик бизнес тадбиркорлик корхоналарида банд бўлганларнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбати 78%ни ташкил этади.

2022 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг Ялпи ҳудудий маҳсулотдаги (ЯҲМ) улуши 68,1%ни, саноатда 23,6%ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 98,1%ни, инвестициялар 27,6%ни, қурилишда 73,2%ни, чакана савдо айланмасида 85,5%ни, экспорт ҳажмида 39%ни, импортда 50,2%ни ташкил этган.



4-расм. 2022 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши (%)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.

Хулоса ва таклифлар. Ривожланаётган рақобат шароитида минтақанинг хусусий тадбиркорлик, кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш учун янги бошқарув воситалари, дастаклари ва рақобатбардош устунликларнинг янги манбаларини доимий равишда излашлари керак бўлади. Минтақавий рақобатбардош устунликларни топиш муаммоларини таҳлил қилиш, биринчи навбатда, минтақанинг илмий-техникавий, интеллектуал ва ишлаб чиқариш соҳаларида шаклланадиган ушбу жараённинг рақамли ва инновацион омилларига асосланиши керак. Ҳозирги вақтда тадбиркорлик корхоналари учун рақобатбардош устунликларни қўлга киритишнинг умум эътироф этилган ва истиқболли йўналишларидан бири рақамли ва инновацион фаолиятни фаоллаштиришдир.

Бизнинг назаримизда, минтақанинг рақобатбардошлик устунлигини белгилайдиган асосий омилларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- табиий-иқлим жўғрофий омиллар;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги;
- ҳудуднинг молия-бюджет тизимининг мувозанати;
- ресурслардан самарали фойдаланиш;
- бозор инфратузилмаси;
- тадбиркорлик муҳити;
- тадбиркорлик корхоналарининг ўзаро кооперацион алоқалари;
- рақамли ва инновацион фаоллик;
- халқаро алоқалар;
- аҳоли турмуш даражаси ва б.

Минтақа рақобатбардошлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш керак:

- табиий-иқлим шароити;
- иқтисодий кўрсаткичлар;

- ижтимоий кўрсаткичлар;
- атроф-муҳит ҳолати кўрсаткичлари.

Рақамли ва инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- замонавий технологиялардан, янги технологик жараёнлардан фойдаланиш, янги хусусиятга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни татбиқ этиш;
- янги хом-ашёлардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг моддий-техник таъминотини ўзгартириш;
- янги бозорларга кириб бориш.
- Қашқадарё вилояти ҳудудларининг рақобатбардошлиги муаммосини қуйидаги йўналишларда ҳал қилиш зарур деб ҳисобланади:
 - таълим, фан, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантиришни зарур ҳажмларда молиялаштириш;
 - энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш тизимларида рақобатбардош устунликларни шакллантириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;
 - бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда илмий ёндашувлардан фойдаланиш ва қўллаш;
 - ижтимоий-иқтисодий ривожланишга рақамли ва инновацион йўналиш таъсирини кучайтириш.

Шу билан бирга, янги технологиялар асосида ҳудудий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардош устунликларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва инновацияларни жорий этиш бўйича узоқ муддатли стратегияларни кенг қўламли иқтисод ҳамда харажатларни қисқартиришни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш, йирик инвестицияларни жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар билан бирлаштирилиши керак. Минтақавий саноат кластерларини ривожлантириш ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш ва ривожлантириш сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиши лозим.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга оид устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори.*
2. *Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов ва б. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси. Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. М; Ҳарфлар.*
3. *И.Норқулов, О.Маҳмудов. Иқтисодий атамаларнинг изоҳли лугати. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. Тошкент: “Sahhof” нашриёти. 2022. 424 б.*
4. <https://strategy.uz/index.php?news=956>
5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 83-қарори.*

6. Д.Ибодова. Рақамли, инновацион иқтисодиёт муҳтида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобатбардошлиги. Монография. Тошкент. 2023. 131-бет.
7. U.Izard. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. – М. 1966. – С. 301.
8. J.Thunen. Изолированное государство. Экономическая жизнь, 1926. – С. 220-227.
9. A.Veber. Теория размещения промышленности: Пер. с нем. – Л., – М, 1926.
10. W.Christaller Central Places in Southern Germany. Englewood Cliffs. N.J. 1966. 230 p.
11. A.Lesh. Географическое размещение хозяйства. М. Изд-во иностр. лит. 1959.
12. Borts G.H., Stein J.I. Economic Growth in a Free Market. New York, London, 1964.
13. G.H.Borts, J.I.Stein. Why Do Some Countries Produce So Much More Output per Worker than Others? // *Quarterly Journal of Economics*. 1999. V, CXIV. – P, 83-116.
14. Ф.Перру. Экономическое пространство: теория и приложения. Пространственная экономика. 2. 2007. – С. 77.
15. G.Murdal. Современные проблемы «третьего мира». Драма Азии. Пер. с англ. / Общ. ред. д.э.н., проф. Р.А. Ульяновского. М.: Изд-во «Прогресс», 1972. 767 с.
16. P.Pottier. Axes de communication et developpement economique. *Revue economique*. 1963. T. 14. – С. 58-132.
17. М.Р.Портер. Конкуренция. М. Вильямс. 2003. 608 с.
18. M.J.Enright. Why Clusters are the Way to Win the Game?. *World Link*. No5. July/August. 1992. Pp. 24-25.
19. M.Storper. The Regional World: Territorial Development in Global Economy. N.Y. Guilford Press. 1997. 338 p.
20. А.Г.Гранберг. Основы региональной экономики: учебник для вузов. 4-е изд. М. ГУ ВШЭ. 2004. – С. 495.
21. Н.Н.Некрасов. Региональная экономика. М. Экономика, 1975.
22. Т.Г.Морозова. Региональная экономика. М. ЮНИТИ, 2000.
23. В.Г.Глушкова, В.В.Курнышев. Региональная экономика. Основы теории и методы исследования. Кнорус. 2015. 262 с.
24. В.И.Видяпин, М.В.Степанов. Региональная экономика. 2007. – С. 529.
25. Е.Л.Плесецкий. Региональная экономика. М. ЮРАЙТ. 2015. 583 с.
26. P.Krugman. Space: the last frontier. *Spatial economy*, 2005. №3. pp. 121-126.
27. В.А.Логина. Современные подходы к оценке конкурентоспособности территориальных экономических систем. *Вестник ТОГУ*. 2008. №2 (9). – С. 139-152.
28. А.И.Татаркин. Социальная ориентация предприятий и территорий как условие формирования конкурентных преимуществ Уральского федерального округа. *Конкурентоспособность предприятий и территорий в меняющемся мире. Междунар. научно-практ. конф. Екатеринбург. Ур.ГЭУ*. 2002. – С. 124-128.
29. Р.А.Фатхутдинов. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. – М. ИНФРА-М. 2009. – С. 123.
30. Л.Н.Чайникова. Методологические и практические аспекты оценки конкурентоспособности региона. Монография. Тамбов: Тамб.ГТУ, 2008. 148 с.
31. Л.К.Шеховцева. Методология разработки стратегии развития окраинного региона страны в условиях ОЭЗ. Прогнозирование и стратегия развития Особой экономической зоны России. *Межвузов. сб. научн. труд. Калининград. Калининградский университет*. 2000. – С. 20-32.
32. В.Н.Парахин, К.А.Парахин. Конкурентоспособность региона как экономическая категория. *Электронный ресурс: <http://www.ncstu.ru>*
33. Д.Ибодова. Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари. *Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар*. №2. (22). Апрель-июнь. ва 56-63-бетлар.
34. А.Садыков и др. Основы регионального развития: теория, методология, практика. – Т. *Iqtisod-moliya*. 2005. 280 с.
35. М.Абдусаломов и др. Производительные силы и совершенствование экономических связей Узбекистана. – Т. *Фан*. 1986. 143 с.
36. А.Солиев. Иқтисодий география, назария, методика ва амалиёт. Т. Камалак. 2013.
37. А.Қаюмов ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Т. Университет. 2004. 102-б.
38. Ш.Назаров. Минтақавий иқтисодиёт ва бошқарув. Тошкент. *Renessans нашриёти*. 2021. 196 б.
39. Р.Х.Ташилатов. Региональная экономика. *Ташкент*. 2022.
40. Б.Рузметов. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. – Т. *Фан*. 2002.
41. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг 2018- 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, рақамли иқтисодиёт ривожланишининг асосий маълумотлари.

УЎК: 330.322.67701.(575.1)

Бахтиёр УРИШЕВ,
Тошкент молия институтини Андижон факультетини
“Ижтимоий-гуманитар фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси,
E-mail: baxtiyorurishev@gmail.com

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг беш йиллик иқтисодий таҳлили

Аннотация: ушбу мақолада тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни бошқариш ва фаоллигини ошириш муҳимлиги кўрсатилган. Инновацион иқтисодиётнинг динамик ривожланиш тенденцияси истеъмолчилар талабини тўлиқроқ қондириш ва иқтисодиётнинг замонавий тармоқларида меҳнат унумдорлигини юқори даражада ошириш имконини беради.

Калит сўзлар: инвестиция, рақобат, инновацион иқтисодиёт, тўқимачилик, ривожланиш стратегияси.

Пятилетний экономический анализ текстильной промышленности Узбекистана

Бахтиёр Уришев,
Андижанский факультет Ташкентского
финансового института
Старший преподаватель кафедры
«Социально-гуманитарные науки»

Аннотация: в данной статье показана важность повышения активности и управления инвестиционной деятельностью на предприятиях текстильной и швейно-трикотажной промышленности. Рассмотрена и проанализирована тенденция динамического развития текстильной отрасли в 2017-2022 гг. Выявлены факторы более полного удовлетворения потребительского спроса и повышения производительности труда в современных отраслях экономики.

Ключевые слова: инвестиции, конкуренция, инновационная экономика, текстиль, стратегия развития.

Five-year economic analysis of the textile industry of Uzbekistan

Bakhtiyor Urishev,
Andijan Faculty of Tashkent Financial Institute
Senior Lecturer at the Department of Social Sciences
and Humanities

Abstract: this article shows the importance of increasing activity and managing investment activities in the enterprises of the textile and clothing and knitwear industries. The trend of dynamic development of the textile industry in 2017-2021 is considered and analyzed. The factors of more complete satisfaction of consumer demand and increase in labor productivity in modern sectors of the economy have been identified.

Keywords: investment, competition, innovative economy, textiles, development strategy.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнлари долзарблик касб этиб бораётган бугунги кунда тўқимачилик саноатининг барқарор ривожланишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур тармокнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Франция, АКШда 6-8%ни, Италияда 12%ни ташкил этади. Бу мамлакатлар бюджетининг 20%гача қисмини тўқимачилик тармоғи ва кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳисобига шакллантириш имконини беради. Жаҳонда охириги 10 йил ичида тўқимачилик саноатининг ривожланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати улуши 2022 йили умумий экспорт ҳажмининг 16,5 фоизини

ташқил этди. Бу 3178,0 миллион АҚШ доллари миқдорини ташқил қилиб, 2021 йилга нисбатан 8,6 фоизга ўсган.

Жаҳонда кучли рақобат шароитида тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, кимёвий тола ва иплардан шакл сақловчанлик хусусияти юқори бўлган, супер замонавий газламалар ва хом ашё сарфини қисқартириш имконини берадиган «енгиллаштирилган» трикотаж матолари яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берадиган илғор техника ва технологияларни тадқиқ қилиш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш ва республикаимиз тўқимачилик саноати корхоналарини бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини такомиллаштириш, тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.



1-расм. Тўқимачилик экспорти динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар

Манба: <https://stat.uz/uz/O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi>.

Республикаимизда тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантиришда инновацион бошқарув усулларини қўллаш, инновация ва инвестицияларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали халқимизни сифатли тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳияти-

ни оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»[4] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кунда дунё бозорида табиий толалардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон дунё бозорида фақатгина пахта хом ашёси эмас, балки тайёр тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари етказиб берувчи экспортёр сифатида танилиши учун ҳам кенг имкониятлар борлигини таъкидлаш зарур.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «2017-2021 йилларда тўқимачилик ва тиккув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури» тайёрланди. «Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган пахтадан олинган толанинг 40 фоизи қайта ишланмоқда, қолгани табиийки, четга экспорт қилинмоқда. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, хом ашё эмас, ип-калавани экспорт қилсак, толага нисбатан 1,4 марта кўп маҳсулотни экспорт қиламиз. Агар пахта тайёр маҳсулот қилиб сотадиган бўлсак, экспорт ҳажми 6 баробар кўпаяди».[5]

Тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, илмий тадқиқотимизда Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарини кучли рақобат муҳитида ривожлантириш стратегияларининг назарий-услубий асослари бўйича турли ёндашувлар умумлаштирилиб, тармоқда мақсадли рақобат мавқеига эришиш стратегиясининг моҳияти ва мазмуни асослаб берилган. Рақобат – қисқача таъриф берадиган бўлсак бу бозор иқтисодиётининг, умуман, товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси, шунингдек, бозордаги икки томон иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга

бўлиш ва бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш учун олиб бориладиган курашдир.

Асосий қисм. Кучли рақобат шароитида тўқимачилик корхоналари ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари ва уларнинг самарадорлигини баҳолашда тўқимачилик саноати корхоналарининг республикамиз халқ хўжалигидаги ўрнини асослаб бериш мақсадга мувофиқдир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан ташкил этилган «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибида 1436 та корхона бўлиб, 5 та акциядор-

лик жамияти, 74 та қўшма корхона, 109 та чет эл корхонаси, 1056 та масъулияти чекланган жамият ҳамда 192 та бошқа ташкилий ҳуқуқий шаклдаги корхона ва ташкилотлар фаолият олиб борди. Бу кўрсаткич ҳозирда 1823(1989) та корхонани ташкил этиб, уларнинг 431 таси тўқимачилик саноати, 1392 таси тикувчилик ва трикотаж саноати корхоналари ҳисобланади. 47 та йирик корхона, 1776 та кичик, ўрта ва хусусий бизнес корхоналари шулар жумласидандир. Шунинг таъкидлаш керакки, республикамиз тўқимачилик саноати юқори суръатлар билан ривожланмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида 2017-2022 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси

| Маҳсулот турлари | Ўлчов бирлиги | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | 2021 йилга нисбатан (%) |
|-----------------------------|---------------------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|-------------------------|
| Пахта калава ипи | минг. тонна | 385,2 | 448,9 | 563,3 | 630,3 | 750 | 906 | 128 |
| Тайёр ип газлама | млн. м ² | 238,4 | 348,9 | 705 | 407,4 | 550 | 814 | 148 |
| Трикотаж матоси | минг.тонна | 69,9 | 89,9 | 142 | 120,5 | 242,8 | 242 | 100 |
| Тикув-трикотаж маҳсулотлари | млн. дона | 452,3 | 536,0 | 790 | 1490 | 1955 | 2324 | 119 |
| Пайпоқ маҳсулотлари | млн. жуфт | 102 | 135 | 261 | 400 | 302 | 462 | 152 |
| Экспорт | млн. долл | 1169,0 | 1602,6 | 1541,0 | 1860,0 | 2927,2 | 3178,0 | 108,6 |

Манба: [https://stat.uz/uz/ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi](https://stat.uz/uz/O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi).

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши бевосита пахта хом ашёси ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислохотлар-

нинг натижаси эканини кўриш мумкин. Жумладан, 2022 йилда 3 200 млн. АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 16,5 % ини ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан 8,6 % га ўсди.

2-жадвал

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси (январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)

| | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил |
|---|--|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|
| Товар номи / Жами йил ҳисобида | | 1300,3 | 1626,9 | 1922,2 | 2927,2 | 3178,0 |
|  | Пахтадан йигирилган ип | 726,6 | 926,1 | 940,7 | 1613,5 | 1410,8 |
|  | Тайёр кийимлар | 289,6 | 354,8 | 506,5 | 644,9 | 928,2 |
|  | Трикотаж мато | 65,5 | 84,8 | 144,5 | 242,8 | 307,7 |
|  | Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари | 36,1 | 51,9 | 88,8 | 118,1 | 161,7 |
|  | Пахтадан газламалар | 65,7 | 69,2 | 96,8 | 131,6 | 151,4 |
|  | Ипак ва ипак маҳсулотлари | 49,9 | 71,8 | 74,9 | 78,1 | 92,5 |
|  | Вага(пахта), намат ва тўқилмаган материаллар, аркон буюмлари | 26,8 | 27,4 | 30,9 | 39,7 | 54,4 |
|  | Гиламлар | 31,9 | 32,0 | 29,2 | 42,1 | 43,9 |

Манба: [https://stat.uz/uz/ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi](https://stat.uz/uz/O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi).

Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йиғирилган ип (44,4 %), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (29,2 %) асосий улушни эгаллаган. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида 73 давлатга 552 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинди.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспортнинг энг катта улуши Россия Федерацияси (1264,9 млн. АҚШ доллари – 39,8%), Туркия (519,1 млн. АҚШ доллари – 16,3%), Қирғизистон (513,4 млн. АҚШ доллари – 16,1%) давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

3-жадвал

Давлатлар кесимида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси (январь-декабрь, млн. АҚШ доллари)

| | | 2021 йил | 2022 йил | Ўсиш суръати,% |
|---------------------------------|--------------------|----------|----------|----------------|
| Мамлакатлар / Жами йил ҳисобида | | 2927,2 | 3178,0 | 108,6 |
| 1. | Россия Федерацияси | 910,7 | 1 264,9 | 138,9 ▲ |
| 2. | Туркия | 461,1 | 519,1 | 112,6 ▲ |
| 3. | Қирғизистон | 401,1 | 513,4 | 128,0 ▲ |
| 4. | ХХР | 636,3 | 274,0 | 43,1 ▼ |
| 5. | Эрон | 46,3 | 80,0 | 172,8 ▲ |
| 6. | Польша | 65,6 | 78,3 | 119,4 ▲ |
| 7. | Тожикистон | 21,7 | 71,9 | 331,3 ▲ |
| 8. | Қозоғистон | 48,6 | 61,1 | 125,7 ▲ |
| 9. | Белоруссия | 23,4 | 45,0 | 192,3 ▲ |
| 10. | Италия | 32,8 | 38,5 | 117,4 ▲ |
| 11. | Украина | 51,6 | 38,1 | 73,8 ▼ |
| 12. | Германия | 12,5 | 28,7 | 229,6 ▲ |
| 13. | Озарбайжон | 18,7 | 20,3 | 108,6 ▲ |
| 14. | Египет | 30,2 | 19,6 | 64,9 ▼ |
| Бошқа мамлакатлар | | 166,7 | 125,2 | 75,1 ▼ |

Манба: <https://stat.uz/uz/> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi.

Таҳлил ва натижалар. Кучли рақобат шароитида тўқимачилик корхоналари ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларини асослаб беришда мақсадли рақобат мавқеига эришиш стратегиясини амалга ошириш йўллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, «Стратегия - корхонанинг ташкилий вазифа ва мақсадларига эришишда фойдаланиладиган ташкилий хатти-ҳаракатлар ҳамда бошқарувга ёндашувлари тарзи, яъни бирор-бир мақсадга эришиш учун қўйилган вазифаларни бажаришда айнан, белгиланган тарзда ҳаракат қилиш мажбурияти, шунингдек, қўйилган мақсад (натижа) га эришишга йўналтирилган бошқариш режаси».

Тадқиқот натижалари ва беш йиллик таҳлилга асосланган ҳолда, тўқимачилик корхоналари рақобат стратегияси асосий элементлари аниқлаштирилган (2-расм) илмий тадқиқотимизда мавжуд услубларни ўрганиб умумлаштирган ҳолда, тўқимачилик саноатининг рақобатчилики

салоҳиятини баҳолашга нисбатан услубий ёндашувлар келтирилган.

Тўқимачилик корхоналаридаги жараён механизациялашган жараён бўлганлиги ҳамда кўп станокчиликка асосланганлиги сабабли, инновацион инвестицияларни жорий этиш корхонада меҳнат унумдорлиги ҳамда самарадорликни оширишнинг асосий омилидир. Шунингдек, инновацияларни татбиқ этиш жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган, янги хос хусусиятларга эга маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради.



2-расм. Тўқимачилик корхоналари рақобат стратегияси

Манба: Юсупов С.Ш. “Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.

Манба ва адабиётлар

1. Khurana N. *Indian Textile and Garment Industry A Prospective Area for Investment in India* // *Imperial Journal of Interdisciplinary Research*. Vol -3, Issue-3, 2017
2. Abdusamatovich, U. B. (2022). *FINDING THE OPTIMAL CONTENT OF COTTON FIBER IN THE MIXTURE*. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(04), 109-115.
3. Якубов, М.С., & Уришев, Б.А. (2020). Концепция повышения экономического потенциала текстильной промышленности. *Universum: технические науки*, (6-2 (75)), 57-59.
4. Sh. Korabaev, S. Matismailov, A. Yuldashev, D. Atanbaev, *Solid State Technology* 63(6), 15 (2020).
5. А. А. Маджидов, Ф. П. Азимова, Ирода Худайбердиева. — Об инвестиционном и экспортном потенциале текстильной промышленности Узбекистана. *Молодой ученый*. – 2015. – № 9 (89). – С. 655-658.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.
7. Ш.М.Мирзиёев. *Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз*. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

Тўқимачилик саноатида инвестицияларни тартибга солиш фаолиятини самарали бошқариш масалаларига тизимли ёндашиш, инвестиция жараёнларини бошқаришнинг замонавий усулларини такомиллаштириш асосида тармоққа инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини таъминлайдиган механизмларини такомиллаштириш шулар жумласидан.

Республикаимиз иқтисодиётининг ривожланишида эришилаётган ижобий натижалар, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш асосида замонавий саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар турининг кўпайиб, уларнинг рақобатбардошлиги халқаро бозорлардаги талабга мувофиқлаштирилиб борилмоқда.

Тақлифлар. Фикримизча, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа секторларига инновацион ишланмаларни жорий этиш борасида ижобий натижаларга эришилаётганига қарамасдан, ихтиролар қилиш, уларни ўзлаштириш ва тижорийлаштириш ҳамда якуний илмий хажмдор маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олган инновацион жараённинг барча босқичларини бирлаштирадиган узлуксиз тизимни янада изчил ривожлантириш зарур.

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education, and poverty reduction

УЎК: 330.59.(575.1)

Дилдора КАРИМОВА,
доктор экономических наук,
руководитель проекта Института макроэкономических и
региональных исследований,
E-mail: d.karimova@imrs.uz,
Шарифа АМРИДДИНОВА,
старший научный сотрудник Института макроэкономических и
региональных исследований,
E-mail: sh.amriddinova@imrs.uz

Подходы к оценке ключевых рисков бедности: мировая практика и рекомендации для Узбекистана

Аннотация: мировая практика свидетельствует о существовании ключевых рисков бедности, которые свойственны почти всем странам мира – рост цен на жизненно важные товары и услуги, рост безработицы, ограниченный доступ к жилью и коммунальным услугам, гендерное неравенство и т.д. Вместе с тем, в каждой стране, исходя из ее специфики, имеются свои инструменты оценки и мониторинга рисков бедности. В статье описана мировая практика, которая может быть полезна для Узбекистана. Ведь именно правильно и вовремя оцененные риски и угрозы отчасти определяют эффективность политики государства по сокращению бедности.

Ключевые слова: риски бедности, неравенство, оценка и мониторинг, сокращение бедности.

Асосий камбағаллик рискларини баҳолашга ёндашувлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон учун тавсиялар

Дилдора Каримова,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини лойиҳа раҳбари,
Шарифа Амриддинова,
Макроиқтисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институтини катта илмий ходими

Аннотация: жаҳон амалиёти дунёнинг деярли барча мамлакатлари учун умумий бўлган асосий камбағаллик ўсиши хавф-хатарлари – ҳаётий муҳим товарлар ва хизматлар нархининг ошиши, ишсизликнинг ўсиши, уй-жой ва коммунал хизматлардан фойдаланишнинг чекланганлиги, гендер тенгсизлиги мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, камбағаллик хавфини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун ўз воситаларига эга. Мақолада Ўзбекистон учун фойдали бўлган жаҳон амалиёти баён этилган. Зеро, айнан тўғри ва ўз вақтида баҳоланган хавф ва таҳдидлар камбағалликни қисқартириши бўйича ҳукумат сиёсати самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Калит сўзлар: камбағаллик хавфлари, тенгсизлик, баҳолаш ва мониторинг, камбағалликни қисқартириши.

Approaches to assessing key poverty risks: world practice and recommendations for Uzbekistan

Dildora Karimova,
DSc (in Economics),
Project Manager, Institute for Macroeconomic and
Regional Studies,
Sharifa Amriddinova,
Senior Researcher, Institute for Macroeconomic and
Regional Studies

Abstract: world practice indicates the existence of key poverty risks that are common to almost all countries of the world - rising prices for vital goods and services, rising unemployment, limited access to housing and utilities, gender inequality, etc. At the same time, each country, based on its specifics, has its own tools for assessing and monitoring poverty risks. The article describes the world practice, which can be useful for Uzbekistan. After all, it is precisely correctly and timely assessed risks and threats that partly determine the effectiveness of the government's policy to reduce poverty.

Keywords: poverty risks, inequality, assessment and monitoring, poverty reduction.

Введение. В глобальном мире, в условиях изменения климата, экономических кризисов и военных конфликтов, адаптация населения к социально-экономическим условиям становится все сложнее. Чтобы предупредить увеличение масштабов бедности необходимо своевременно и объективно оценивать риски бедности.

Надо отметить, что риски бедности – это факторы, которые приводят к расширению масштабов бедности. Мировая практика свидетельствует о существовании следующих ключевых рисков бедности (рис.1):

- рост стоимости жизни;
- различные виды неравенства, включая гендерный разрыв в оплате труда;
- масштабы безработицы;
- ограниченный доступ к воде и продовольствию;
- изменение климата, военные конфликты и т.д.

Анализ теоретико-методологических подходов к пониманию и измерению рисков бедности позволяет сделать вывод о том, что основным методом оценки был и остается анализ динамики и состояния основных социально-экономических и демографических характеристик бедного населения на основе переписи населения и социологических опросов.

На сегодняшний день в республике осуществляются комплексные реформы в сферах земельного рынка и рынка труда, в секторах водоснабжения и энергетики, здравоохранения и образования, а также в области приватизации госпредприятий. Кроме того, реформы управления, направленные на создание благоприятной деловой среды, способствуют созданию рабочих мест и сокращению уровня бедности.



Рис.1. Ключевые риски бедности

Основная часть. Исходя из национальной черты бедности, рассчитанной на базе минимальных потребительских расходов домохозяйств республики, уровень бедности в 2022 году составил 14% и сократился на 3 процентных пункта по сравнению с 2021 годом.

В статье рассмотрены потенциальные риски, присущие Узбекистану, в ходе проведения реформ. Например, при условии экономических реформ без учета интересов малоимущих и уязвимых слоев населения возможны проявления рисков экономической бедности, выраженной в низком уровне образования и доходов большей части населения, высоком уровне безработицы, различных видов неравенства, включая гендерный разрыв в оплате труда (таблица 1).

Например, по данным Всемирного банка, разрыв в оплате труда женщин и мужчин составляет 39%, что почти в 2 раза выше среднемирового значения (20%). По оценкам экспертов в Узбекистане ликвидация гендерного разрыва в средней оплате труда работающих женщин и мужчин позволила бы избавить от бедности свыше 700 тысяч человек [1].

**Таблица 1.
Факторы и возможные риски экономической бедности**

| Факторы | Потенциальные риски | Тип бедности |
|--|---|------------------------|
| Экономический рост без учета интересов бедных. | Низкий уровень образования и квалификации | Экономическая бедность |
| | Низкий уровень оплаты труда и доходов населения | |
| | Неравенство в оплате труда женщин и мужчин | |
| | Масштабы безработицы | |

Источник: разработано авторами.

Надо отметить, что изменение климата и усиление его давления на природные ресурсы, сельское хозяйство, на рабочие места и безработицу, инфраструктуру, сектор здравоохранения и соцобеспечения может стать сквозным вызовом для развития страны. Уже сегодня Узбекистан уязвим к изменению климата и сталкивается с изменением температур, осадков и нехваткой водных ресурсов. Это может способствовать росту бедности в сельской местности из-за зависимости населения от сельского хозяйства и низкой способности адаптироваться. Также есть вероятность усиления проблем со здоровьем населения, вызываемыми пыльными бурями и опустыниванием.

Неспособность сельскохозяйственного сектора отдельных регионов республики адаптироваться к проблемам изменения климата и нехватке воды может привести к росту безработицы и увеличению масштабов миграции.

В условиях изменения климата и необходимости перехода к зеленой экономике могут усилиться региональная или сельская бедность, связанная с ростом цен на энергоресурсы, ограниченным доступом к воде, к зеленым рабочим местам, требующим высокой квалификации и профессиональных знаний (таблица 2).

Таблица 2.
Факторы и возможные риски региональной бедности

| Факторы | Потенциальные риски | Тип бедности |
|--|--|-----------------------|
| Изменение климата. Переход к зеленой экономике. | Рост тарифов на энергоресурсы | Региональная бедность |
| | Ограниченная доступность продовольственных товаров и коммунальных услуг в результате роста цен | |
| | Ограниченная доступность зеленых рабочих мест | |
| | Нехватка водных ресурсов | |
| | Экономический и человеческий ущерб от природных катаклизмов | |

Источник: разработано авторами.

Проводимые реформы всегда требуют сильной социальной защиты малоимущих и уязвимых слоев населения. Если меры государства будут не эффективными, то возможно проявление социальной бедности (таблица 3).

Таблица 3.
Факторы и возможные риски социальной бедности

| Факторы | Потенциальные риски | Тип бедности |
|---|--|---------------------|
| Низкая эффективность социальных программ. | Низкий учет нуждающихся в государственной помощи | Социальная бедность |
| | Низкий охват уязвимого населения (инвалиды, дети-сироты, одинокие престарелые, матери-одиночки и т.д.) социальными программами | |
| | Низкие размеры социальных пособий и пенсий | |

Источник: разработано авторами.

Все проводимые реформы в Узбекистане должны изначально учитывать специфику страны, выраженной в относительно высокой рождаемости и доли детей в общей численности населения, ежегодном приросте молодых семей, росте числа обучающихся в образовательных учреждениях и необходимости их трудоустройства. Недочет этих факторов могут повлечь за собой рост демографической бедности (таблица 4).

Таблица 4.
Факторы и возможные риски демографической бедности

| Факторы | Потенциальные риски | Тип бедности |
|--|---|--------------------------|
| Быстрый рост рождаемости и численности населения | Рост многодетных семей, нуждающихся в государственной помощи | Демографическая бедность |
| | Рост числа молодых семей с безработными членами | |
| | Рост молодежной безработицы из числа выпускников образовательных учреждений | |
| | Увеличение числа матерей-одиночек | |

Источник: разработано авторами.

Изучен мировой опыт использования подходов к оценке рисков бедности. Например, в США Институт исследований политики в отношении женщин на основе ежегодных опросов социально-экономического положения населения США ведет оценку и мониторинг выхода из бедности женщин, их семей и детей. В одном из своих исследований, используя данные за 2014-2016 годы, рассмотрены пять различных типов семей в зависимости от статуса главы семьи: 1) не работающие

одинокие женщины в возрасте 18 лет и старше, 2) работающие матери-одиночки в возрасте 18 лет и старше, 3) работающие замужние женщины в возрасте 18 лет и старше, 4) работающие замужние женщины без детей в возрасте 18 лет и старше и 5) замужние работающие матери в возрасте 18 лет и старше с детьми. По показателям заработной платы, отработанного времени женщин, годового дохода семей, уровня бедности среди женщин в возрасте 18 лет и старше выявлены гендерные аспекты неравенства в оплате труда. Именно неравенство в оплате труда женщин выявлено в качестве одного из ключевых рисков бедности в США.

Другим примером является опыт Турции. Турецкий статистический институт при поддержке Международной организации труда (МОТ) используют несколько подходов для выявления гендерных аспектов рисков бедности. Первый подход основан на данных обследований структуры доходов домохозяйств. Второй подход – на данных обследования доходов и условий жизни, который имеет более широкий секторальный охват и включает данные о неформальном секторе. Гендерный разрыв в оплате труда дезагрегирован для различных подгрупп (по уровню образования, возрастной группе, экономической деятельности, профессиональной группе и т.д.). По результатам обследований рассчитываются взвешенные по факторам данные о гендерном разрыве в оплате труда, в том числе в оплате труда матерей с детьми.

Риски бедности оцениваются также среди работающего населения. Работающие бедные – это работающие люди, которые живут в домохозяйствах, находящихся ниже принятой в стране черты бедности. То есть доходов от занятости недостаточно, чтобы вывести семью из бедности и обеспечить достойные условия жизни. МОТ разработал показатель уровня работающей бедности, которая показывает долю занятого населения, живущего в бедности. В мире этот показатель составляет до 10% и оценивается по нескольким критериям. По оценкам МОТ за 2022 год, по критерию 1,9 долл. в день на 1 человека показатель бедности среди работающего населения в Узбекистане составляет 7%. Умеренная бедность измеряется по критерию от 1,9 до 3,2 долл. По данному критерию 22% работающего населения считаются умеренно бедным и 38% – находятся в зоне риска бедности по критерию 3,2-5,5 долл. в день [2].

В мировой практике в качестве риска бедности рассматриваются также экономические аспекты бедности – например, безработица. Институтом исследований в области занятости (Institute for Employment Research) Германии регулярно проводятся опросы по телефону (CAPI) и онлайн личные интервью (CAPI). Опросы проводятся на базе вопросника для главы домохозяйства и индивидуального вопросника для каждого члена домохозяйства, начиная с 15-летнего возраста. Глава домохозяйства отвечает на вопросы о составе домохозяйства, доходах, расходах, пособии по безработице. Индивидуальный вопросник включает социально-демографические характеристики, вопросы об образовании, занятости, участии в программах рынка труда, а также об отношении к жизни. Вопросник также включает модуль о поведении при поиске работы – стратегия поиска работы, предпочтения в отношении заработной платы и видов работы (например, длительность рабочего времени), соответствие специализации и квалификации, готовность идти на уступки в отношении заработной платы, расстояние до работы, доступность общественного транспорта и т.д. Изучение влияния безработицы на уровень бедности проводится с использованием метода PASS – это лонгитюдное обследование домохозяйств, которое позволяет определять риски бедности от безработицы в Германии.

В России представлены некоторые результаты исследования проблемы бедности работающего населения с позиции депривационного подхода с возможностями оценить недостатки в удовлетворении потребностей домохозяйства и индивида. По результатам социологического опроса, проведенного Институтом социально-экономических исследований УФИЦ РАН выявлен список лишений «работающих бедных»:

- отсутствие положительных изменений материального положения домохозяйства за последний год;
- нехватка денег на покупку еды, одежды, оплату жилищно-коммунальных услуг;
- наличие кредитов и задолженностей;
- отсутствие жилья в собственности или обеспеченность жильем, кв.м. на членов домохозяйства не соответствующая принятым нормативам;
- наличие жилищно-бытовых проблем, с которыми сталкивается домохозяйство;
- отсутствие автотранспортных средств в собственности у членов домохозяйства;

- отсутствие у домохозяйства предметов длительного пользования ниже среднего значения по стране;
- отсутствие общепринятых платных форм досуга вне дома (посещение кинотеатров, театров, музеев, концертов, кафе-баров, ресторанов);
- отсутствие отдыха в пределах региона проживания, в санаториях, курортах, за границей.

Также в депривационный перечень вошли лишения, связанные с профессионально-трудовой деятельностью:

- неоплачиваемая сверхурочная работа по инициативе работодателя;
- высокая интенсивность труда (работник сильно устает на работе);
- неприязнь к выбранной профессии (виду деятельности) или организации, в которой работник работает.

Респонденты, испытывающие 5 или более лишений, были отнесены в категорию бедных.

Практика использования различных методов к оценке рисков бедности отражена в таблице 5.

Таблица 5.

Мировая практика использования подходов к оценке рисков от бедности

| Страна и организация | Метод оценки | Выявленные риски бедности |
|---|---|---|
| Германия. Институт исследований в области занятости (Institute for Employment Research) [3] | Опросы по телефону (CATI) и онлайн личные интервью (CAPI) населения 15+ в части социально-демографических характеристик, занятости, соответствие работы специализации/ квалификации, поведения при поиске работы, предпочтений в отношении заработной платы и видов работы. Изучение влияния безработицы на уровень бедности с использованием метода PASS — это лонгитюдное обследование домохозяйств (повторные наблюдения за одними и теми же группами людей). | Безработица |
| Пакистан. Федеральное бюро статистики [4] | Модель логистической регрессии на основе данных интегрированного экономического обследования домохозяйств (HIES). Использованы коэффициенты нечетности в логистической регрессии, чтобы оценить вероятность бедности от возникновения любого события, сравнивая с эталонной категорией. | Безработица в зависимости от пола, уровня образования, опыта работы в различных условиях. |
| США. Бюро переписи населения и Служба экономических исследований (ERS) Министерства сельского хозяйства (USDA) [5] | Оценка по шкале продовольственной безопасности США (FSS), состоящей из 18 вопросов. | Доступность продуктов питания |
| Россия. Институт социально-экономических исследований УФИЦ РАН [6] | Деривационный подход с оценкой лишений «работающих бедных» на базе опросов домохозяйств и индивидов. | Риски бедности работающего населения. |
| США. Институт исследований политики в отношении женщин [7] | Ежегодные опросы социально-экономического положения населения США | Неравенство в оплате труда женщин и мужчин |
| Турция. Турецкий статистический институт при поддержке Международной организации труда (МОТ) [8] | Обследование доходов и условий жизни населения. | Гендерный разрыв в оплате труда, дезагрегированный по уровню образования, возрастной группе, экономической деятельности и т. д.). |
| Индонезия. Институт Азиатского банка развития [9] | Линейная регрессия с переменной логарифмического потребления бедных домохозяйств и ее ковариатами (независимые переменные). | Изменение климата и стихийные бедствия - засуха и наводнение |
| Африка. Институт развития исследований (Institute of Development Studies) [10] | Использование результатов исследований на базе обследований благополучия населения в странах Африки к югу от Сахары. Дезагрегированный анализ экономических и социальных последствий войн. | Войны и конфликты. |

Источник: разработано авторами.

Выводы и рекомендации. Основными методами оценки рисков бедности в мировой практике определены анализ динамики и состояния основных социально-экономических и демографических

характеристик бедного населения на основе переписи населения и социологических опросов.

Надо отметить, что в Узбекистане растет статистический потенциал страны, что позволяет комплекс-

но оценивать все риски бедности и отслеживать прогресс. В 2016 году Узбекистан занимал 133-ое место в Индексе статистического потенциала Всемирного банка, поднявшись до 67 места в 2020 году среди 154 стран [11]. Страна предпринимает шаги по запуску многих широкомасштабных мероприятий по сбору данных, наиболее значительным из которых является проведение переписи населения в 2024 году, что будет первой переписью в стране с 1989 года.

Агентством статистики совместно с Программой Развития ООН запущен веб-сайт по мониторингу достижения 16 национальных Целей Устойчивого Развития. Первая и сквозная цель – повсеместное сокращение малообеспеченности, систематический мониторинг которой ведется на узбекском, русском и английском языках. Особого внимания заслуживает вовлечение в реализацию

ЦУР молодёжи, женщин, органов самоуправления граждан (махалля), т.е. непосредственное общение с народом.

Сокращение бедности в стране требует реализации дополнительных мер и механизмов оценки и мониторинга рисков. Исходя из мировой практики, для оценки рисков бедности в Узбекистане целесообразно проведение регулярных обследований благополучия населения и бедности, а также дезагрегированного по регионам анализа экономических и социальных последствий социально-экономических реформ. При этом для определения реальных и потенциальных рисков бедности целесообразно по каждому риску разработать индикаторы и их пороговые значения для Узбекистана и ее регионов. Это позволит правильно и вовремя оценить существующие риски и повысить эффективность политики государства по сокращению бедности.

Источники литературы

1. Проскурьякова, Т. и Сэитз, У. (2023). Оплата женского труда в Центральной Азии: Долой дискриминационные стереотипы. Блоги Всемирного Банка. Доступно по <https://blogs.worldbank.org/ru/europeandcentralasia/faster-growth-central-asia-must-confront-biased-perceptions-about-value-womens>
2. ILO. Statistics on working poverty. ILOSTAT. Available at <https://ilostat.ilo.org/topics/working-poverty>
3. Trappmann, M. et al. (2010). PASS – A Household Panel Survey for Research on Unemployment and Poverty. *Journal of Contextual Economics*. Available at <https://elibrary.duncker-humboldt.com/article/7783/pass-a-household-panel-survey-for-research-on-unemployment-and-poverty>
4. Awan, M. S. et al. (2011). Impact of education on poverty reduction. MPRA. Available at https://mpra.ub.uni-muenchen.de/31826/1/MPRA_paper_31826.pdf
5. Cook, J. T. and Deborah, A. F. (2008). Food Security, Poverty, and Human Development in the United States. *Annals of the New York academy of sciences*. Available at <https://nyaspubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1196/annals.1425.001>
6. Аслаева С.Ш. Эконометрический анализ факторов бедности работающего населения. *Ж.: Азимут научных исследований: экономика и управление*. 2021. – Т. 10. № 2(35).
7. Jessica Milli, Yixuan Huang, Heidi Hartmann and Jeff Hayes. *The Impact of Equal Pay on Poverty and the Economy*. Institute for Women's Policy Research (2017). Available at <https://www.jstor.org/stable/pdf/resrep34483.pdf>
8. ILO (no date). Measuring the gender wage gap: Turkey case. International Labour Organization. Available at https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---ilo-ankara/documents/publication/wcms_756660.pdf
9. Tomoki, F. (2016). *Climate Change and Vulnerability to Poverty: An Empirical Investigation in Rural Indonesia*. ADBI working papers. Available at <https://www.adb.org/publications/climate-change-vulnerability-poverty-indonesia>
10. Luckham, R., Ahmed, I., Muggah, R. and White, S. 2001, 'Conflict and Poverty in Sub-Saharan Africa: An Assessment of the Issues and Evidence.' IDS Working Paper 128, Institute of Development Studies, Brighton. Available at <https://gsdrc.org/document-library/conflict-and-poverty-in-sub-saharan-africa-an-assessment-of-the-issues-and-evidence>
11. Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан. Узбекистан поднялся на 67 место в «Индексе статистического потенциала» Всемирного банка. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata>.

УЎК: 369.31.330.59.(575.1)

Нурбек ЮЛДАШЕВ,
PhD (география фанлари бўйича),
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини бош илмий ходими,
E-mail: yuldashev-nurbek@list.ru

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининг камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлашдаги роли

Аннотация: ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланганлик ҳолати ва ислохотлари аҳоли турмуши даражасини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий ҳимоя сиёсати билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. Бундан ташқари, аҳолини камбағалликдан чиқариш механизмлари билан тўлиқ қамраб олиш, ушбу кўрсаткични қисқартириш ҳамда эҳтиёжманд қатламни ижтимоий ҳимоя қилиш устувор масалалар бўлиб қолмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимида ахборот-коммуникацияларидан фойдаланиш, ушбу йўналишда хорижий мамлакатлар тажрибалари ва уларнинг ютуқларини жорий этиш, тизимда учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, “ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, камбағаллик, камбағаллик чегараси, “темир дафтар”, кам таъминланган аҳоли, “eKasih”.

Роль информационной системы “единый реестр социальной защиты” в сокращении бедности и поддержке малообеспеченных слоев населения

Нурбек Юлдашев,
PhD, (по географическим наукам)
главный научный сотрудник Института
макроэкономических и региональных исследований

Аннотация: состояние и реформы социально-экономического развития каждой страны описываются в связи с политикой социальной защиты, которая служит повышению уровня жизни населения. Кроме того, приоритетными вопросами остаются полный охват населения механизмами выхода из бедности, социальная защита малообеспеченного слоя, а также, снижение этого показателя. В данной статье приводятся предложения и рекомендации по использованию информационно-коммуникационных систем социальной защиты населения Узбекистана, внедрению опыта и достижений зарубежных стран в этом направлении, проблемам и недостаткам, встречающимся в системе и их решению.

Ключевые слова: социальная защита, “единый реестр социальной защиты”, бедность, черта бедности, “железная тетрадь”, малообеспеченное население, “eKasih”.

Reducing poverty and supporting vulnerable populations: the role of the “single registry of social protection” information system

Nurbek Yuldashev,
PhD (in Geography),
Chief Research Associate at the Institute for
Macroeconomic and Regional
studies

Abstract: *the situation and reforms of the socio-economic development of each country are described in connection with the policy of social protection, which serves to improve the standard of living of the population. In addition, the priority issues remain the full coverage of the population with mechanisms to get out of poverty, social protection of the poor, as well as the reduction of this indicator. This article provides suggestions and recommendations on the use of information and communication systems of social protection of the population of Uzbekistan, the introduction of experience and achievements of foreign countries in this direction, problems and shortcomings encountered in the system and their solution.*

Keywords: *social protection, "unified register of social protection", poverty, poverty line, "iron notebook", low-income population, "eKasih".*

Кириш. Ҳар қандай жамиятда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва синфларга ажратилиши, яъни ижтимоий жиҳатдан табақаланиши ўша жамият ёки мамлакат ижтимоий ҳимоя соҳасининг шаклланишига ҳамда ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб ушбу йўналишда ислохотлар олиб боришига сабаб бўлади. Зеро, аҳолининг ижтимоий таркибидаги тенглик мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тизими ўртасидаги мувозанатдан келиб чиққан ҳолда, шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш, аҳолининг барча ижтимоий гуруҳларида тенгсизликни камайтириш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаш йўналишларида ислохотларни амалга ошириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бу борада замонавий тизимлардан фойдаланиш, ижтимоий ёрдам ва хизматларни кўрсатишда инсон омилини камайтириш, шаффофлик ва манзиллиликни ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш давр талаби эканлиги маълум.

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида ҳужжати билан (2019 йил 13 апрелдаги 308-сон қарори) ЮНИСЕФнинг техник кўмагида Сирдарё вилоятида

синов тарзида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ишга туширилди [3]. Кейинчалик, 2020 йилдан бошлаб ушбу тизим бутун республикани қамраб олди. Тизим идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда аҳолига давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш ҳамда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни олиш учун мурожаат қилувчилар ва олувчилар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида ташкил этилган эди. Бироқ жорий йилнинг 1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [4] эълон қилинди. Ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда бўлимлари ташкил этилди. Ушбу мақолада Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимида ахборот-коммуникацияларидан фойдаланиш, ушбу йўналишда хорижий мамлакатлар тажрибалари ва уларнинг ютуқларини Ўзбекистонда жорий этиш, тизимда учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Адабиётлар шарҳи. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд қатламларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бироқ кам таъминланган аҳоли қатламларининг барчаси тўлиқ ижтимоий ёрдамлар билан қамраб олинмаган, соҳада замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда қамров даражаси суст, инсон омилининг таъсири юқори ҳамда шаффофлик нисбатан таъминланмаган соҳа сифатида гавдаланган.

Бироқ кейинчалик ушбу муаммоларга босқичма-босқич барҳам бериш, ижтимоий ҳимоя соҳасини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширила бошланди. Бу борада айниқса, 2022 йилда қабул қилинган “2022–2026 йилларга мўлжалланган

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича қатор амалий чора-тадбирлар белгилаб олиниб, ижрога қаратилди. Бундан ташқари, жорий йилда умумхалқ референдуми орқали янгиланган Конституцияда [1] Ўзбекистон ижтимоий мамлакат эканлиги белгиланиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган алоҳида моддалар акс этган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдам ва хизматлар манзиллигини таъминлаш, қамров даражасини янада ошириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жалб этиш ҳамда инсон омилини қисқартириш мақсадида сўнгги йилларда қатор янги механизмлар жорий этилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [2], [5]. Улардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308-сон қарори бўлиб, унга мувофиқ мамлакатимизда илк бор “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” Ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам беришни кўриб чиқиш ва тайинлаш тартиб-таомиллари Сирдарё вилоятида синов тарзида ишга туширилди.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ – бошланғич босқичда ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун инсон омилисиз оила (фуқаро)нинг муҳтожлигини аниқлаш ва нафақаларни тайинлаш, тўловларни амалга ошириш ва назорат қилиш, харажатлар ҳисобини юритишга мўлжалланган автоматлашган ахборот тизими бўлиб, кейинги босқичларда бу тизим ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро ва оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган пул ёки маҳсулот кўринишидаги барча ёрдам ва имтиёз турларини қамраб олади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон қарори билан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби аниқ белгиланди.

Асосий қисм. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини электрон ахборот тизимлари орқали қўллаб-қувватлаш, ягона базада қамраб олиш тадбирлари дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари, жумладан Аргентина, Бразилия, Россия, Арманистон, Озарбайжон,

Туркия, Малайзия, Индонезия, Покистон каби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда турли хил кўриниш ва механизмлар орқали амалга оширилмоқда. Уларнинг аксар дастурларида биринчи навбатда эҳтиёжманд аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш, ягона базани шакллантириш ҳамда ёрдам ва хизматлар тезкорлигини оширишга эътибор қаратилган. Аксар мамлакатларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини тўлиқ қамраб олиш, ижтимоий хизматларни манзилли кўрсатиш мақсадида ягона ахборот тизимлари ташкил этилган. Дастурлар асосан ривожланаётган ҳамда эҳтиёжманд аҳоли сони ва улуши сезиларли бўлган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ҳукуматлар деярли бир хил йўналишда, аммо ҳар хил шакллар орқали ижтимоий сиёсат олиб боришади. Шу ўринда баъзи мамлакатларда ижтимоий ҳимоя ягона тизимларини батафсил кўриб чиқсак. Мисол учун, Туркияда ижтимоий ёрдам соҳасида интеграциялашган ахборот тизими (ISAS) мавжуд бўлиб, ушбу электрон ахборот тизими мамлакатда ижтимоий ёрдам дастурларини электрон тарзда бошқариш, жумладан рўйхатдан ўтиш, мувофиқликни аниқлаш, маблағларни тўлаш, мониторинг ва баҳолаш ҳамда фуқаролар билан мулоқотни оsonлаштиради. Тизим ижтимоий ҳимоя механизмларидан фойдаланувчилар интеграциялашган реестри функциясини ҳам бажаради. Электрон тизим Туркия оила ва ижтимоий сиёсат вазирлиги томонидан бошқарилади. У 2011 йилда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ягона мувофиқлаштирувчи механизм сифатида ташкил этилган ҳамда 1000 та маҳаллий ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари орқали ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Эҳтиёжмандлар аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, нафақалар тўлаш ҳамда мониторинг юритиш бевосита ISAS тизимида шакллантирилган. Ташкил этилганидан бери ISAS тизими Туркияда ижтимоий ҳимоя сиёсатида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Чунки унда барча ижтимоий ёрдам дастурлари қамраб олинган бўлиб, тизимга ўртача кунлик мурожаатлари сони 10 000 тани ташкил қилади. Айниқса, бир неча йиллар аввал Сурия ва Ироқда рўй берган сиёсий инқирозлар пайтида ISAS орқали сиёсий қочоқлар учун инсоният тарихидаги энг йирик инсонпарварлик ёрдамлари етказиб берилди.

Бундан ташқари тизимнинг ташкил этилиши ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш тезлиги ҳамда сарф-харажатлар миқдорини кескин қисқар-

тирди. Ўз вақтида ижтимоий ёрдам учун ариза топширишдан то уни тўлаб беришгача бўлган давр ўртача 1,5 йил бўлган бўлса, ҳозирда бу муддат 1 ойгача бўлган вақтни ташкил этмоқда. Тизим орқали бир ойда 2-3 млн ҳужжатлар текшириб чиқилмоқда. Қўшимча равишда мамлакатда уй хўжаликлари ва уларнинг ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиши нисбатан шаффоф, тезкор ҳамда тартибга солинган ҳолда бошқарилмоқда. Колумбияда уй хўжаликлари ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (индекси)ни белгилаш ягона тизими қабул қилинган бўлиб, ушбу тизим орқали ҳукумат муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатади ҳамда тенгсизликни камайтиришга қаратилган ислохотларни амалга оширади. Ушбу тизим SISBEN деб номланади ва у мамлакатда ижтимоий ҳимоя дастурларидан фойдаланувчи ҳақиқий эҳтиёжмандларни аниқлаш имконини беради. 1990 йиллардан ҳукумат соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига мавжуд талаблардан келиб чиқиб субсидиялар ажратишни бошлади ва шундан сўнг бевосита ижтимоий ёрдам олувчилар тоифаларини ажратиш ҳамда уларнинг ягона базасини шакллантириш зарурияти пайдо бўлди. Шу мақсадда 1995 йилда **SISBEN** дастури ишга туширилди ҳамда тизимда Колумбиянинг 1101 муниципалитети ва туманлари аҳолисига оид маълумотлар қамраб олинди. 2014 йилда SISBEN маълумотлар базасида аҳолининг 70 фоизи, яъни 34 миллиондан ортиқ фуқаролар маълумотлари жамланди. Арманистонда ҳукумат қарорига кўра, сўнгги йилларда мунтазам ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиб келган уй хўжаликларининг кам таъминланганлик даражасини баҳолашга хизмат қиладиган балл тизими ("**PAROS**") мавжуд бўлиб, ўзига хос ижтимоий механизмга айланган. Тизим Арманистоннинг барча аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар базаси бўлиб, унда эҳтиёжманд аҳоли ва уй хўжаликларининг кам таъминланганлик даражаси билан бирга ижтимоий ёрдам талаб қилган оилалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот дастуридир. У мавжуд ижтимоий ҳимоя тизимини бошқариш, мониторинг қилиш, шунингдек, балл тизимидан фойдаланган ҳолда уй хўжаликларининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражасини баҳолаш методологиясига асосланган ҳолда фаолият олиб боради.

Малайзияда ҳукуматнинг камбағалликни қисқартириш дастурларини режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш ҳамда уларнинг самарадорли-

гини оширишга ёрдам беришга қаратилган "**eKasih**" маълумотлар базаси ишлаб чиқилган. Ушбу тизим 2007 йил октябрда Бош вазир ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи бўлим томонидан синов тарзида ишга туширилган бўлиб, 2008 йил июль ойида бутун мамлакат бўйлаб фойдаланила бошланди.

Мамлакатда камбағаллик даражаси ҳамда "**eKasih**" [6] тизими орқали ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш мезони сифатида аҳоли жон бошига ва умумий уй-жой даромадлари ҳисобга олинади. Мисол учун, тизим ташкил этилган 2007 йилда камбағаллик чегараси (poverty line) бир киши учун бир ойда шаҳар ҳудудларида 1 500 ринггит (тахминан 353 АҚШ доллари), қишлоқларда эса 1 000 ринггит (235\$) ни ташкил этган. Бу миқдордан паст даромад олувчилар рўйхатдан ўтиши тавсия этилган.

Бундан ташқари, уй хўжаликлари даражасида камбағаллик даражаси ҳисобланадиган миқдор ҳам мавжуд бўлиб, бир ойга 2 300 ринггит (541\$) дан кам даромадга эга уй хўжаликлари ҳам тизимда рўйхатдан ўтади. Кейинчалик бу миқдор инфляция ва бошқа омиллар сабаб оширилган. "**eKasih**" нафақат оила бошлиқлари, балки уй хўжаликларининг ҳар бир аъзосининг индивидуал тарзда ижтимоий ёрдам учун мурожаат қилиш имкониятини яратган. Натижада оила бошлиғи бўлмаган ёки тизимга мурожаат қилишни хоҳламаган тақдирда қолган оила аъзолари ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Бундан кўзланган мақсад, уй хўжаликлари ва оилаларда рўй бериши мумкин бўлган гендер тенгсизлиги, оиладаги вазифаларнинг адолатли тақсимланмаганлиги ва бошқа салбий ҳолатларда ижтимоий ёрдам ва хизматларга эҳтиёжи бор оила аъзолари тўғридан-тўғри тизимга мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Шу ўринда, маълум сабабларга кўра, 2012 йилда тизим фаолияти тўхтатилган ҳамда кейинчалик яна давом эттирилган. Ўша пайтда тизимда 350 мингдан ортиқ оила бошлиғи ва 1,2 млн нафар аҳоли қамраб олинган. Маълумки, амалдаги тартиб бўйича Ўзбекистонда аҳолига ижтимоий ёрдамнинг асосан икки молиявий тури – болалар нафақаси ҳамда моддий ёрдам тайинланади. Узок вақт давомида ушбу нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш тизими расмиятчилик, сансалорлик ва бюрократик тўсиқлар асосида амалга оширилиб келинган. Натижада аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қамраб олиш даражаси паст бўлган. Чунки ёрдамга

мухтож бўлган оилаларни турли хил маълумотнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиш ҳамда мурожат қилишда маълум тўсиқлар, маҳаллий даражада мутасаддиларнинг нотўғри хатти-ҳаракати аҳолига турли қийинчиликларни келтириб чиқарган. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ ишга туширилганидан сўнг аҳолига ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаб бериш қамрови ва тезкорлиги кескин ошганини кузатиш мумкин. Чунки, тизим 17 та вазирлик ва идораларнинг

маълумотлар базалари билан электрон интеграциялашув орқали 70 дан ортиқ турдаги маълумотларни тўплаш, текшириш ҳамда таҳлил қилишни таъминлашга шароит яратади. Натижада 2016 йилда мамлакатда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 460,0 мингдан ортиқни, нафақаларга ажратилган маблағлар 1,1 трлн сўмни ташкил этган бўлса (1-жадвал), 2022 йил якунига келиб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2,1 млн оила ва 11,4 трлн.сўмни ташкил этди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тайинланиши бўйича маълумотлар

| № | Худудлар | 2016 йил | | 2022 йил | | 2022 йилда 2016 йилга нисбатан, баравар | |
|----|------------------------------|---------------------------|-------------------------------|---------------------------|-------------------------------|--|--------|
| | | Оилалар сони, бирликда | Сарфланган маблағ, млн.сўм | Оилалар сони, бирликда | Сарфланган маблағ, млн.сўм | Оилалар сони | Маблағ |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 40 265 | 85 925,8 | 151 760 | 784 602,2 | 3,8 | 9,1 |
| 2 | Андижон вилояти | 50 132 | 105 623,1 | 213 719 | 1 165 288,3 | 4,3 | 11,0 |
| 3 | Бухоро вилояти | 19 365 | 56 515,2 | 91 338 | 477 680,3 | 4,7 | 8,5 |
| 4 | Жиззах вилояти | 25 632 | 59 410,9 | 106 973 | 593 402,6 | 4,2 | 10,0 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 69 544 | 150 837,8 | 270 746 | 1 449 454,2 | 3,9 | 9,6 |
| 6 | Навоий вилояти | 12 268 | 30 630,9 | 47 988 | 246 403,2 | 3,9 | 8,0 |
| 7 | Наманган вилояти | 51 440 | 109 301,3 | 242 797 | 1 267 316,3 | 4,7 | 11,6 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 64 323 | 153 316,7 | 248 359 | 1 388 657,3 | 3,9 | 9,1 |
| 9 | Сирдарё вилояти | 12 121 | 33 459,3 | 56 867 | 305 851,1 | 4,7 | 9,1 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 36 374 | 110 845,8 | 220 900 | 1 236 690,5 | 6,1 | 11,2 |
| 11 | Тошкент вилояти | 12 133 | 45 849,2 | 95 677 | 531 373,0 | 7,9 | 11,6 |
| 12 | Фарғона вилояти | 36 518 | 99 846,0 | 218 015 | 1 191 694,0 | 6,0 | 11,9 |
| 13 | Хоразм вилояти | 25 804 | 70 021,7 | 115 357 | 621 520,6 | 4,5 | 8,9 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 1 096 | 2 566,4 | 33 093 | 181 840,3 | 30,2 | 70,9 |
| 15 | Республика бўйича | 466 515 | 1 112 050,1 | 2 118 089 | 11 442 373,9 | 4,5 | 10,3 |

Манба: *Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.*

Ўрганилаётган даврда нафақа тайинланган оилалар сони 4,5 мартага ошган, ажратилган жами нафақалар миқдори эса 10 мартадан ортиқни ташкил этган [7] [8].

Таққосланаётган даврда энг юкори ўсиш Тошкент шаҳрида қайд этилган бўлиб (оилалар сони 30 баробарга, ажратилган маблағлар 70 баробарга кўп), бунинг асосий сабаби сифатида аҳолининг ўтган даврда нисбатан камбағаллашуви ҳисобланмайди, аксинча ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиниш 2016 йилларда нисбатан паст бўлганлиги билан изоҳланади. Таққослаш учун, 2016 йил давомида пойтахтдаги салкам 1 100 оилага ижтимоий нафақа тайинланган бўлса, Тошкент вилоятида 12 мингдан ортиқ, Сурхондарё вилоятида 36 мингдан

ошиқ оилалар нафақа олишган. Ваҳоланки, ушбу учта ҳудуд жами аҳолиси сони деярли тенг бўлган [8]. Бундай ҳолат бўлишининг яна бир жиҳати аҳоли даромадлари ва ҳисобланган ўртacha иш ҳақи миқдорларининг турлича эканлиги ҳамда уларнинг ривожланганлик даражасидир.

Шу ўринда, ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кўрсатувчи 4 та индикатор таҳлил қилинганда қатор парадокс ҳолатлар кўзга ташланади. Ушбу индикаторлар сифатида ҳудудларда аҳоли жон бошига умумий даромадлар, ҳисобланган ўртacha ойлик иш ҳақи, камбағаллик даражаси ҳамда жами оилалар таркибида ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар улуши ажратиб олинди.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ўртача ойлик иш ҳақи, ўртача даромадлар миқдори нисбатан юқори бўлган ҳудудлар, жумладан Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятларида жами аҳоли таркибида кам таъминланган оилалар улуши паст, аксинча ҳолатларда эса юқори бўлмоқда. Умуман олганда, жорий йил бошида Ўзбекистонда аҳоли-

нинг салкам 24 фоизи “ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да рўйхатга олинган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси (34,2%), Сурхондарё вилояти (34,5%), Жиззах вилояти (33,5%), Қашқадарё вилояти (32,9%), Наманган вилояти (32,1%)да аҳолининг сезиларли қисми кам таъминланган оилаларда истиқомат қилиши аниқланган.

2-жадвал

2022 йилда ҳудудларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича таққослама маълумотлар (йил якуни бўйича)

| № | Ҳудудлар | Жами оилалар сонига нисбатан нафақа олувчи оилалар улуши (фоиз) | Жон бошига ўртача даромадлар (минг сўм) | Ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўм) | Камбағаллик даражаси (фоиз) |
|-----|------------------------------|---|---|---|-----------------------------|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 34,2 | 13 253,4 | 3 246,2 | 19,7 |
| 2. | Андижон вилояти | 25,8 | 15 727,3 | 3 381,8 | 17,4 |
| 3. | Бухоро вилояти | 17,5 | 21 382,0 | 3 310,0 | 11,9 |
| 4. | Жиззах вилояти | 33,5 | 15 221,2 | 2 946,4 | 16,1 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 32,9 | 14 678,9 | 2 952,6 | 12,7 |
| 6. | Навоий вилояти | 18,3 | 27 420,4 | 5 125,3 | 9,2 |
| 7. | Наманган вилояти | 32,1 | 13 880,7 | 2 924,3 | 12,8 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 26,0 | 15 534,2 | 2 944,2 | 14,0 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 34,5 | 14 597,2 | 2 946,1 | 13,7 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 25,9 | 15 124,1 | 3 221,6 | 19,5 |
| 11. | Тошкент вилояти | 11,9 | 18 129,4 | 3 946,9 | 14,4 |
| 12. | Фарғона вилояти | 21,3 | 13 607,9 | 2 900,5 | 11,6 |
| 13. | Хоразм вилояти | 22,3 | 19 643,5 | 3 182,4 | 19,1 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 3,9 | 37 518,0 | 6 314,4 | 8,5 |
| 15. | Республика бўйича жами | 23,6 | 17 807,3 | 3 892,4 | 14,1 |

***Изоҳ:** сариқ рангдаги кўрсаткичлар ўртача республика даражасига нисбатан салбий, яшил рангдаги каттаклар эса ижобий кўрсаткичлардир.

Манба: Иқтисодийёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Ушбу кўрсаткич одатда қишлоқ жойларда юқори, шаҳарларда анча паст бўлиши табиий ҳол. Аммо Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи оилаларнинг 51 %и кам таъминланган эканлиги юқоридаги таъкидланган парадокс ҳолатларга мисол бўла олади. Таққослаш учун, ўтган йил якунида Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчиларнинг “атиғи” 9,1 фоизи кам таъминланган сифатида нафақалар олган бўлса, ушбу кўрсаткич Андижон шаҳрида 16,4%, Самарқанд шаҳрида 11,3%, Навоий шаҳрида 5,2%ни ташкил этган.

Шу ўринда, кам таъминланган оилаларга бир ойда ажратиладиган нафақаларнинг ўртача қиймати таҳлил қилинганида, 2022 йил якунида 2020 йилга нисбатан таққослаганда умумий миқдорларда ҳам, АҚШ долларига ўйирганда ҳам сезиларли ўсиш бўл-

ганини қайд этиш лозим. Яъни, 2020 йилда республика бўйича кам таъминланган бир нафар оила бир ойда салкам 365,0 минг сўм (35,0 АҚШ доллари) миқдорида ижтимоий нафақа олган бўлса, 2022 йил якунига келиб ушбу рақамлар мос равишда 451,1 минг сўм (40,2 АҚШ доллари)ни ташкил этган.

Таққосланаётган даврда ҳудудларда бундан ҳам кескин ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин. Мисол учун, 2020 йил якунида Қашқадарё вилоятида бир ойда бир оилага 545,5 минг сўм (52,3\$) ижтимоий нафақа тўлаб берилган бўлса, 2022 йил якунида бу рақам 446,1 минг сўмгача (ёки 39,7\$) пасайганини кўриш мумкин. Ваҳоланки ушбу даврда Тошкент шаҳрида ижтимоий нафақанинг 77,5 минг сўмдан салкам 458 минг сўмгача (7,4 дан 40,8 долларгача) ошганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Хулоса ва таклифлар. 1. Ўзбекистонда “ижтимоий химоя ягона реестри” орқали ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамни тайинлашда баъзи камчиликлар учраб турибди. Мамлакатнинг барча ҳудудларида аҳолининг тизимга тўғридан-тўғри, онлайн тарзда, осонлик билан ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг имконияти мавжуд эмас. Айниқса, чекка ва қишлоқ ҳудудларида эҳтиёжманд ва камбағал инсонларнинг тизимга кириш, ариза юборишида муаммолар мавжуд. Бунга ҳақиқий эҳтиёжманд аҳолининг онлайн шаклда ариза юбориш имконияти пастлиги, тизимда улар тўғрисида маълумотлар шаклланмаганлиги сабаб бўлади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида ижтимоий ёрдам ва хизматларга мурожаат қилиш тартибини тўлиқ онлайн ва инсон омилисиз амалга ошириш, мамлакатнинг барча фуқаролари учун осон ва тез мурожаат қолдириш, жавоб олиш ҳамда ижтимоий ёрдамдан фойдаланишга ўтилиши лозим. Ҳозирги пайтда mu.gov.uz портали орқали ижтимоий ёрдам сўраб ариза қолдириш имконияти мавжуд, бунинг учун фуқаро тизимда рўйхатдан ўтган ёки махсус электрон рақамли имзога эга бўлиши лозим. Бироқ бундай имконият барча аҳоли қатламида мавжуд эмас. Бунинг учун маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ёки маҳалла оқсоқоли ёрдамида фуқаролар розилиги билан онлайн ариза тўлдириш ва юбориш йўлга қўйилиши лозим.

2. Жойларда ҳоким ёрдамчилари ёки бошқа маҳаллий даражадаги ходимлар, шунингдек баъзи эҳтиёжманд аҳоли қатламидан аҳоли таркибида эҳтиёжманд бўлмаган, ҳақиқатда ўзига тўқ, баъзан юқори даромадли оилалар ҳам ижтимоий ёрдам ва нафақа олаётгани тўғрисида мурожаатлар келиб тушади. Ана шундай оилалар одатда мол-мулкни бошқа инсонлар номига расмийлаштириб, “ижтимоий химоя ягона реестри”да текширилганда мол-мулк ва даромади белгиланган миқдордан паст бўлади, натижада уларга нафақа тайинланаверади.

Амалиётда ҳудудларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва гидрологик техника ҳамда йирик асбоб-ускуналарнинг ҳисоби юритилмаслиги натижасида, улар тегишли бўлган фуқароларнинг даромад ва мулклари ҳисобланганда қўшилмайди. Натижада ушбу техникаларга эга бўлган оиллага ҳам моддий ёрдам ёки нафақа тайинланади. Ваҳоланки, ана шундай техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш орқали олинadиган даромад-

лар миқдори ўртача даражада ҳаёт кечириш учун бемалол етарлидир.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун асос бўладиган даромадлар миқдорини ҳисоблаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозим.

3. Мамлакатда эҳтиёжманд аҳолининг молиявий ва номолиявий ёрдамлардан фойдаланиши натижалари мониторинги ҳамда самарадорлиги кузатиб борилмайди. Бу ҳолат ушбу ёрдамлардан фойдаланган оилаларнинг камбағалликдан чиқишига қай даражада таъсир этмоқда, ёки берилган имтиёз ва преференциялар аҳолининг даромадлари ошишига хизмат қиладими ёки йўқми, ана шу саволларга жавоб топишга тўсиқ бўлмоқда. Аксинча, мониторинг самарали олиб борилмаслиги сабабли, баъзи оилаларнинг, айниқса аъзолари меҳнатга лаёқатли ва ишсиз бўлганларнинг боқимандалик кайфияти ошишига олиб келади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида аҳолининг кам таъминланган қатламига кўрсатилган ижтимоий ёрдам ва нафақалар ҳисобини юритиб бориш тизимини йўлга қўйиш лозим. Яъни ўзига хос “ижтимоий калькулятор” тизими ишлаб чиқилиб, аҳолининг ёрдамлардан фойдаланиш даражаси кузатилиши керак.

Мисол учун, Арманистонда ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиб келган оилаларнинг кам таъминланганлик даражаси баҳоланадиган махсус балл тизими мавжуд. Ушбу тизим орқали йиғилган баллар оиллага кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматлар тури, миқдори ва давомийлигига таъсир этади.

4. Маълумки, Ўзбекистонда пенсияларнинг энг кам миқдори минимал истеъмолад харажатлари қийматидан юқори бўлишига эришилди. Натижада ҳозирги пайтда 950 мингдан ортиқ фуқаролар энг кам миқдорда пенсия олмақда.

Бироқ “ижтимоий химоя ягона реестри” орқали ажратиладиган болали оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам миқдори минимал истеъмолад харажатлари қийматидан пастлигича қолмоқда.

Ҳозирда белгиланган ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги ПФ-6277-сон Фармони билан белгиланган бўлиб, ўтган икки йил давомида улар ўзгаришсиз қолмоқда. Ваҳоланки, минимал истеъмолад харажатлари ўтган даврда 400,0 минг сўмдан 498,0 минг сўмгача оширилди.

Амадаги тартиб бўйича болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

- 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанд учун 325 000 сўм;
- 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанд учун 250 000 сўм;
- иккинчи фарзанд учун қўшимча 150 000 сўм;
- учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанд учун 100 000 сўмдан;
- Кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам миқдори ойига 380 000 сўм.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида болали оилаларга тайинланадиган ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам миқдорини қайта кўриб чиқиш, Янги таҳрирдаги конституциянинг [1] 46-моддасига мувофиқ минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорда ошириш тавсия этилади.

5. Маълумки, 2022 йилдан бошлаб маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўтган давр мобайнида улар томонидан бевосита камбағал аҳоли қатлами билан ишлаш натижалари мониторинг қилинмади.

Бунда ҳар бир ҳоким ёрдамчиси томонидан бевосита ўз маҳалласидаги “ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва турли дафтарларда рўйхатда турган эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, улар билан ишлаш бўйича натижалар тизимли равишда шакллантирилмади ҳамда эълон қилинмади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчисининг камбағалликни қисқартириш борасидаги вазифаларини бажариш даражаси (КРІ)ни бевосита “ижтимоий ҳимоя ягона

реестри”даги оилалардан қанчасига йил давомида ёрдам берилганлиги, натижада қанча оила етарли даромадини шакллантириб реестрдан чиқиб кетганлиги билан ўлчаниши лозим.

6. Маълумки, Буюк Британия, Франция, Скандинавия давлатлари, Австралия, Россия, Қозоғистон ва бошқа қатор мамлакатларда “аҳоли-давлат-жамият-бизнес” ўртасида “ижтимоий шартнома”лар мавжуд.

Аксар мамлакатларда бандлик нуқтаи назаридан аҳоли билан ижтимоий шартнома тузилган. Ўзбекистонда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги 225-сон қарори билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий шартнома орқали имтиёзли ёрдам ва хизматлар кўрсатиш тартиби ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳанузгача томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш, шунингдек, тақдим этилаётган молиявий ва номолиявий имтиёзлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида икки ёки уч томонлама “ижтимоий шартнома” асосида аҳолига ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Бу аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти ортишига, давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам ва хизматлар манзиллилиги пасайишига сабаб бўлади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида эҳтиёжманд фуқаролар билан томонларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган ҳамда ижроси қатъий таъминланадиган, натижалари мониторинг қилиб бориладиган “ижтимоий шартнома” орқали ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш, бунда биринчи навбатда оиласида меҳнатга лаёқатли ишсиз мавжуд бўлган оилаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон қарори.
6. National Poverty Data Bank of Malaysia eKasih. <http://ekasih.icu.gov.my>
7. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг www.imv.uz сайти маълумотлари.
8. Статистика агентлигининг www.stat.uz сайти маълумотлари.

УЎК: 316.338.22.(575.1)
associate Professor of the Samarkand Institute of
Economics and Service

Abstract: this article presents the need for business assessment activities, taking into account key aspects for the local structure. Also, attention is paid to reflecting the clash of interests of participants in the business assessment process.

Keywords: estimated value of business; business valuation methods; key aspects of assessment activities; functional business assessment; subjective assessment of business; objective assessment of business.

Введение. Оценочная деятельность бизнеса (business valuation) понимается, как процесс определения стоимости бизнеса или его активов. Оценка может быть проведена для различных целей, в частности для продажи бизнеса, привлечения инвестиций, определения налогооблагаемой базы, раздела имущества при слиянии или поглощении. Оценка бизнеса в большинстве случаев включает в себя анализ финансовых показателей, рыночной среды, конкурентной ситуации и других факторов. Но вместе с этим, оценка бизнеса считается одним из инструментов мониторинга состояния предпринимательской активности, как для государства, так и для самого предпринимательского субъекта. С обретением независимости Республика Узбекистан свои первые шаги по развитию оценочной деятельности начала 1999 года с принятием закона «Об оценочной деятельности», целью которого является регулирование отношения, связанные с осуществлением оценочной деятельности [1]. Второй этап применения мер по дальнейшему развитию оценочной деятельности связан с принятием постановления Президента Республики Узбекистан от 24.04.2008 г. «О дальнейшем совершенствовании деятельности оценочных организаций и повыше-

нии их ответственности за качество оказываемых услуг» №ПП-843 [2]. Касательно оценочной деятельности в предпринимательской сфере правительство утвердило методику оценки уровня развития предпринимательства в регионах республики, в котором представлены расчеты 21 индикаторов [3]. В связи с этим, была организована автоматизированная информационная онлайн-система для расчета и оценки уровня развития предпринимательства в регионах BUSINESS INDICATOR, где объявляются уровни развития регионов [4]. К сожалению, среди результатов, можно увидеть пассивную активность предпринимательского роста регионов, в связи с чем, перед исследованием встал вопрос определения оптимальных путей внедрения актуальности оценочной деятельности для предпринимательства, руководствуясь с этим можно разработать оптимальную стратегию управления предпринимательской активности, что в свою очередь отразится на региональном уровне.

Литературный обзор. Предпринимательская активность региона отражается показателями активности и динамики предпринимательской деятельности в конкретном регионе или местности. Она включает в себя количество и характер создания новых предприятий, уровень инновационности, уровень занятости в малом и среднем бизнесе, доступ к финансированию, уровень поддержки со стороны государства и другие факторы. Предпринимательская активность региона может оказывать существенное влияние на экономическое развитие и благосостояние данной территории.

В процессе изучения отечественных научных исследований по направлению методов, применяемых в оценочной деятельности бизнеса и предпринимательской активности, были выделены направления, которые непосредственно коснулись оценки предпринимательской среды и оценка внешних факторов, которые влияют на развитие самого бизнеса. В частности, по вопросу развития бизнеса в стране, с использованием статистических расчетов, были рассмотрены в работе М.Х.Саидовой [5], методы оценки поддержки развития семейного бизнеса, были представлены в работе Ш.О.Кувандикова [6]. В работе О.А.Арипова были предложены внедрить индексы, определяющие рентабельность бизнеса, инфляции и рыночной инфраструктуры в целях оценки предпринимательской среды [7]. Гафуров У. обратил внимание на предпринимательскую среду

с учетом индикаторов от Doing Business, в частности предложил использовать такие индикаторы, как поддержка экспортных операций и др. [8]

В контексте темы нашего исследования, было обращено внимание на ориентир, в котором замечена, что «оценочная деятельность бизнеса» относится к методам и инструментам оценки стоимости предприятий и их активов, которые могут быть использованы для поддержки и стимулирования «предпринимательской активности региона». То есть, оценочная деятельность может помочь предпринимателям, инвесторам и региональным органам в принятии решений и создании условий для развития бизнеса и предпринимательства в данном регионе.

Оценка бизнеса в целях поддержки предпринимательской активности остается актуальной и важной для множества аспектов экономики и развития регионов по нескольким причинам:

- в целях привлечения инвестиций. Предпринимателям часто требуется финансирование для расширения бизнеса или запуска новых проектов. Оценка бизнеса позволяет им привлекать инвесторов, банки и других финансовых партнеров, предоставляя точную информацию о стоимости и перспективах бизнеса;

- определение конкурентоспособности. Оценка позволяет предпринимателям и региональным органам понимать, насколько конкурентоспособен бизнес в сравнении с другими игроками на рынке. Это может помочь выявить сильные и слабые стороны и разрабатывать стратегии улучшения;

- оценка рисков. При принятии решений о развитии бизнеса или инвестировании в него важно понимать связанные с этим риски. Оценка бизнеса позволяет идентифицировать потенциальные угрозы и риски, что помогает разработать планы по их управлению;

- поддержка государственной политики. Региональные и национальные правительства могут использовать оценку бизнесов для разработки политики и программ поддержки предпринимательства. Это может включать в себя налоговые льготы, гранты, обучение и другие меры;

- стимулирование инноваций. Оценка бизнеса может помочь выявить новые возможности и области для инноваций. Это способствует развитию новых продуктов и услуг, что, в свою очередь, может усилить предпринимательскую активность;

- создание рабочих мест. Развитие предпринимательства способствует созданию новых рабочих мест, что важно для уровня занятости и социальной стабильности в регионах;

- поддержка устойчивого развития. Оценка бизнесов может помочь регионам принимать решения, способствующие устойчивому развитию, включая экологические аспекты и социальную ответственность предприятий.

Таким образом, оценка бизнеса остается актуальной и неотъемлемой частью стратегического планирования и поддержки предпринимательской активности в различных регионах и секторах экономики.

Оценочная деятельность бизнеса в Узбекистане важна для развития экономики и поддержки предпринимательства в стране. Вот несколько ключевых аспектов оценочной деятельности бизнеса в Узбекистане:

1) оценка бизнеса играет важную роль в привлечении инвестиций и сделках купли-продажи предприятий. В Узбекистане существуют сертифицированные оценщики, которые проводят оценку бизнесов и активов в соответствии с национальными и международными стандартами;

2) оценка недвижимости, включая коммерческую и жилую недвижимость, также является важной составляющей оценочной деятельности. Это может включать в себя оценку стоимости земельных участков, зданий и других недвижимых активов;

3) при принятии инвестиционных решений, как национальных, так и международных инвесторов, оценка проектов и их потенциала в Узбекистане играет важную роль. Оценка рисков и возможных доходов помогает привлечь инвестиции в различные секторы экономики;

4) узбекские банки и финансовые институты также используют оценочную деятельность для определения стоимости залоговых активов при выдаче кредитов и оценки кредитоспособности заемщиков;

5) оценка бизнеса может быть важной для целей налогообложения и составления финансовых отчетов. Это может включать в себя оценку имущества, стоимости акций и других аспектов, влияющих на налоговые обязательства предприятий;

6) оценочные эксперты могут быть приглашены для свидетельствования в судебных и арбитражных

процессах, связанных с спорами о стоимости активов или бизнесов;

7) Узбекистан стремится придерживаться международных стандартов оценочной деятельности. В стране существуют законы и нормативы, регулирующие оценочную деятельность.

Оценочная деятельность бизнеса имеет важное значение для создания благоприятной предпринимательской среды и поддержки экономического развития в Узбекистане. Она обеспечивает прозрачность и надежность при принятии бизнес-решений и инвестиций, что требует использования оптимальных инструментов (рис. 1).

Методы на основе анализа активов

- метод балансовой стоимости
- метод скорректированных чистых активов
- метод замены
- метод ликвидационной стоимости

Методы основанные на подходе анализа доходов

- метод дисконтированных денежных потоков
- метод дисконтированных дивидендов

Гибридные методы

- метод средней стоимости (Берлинский и Швейцарский метод)
- метод сверхприбыли (Штутгартский метод)

Методы, основанные на сопоставлении

- методы сопоставления операций
- мультипликативный метод

Рисунок 1. Классификация методов оценки бизнеса

Источник: разработана автором по результатам исследования.

Представленные методы на рисунке 1 имеют специфические стороны, которые включают в себя следующее:

- финансовый анализ, включает в себя анализ финансовых отчетов бизнеса, таких как баланс, отчет о прибылях и убытках, и отчет о движении денежных средств. Этот анализ может включать в себя показатели, такие как коэффициенты ликвидности, рентабельности, задолженности и другие;

- метод дисконтирования денежных потоков (DCF), этот метод оценки основывается на прогнозах будущих денежных потоков, которые ожидаются от бизнеса, и их дисконтировании к сегодняшней стоимости с использованием дисконтной ставки. DCF широко используется для оценки стоимости бизнеса и инвестиционных проектов;

- метод сопоставления, сравнивает бизнес с аналогичными компаниями или сделками на рынке. Он может включать в себя сравнение отношений цены к прибыли (P/E), цены к выручке (P/S) и другие аналогичные метрики;

- оценка активов и пассивов, этот метод оценки предполагает определение стоимости всех активов (недвижимость, оборудование, запасы и др.) и обязательств (кредиты, долги) бизнеса. Разница между активами и пассивами может служить оценкой собственного капитала или стоимости бизнеса;

- метод рыночной капитализации, этот метод основан на рыночной стоимости акций общества, если бизнес является публичным. Путем умножения цены акций на общее количество акций можно определить общую рыночную капитализацию и, таким образом, оценить бизнес.

Выбор конкретных инструментов и методов оценки зависит от типа бизнеса, доступности данных и целей оценки. Важно также учитывать факторы риска, прогнозы рынка и особенности отрасли при проведении оценки бизнеса. В целом процесс оценки бизнеса можно отразить комплексного анализа структурных подходов оценки стоимости с учетом их концепций (рис. 2).




Рисунок 2. Комплекс характеристик различных установок при оценке бизнеса

Источник: разработана автором по результатам исследования.

Хотя конкретные задачи объективной оценки не характеризуют единообразного и однозначного представления содержания концепции, но очень часто можно встретить определение стоимости бизнеса, заинтересованного представителя. Очень важным аспектом объективной оценки бизнеса является идея преодоления конфликта интересов между лицами, заинтересованными в оценке, за счет независимости оценщика. Таким образом, в центре этой концепции находится задача независимого оценщика. Субъективная оценка бизнеса нацелена на оценку стоимости бизнеса с учетом

субъективного планирования и идей конкретного представителя, заинтересованного в оценке в определенной ситуации, в котором актуальность имеется в принятии решений. Бизнес имеет не одну ценность, как в идее объективной концепции, а специфическую и принципиально разную ценность для каждого заинтересованного в оценке, когда как ценности бизнеса субъективны. В своем историческом развитии концепция субъективной оценки бизнеса не лишена односторонности и непонимания сторонников объективной концепции. Эта односторонность состоит, прежде всего, в том, что субъективная концепция ограничивается ситуацией одной стороны оценки, которую необходимо поддержать для принятия решений. Следовательно, цель независимого оценщика не применяется должным образом и не оценивается ни в теоретическом, ни в практическом смысле. Конфликт между объективной и субъективной концепцией был окончательно разрешен внедрением функциональной концепции. Главным аспектом функциональной концепции оценки бизнеса является зависимость от цели оценки бизнеса. Функциональная оценка бизнеса подчеркивает необходимость анализа целей и зависимости стоимости бизнеса. Компания не только имеет определенную ценность для каждого заинтересованного в оценке, но, в зависимости от цели, может иметь разные ценности.

В процессе использования подходов концепций оценочной деятельности бизнеса могут возникать различные сложности и препятствия, которые могут повлиять на точность оценки. Важно учитывать эти сложности и применять соответствующие стратегии для их преодоления:

Ограничение доступа к информации. Сложность: недоступность или ограниченный доступ к финансовым данным и другой информации о бизнесе может затруднить оценку. Преодоление: сотрудничество с владельцами бизнеса и получение доступа к необходимым данным, а также использование альтернативных источников информации.

Неопределенность в прогнозах. Сложность: неопределенность будущих денежных потоков или макроэкономических условий может затруднить проведение оценки. Преодоление: использование чувствительных анализов и сценариев для учета разных вариантов развития событий, а также использование экспертных оценок.

Субъективность оценки. Сложность: оценка бизнеса часто включает субъективные элементы, особенно при использовании метода сравнения. Преодоление: минимизация субъективности путем использования стандартизированных методов и множества независимых оценщиков.

Изменчивость рыночных условий. Сложность: рыночные условия могут быстро меняться, что может повлиять на точность оценки. Преодоление: обновление оценок и пересмотр при необходимости, а также учет долгосрочных тенденций и рисков.

Сложность оценки интеллектуальных активов. Сложность: оценка интеллектуальных активов, таких как бренды, патенты или технологии, может быть сложной из-за их нематериальной природы. Преодоление: привлечение специалистов в соответствующих областях и использование специализированных методов оценки.

Наличие скрытых обязательств. Сложность: некоторые бизнесы могут иметь скрытые обязательства или риски, которые не отражены в финансовых отчетах. Преодоление: тщательное аудирование бизнеса и обнаружение скрытых обязательств, а также проведение дополнительных исследований.

Нестабильность политической и экономической ситуации. Сложность: политические и экономические события могут сильно влиять на бизнес и создавать неопределенность. Преодоление: проведение анализа рисков и учет влияния политических и экономических факторов на прогнозы.

Зависимость от рыночных мнений. Сложность: оценки бизнеса могут подвергаться влиянию собственных предвзятых мнений или мнений других участников рынка. Преодоление: применение объективных методов и строгое контролирование процесса оценки.

Преодоление этих сложностей в оценочной деятельности требует профессионального подхода, внимательного анализа и использования разнообразных методов и данных. Кроме того, важно обеспечивать прозрачность и документирование процесса оценки для обеспечения доверия к результатам.

Выводы и заключения. Поддержка оценочной деятельности бизнеса может сыграть важную роль в развитии предпринимательства и экономики региона. Вот несколько рекомендаций для предпринимателей и региональных властей:

Для предпринимателей. Сознательность оценочных потребностей: предприниматели должны осознавать важность оценочной деятельности для своего бизнеса. Это может помочь им лучше управлять финансами, привлекать инвестиции и разрабатывать стратегические планы. Сотрудничество с профессионалами: рекомендуется сотрудничать с опытными оценщиками и консультантами по оценке, особенно при оценке бизнеса для привлечения инвестиций или продажи.

Документирование данных. Важно поддерживать актуальную финансовую и операционную документацию, что облегчит оценку бизнеса и повысит его привлекательность для инвесторов. Обучение и развитие: иметь понимание основных методов оценки бизнеса может быть полезным для предпринимателей. Участие в тренингах и семинарах по оценке может быть полезным.

Для региональных властей. Создание оценочных центров: Региональные власти могут рассмотреть возможность создания оценочных центров, которые предоставляют предпринимателям доступ к профессиональным услугам оценки по сниженным тарифам или субсидиям. Содействие в обучении: поддержка программ обучения и тренингов для местных предпринимателей по вопросам оценки бизнеса может повысить уровень компетенции в этой области.

Создание региональных реестров оценщиков. Создание реестров профессиональных оценщиков, доступных для предпринимателей, может помочь обеспечить доступ к квалифицированным услугам оценки.

Финансовая поддержка. Предоставление финансовой поддержки или грантов для предпринимателей на проведение оценочных работ может способствовать привлечению инвестиций и развитию бизнеса.

Публичная информация о региональной инвестиционной среде: Создание информационных ресурсов о бизнес-возможностях в регионе и методах оценки бизнеса может привлечь потенциальных инвесторов и предпринимателей.

Поддержка малых и средних предприятий (МСП): МСП играют важную роль в экономике региона. Региональные власти могут предоставлять МСП доступ к услугам оценки и финансовым ресурсам.

Источники и литература

1. Закон Республики Узбекистан от 11.09.1999 г. «Об оценочной деятельности» №811-1. Электронные ресурсы: <https://lex.uz/docs/24701>
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 24.04.2008 г. «О дальнейшем совершенствовании деятельности оценочных организаций и повышении их ответственности за качество оказываемых услуг» №ПП-843. Электронные ресурсы: <https://lex.uz/docs/1347807>
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 05.09.2022 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка оценки уровня развития предпринимательства в регионах республики» №488. Электронные ресурсы: <https://lex.uz/ru/docs/6183566>
4. Автоматизированная информационная онлайн-система для расчета и оценки уровня развития предпринимательства в регионах. Электронные ресурсы: <https://b-indicator.uz/>
5. Саидова М.Х. Совершенствование методов статистического анализа процессов развития бизнеса в Узбекистане. Электронные ресурсы: <https://oak.uz/pages/7380>
6. Кувандиков Ш.О. Методологические вопросы повышения роли семейного предпринимательства в развитии сферы услуг. Электронные ресурсы: <https://oak.uz/pages/7828>
7. Арипов О.А. Развитие предпринимательской среды и регулирование малого бизнеса со стороны государства. Электронные ресурсы: <https://oak.uz/pages/5484>
8. Гафуров У.В. Совершенствование экономических механизмов государственного регулирования малого бизнеса. Электронные ресурсы: <https://oak.uz/pages/590>

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma / Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

УЎК: 336.53.(575.1)

Тоштемир БЕРДИЕВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
АТ «Халқ банки» Бизнес таҳлил ва маркетинг
мустақил бошқармаси бошлиғи,
E-mail: toshtemir.berdiev82@mail.ru

Мамлакатимиз банк тизимининг ривожланиш босқичлари, ташкилий шакли ва ўзига хос хусусиятлари

Аннотация: мақолада мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланишининг турли босқичлари келтириб ўтилган. Давлат улуши мавжуд банкларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, турли хил имтиёзлар тақдим этилиши сабабли мамлакатимиз банк тизими асимметрик тузилишга эга бўлишига ва тизимда мулкнинг юқори концентрацияси вужудга келишига сабаб бўлган. Бу муаммоларни хусусийлаштириш орқали бартараф этиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Банк тизими, ривожланиш босқичлари, давлат улушидаги банклар, хусусийлаштириш жараёни, банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Этапы развития, организационная форма и особенности банковской системы нашей страны

Тоштемир Бердиев,
PhD (по экономическим наукам),
Начальник независимого управления
Бизнес-анализа и маркетинга
АК Народного банка

Аннотация: в статье отмечены различные этапы развития национальной банковской системы нашей страны. Благодаря государственной поддержке государственных банков и предоставлению различных льгот банковская система нашей страны имеет асимметричную структуру и вы-

сокую концентрацию собственности в системе. Даны рекомендации по преодолению этих проблем путем приватизации.

Ключевые слова: Банковская система, этапы развития, государственные банки, процесс приватизации, особенности банковской системы.

Stages of development, organizational form and features of the banking system of our country

Toshtemir Berdiev,
PhD (in Economics),
Head of Department Business analysis and marketing
of JSC Xalk Bank

Abstract: the article notes the various stages of development of the national banking system of our country. Due to state support of state-owned banks and the provision of various benefits, the banking system of our country has an asymmetric structure and a high concentration of ownership in the system. Recommendations are given to overcome these problems through privatization.

Keywords: Banking system, stages of development, state banks, privatization process, features of the banking system.

Кириш. Ривожланган давлатлар иқтисодий юқсалиши шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодий тараққиёти бозор инфратузилмасининг муҳим тарқибий қисми банк тизими билан чамбарчас боғлиқ.

Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ замонавий банк тизимини яратиш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида илгари сурилди. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз мустақил банк-молия тизимига эга бўлишига қарамай, давлат улуши иштирокидаги банклар миллий банк тизимининг асосини ташкил этувчи устун мавқеини эгаллаб турибди.

Адабиётлар шарҳи. Иқтисодий адабиётларда ва муаллифларнинг илмий қарашларида банк тизимида давлат иштирокининг самарадорлиги ҳақида турлича қарама-қарши талқинлар мавжуд. Айрим олимлар банк тизимида давлат иштирокини ёқлаб чиқса, бошқа олимлар бунга салбий фикр билдиришган. Барча олимлар илмий тадқиқотларида давлатнинг банк тизимидаги аралашувини камайтиришнинг энг мақбул ечими сифатида тизимдаги давлат улушини хусусийлаштириш келтириб ўтилади. Мисол учун, A.Gerschenkron давлат капитал бозори барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради ва ташқи капиталдан фойдаланишни осонлаштиради [1], деб таъкидлайди. A.Shleifer ва R.Vishny лар эса банк тизимига давлат аралашуви аҳоли жамғармасининг ошишини рағбатлантирмайди, бюджет чекловларини заифлаштиради, давлат асосий эътиборни сиёсий ва ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга қаратади, иқтисодий самарали лойиҳаларни молиялаштирмайди дейди [2]. 1960-1995 йилларда R. La Porta, F. Lopez-de-Silanes ва A. Shleifer лар томонидан 92 мамлакатда ўтказилган банклардаги давлат мулкнинг таҳлили асосида давлатнинг банклардаги улушининг 10 фоизга ўсиши ЯИМнинг жон бошига йиллик ўсиши 0,25 фоизга пасайишига олиб келади деган хулосага келишган [3]. Франциялик олимлар Jean Tirole ва Jean-Jacques Laffontлар ўзлари олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида, давлат улуши мавжуд ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви юзага келади деган фикрни билдиришади. Яъни, давлат бир вақтнинг ўзида мулкдор, бошқарувчи ва тартибга солувчи вазифасини бажаради. Давлат маблағларига осон эришиш имкони ва солиқлардан бериладиган имтиёзлар давлат улуши мавжуд ташкилотлар учун рақобатга бўлган хоҳишни сусайтиради деган бир қатор илмий хулоса ва фикрларни берадилар [4].

Асосий қисм. Ҳукуматимиз томонидан 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги № 205-ХП сонли Қонунга

асосан, мамлакатимизда икки поғонали миллий банк тизимини яратишда дастлабки қадамлар қўйилишини мустақил банк тизими шаклланишининг биринчи босқичи бошланиши сифатида келтиришимиз мумкин. Қонунда мамлакатимиз Марказий банки, Саноат-қурилиш банки, Аграр-саноат банки, Миллий банк ва Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар ажратиш билан шуғулланадиган банк каби молиявий ташкилотлар ташкил этилди. Бозор иқтисодиёти талабларига ва халқаро андозаларга хос бўлган икки поғонали: Марказий банк ва тижорат банкларидан иборат банк тизимига асос солинди. 1994-1996 йилларда йирик банклар негизида бир неча ихтисослаштирилган тижорат банкларининг ташкил этилиши турли соҳаларда банк хизмати кўрсатишни тубдан яхшилади. Йирик тижорат акциядорлик банклари Саноатқурилиш-банк негизида Саноатқурилишбанк, Енгилсаноат банки, Алоқа банк, Трастбанк, Уйжойжамғармабанк, Савдогар банк ва Агросаноатбанк негизида Тадбиркор банк, Пахта банк, Ғалла банк, Мевасабзавот банк, Турон банк, Замин банк каби банклар ташкил этилди. Ўзприватбанк, ЎзАБН Амробанк, ЎзДЭУбанк, ЎТ банк каби қўшма банклар, машинасозлик тармоғига ихтисослашган Асака банк ташкил этилди.

Банк тизими ривожланишининг иккинчи босқичи бошланишини мустақил монетар сиёсатга эга бўлган давлатлар сингари мамлакатимизда 1994 йилнинг 1 июлда миллий валютаимиз – сўмнинг муомалага киритилиши билан белгиласа бўлади. Миллий валютанинг муомалага киритилиши банк тизимида ислохотларнинг тубдан ўзгаришини талаб қилди. 1995 йилнинг 21 декабридаги «**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида**»ги ва 1996 йил 25 апрелдаги «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги қонунлар қабул қилиниб, банк тизими қатнашчилари ҳуқуқий мақоми, функциялари ва ваколатларига халқаро тажрибага асосан бир қатор янгиликлар киритилди. Мамлакат Президентининг 1997 йилнинг 24 апрелидаги «**Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармони мамлакатимизда хусусий банкларнинг кўпайишига муҳим туртки бўлди. Фармонда хусусий банкларга бир қатор имтиёзлар берилди, жумладан, банклар ташкил қилинган даврдан бошлаб, икки йил даромад солиғи тўлашдан озод қилинди. Тежалган маблағлар

банкларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базаси сифатини оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилди. Акциядорлик тижорат банкларини очиш учун устав капитали миқдорига минимал талаб 2,5 млн. АҚШ доллари даражасида белгиланган бўлса, хусусий банклар учун устав капитали миқдорига минимал талаб 300 минг АҚШ доллари эквиваленти қилиб белгиланди. Бу имтиёзлар хусусий банклар сонини сезиларли кўпайтирди. 1998 йил 2 октябрда қабул қилинган «**Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармон тижорат банкларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Давлат улуши мавжуд банклар уставида давлатнинг улуши 25 фоиздан ошганда Банк Кенгаши таркибига Марказий Банкдан ишончли вакил киритилиши айтиб ўтилди. Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йилнинг 9 ноябрида «**Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида**» 19/7-сонли низом қабул қилиниб, кейинги 10 йил ичида бир неча бор ўзгартиришлар киритиб борилди. Бу низомда чет эл сармояси иштирокидаги банк, хусусий банк ва бошқа муҳим тушунчаларга аниқлик киритилди. Унга кўра, тижорат банкининг устав капиталидаги битта акциядорнинг улуши 2000 йил 1 январдан бошлаб 20 фоиздан, 2001 йил 1 январдан 13 фоиздан ва 2002 йил 1 январдан бошлаб 7 фоиздан ошмаслиги кераклиги белгиланди. 2002 йилнинг 5 апрелида «**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида**»ги 360-П-сонли Қонун қабул қилинди. Бу қонунга асосан банклардаги фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Фонднинг мақсади этиб, резидент ва нерезидент шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатлари ҳимояланиши белгиланди. 2003 йил 30 августдаги «**Банк сирини тўғрисида**»ги Қонун билан банк сирини сақлашга доир талаблар ва банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мумкин бўлган вазиятлар белгилаб берилди. Банкларнинг капиталлашув жараёнида аҳоли ва нодавлат ташкилотларнинг улуши ошиб бориши банк тизими ютуғи ҳисобланади. Бунинг ёрқин исботи сифатида, 2005 йилда Тадбиркорбанк, Савдогарбанк, Трастбанк, Ғаллабанк, Приватбанк ва «Ипак йўли» банки уставидаги давлат улуши тўлиқ сотилганлигини келтириш мумкин [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг 15 апрелидаги «**Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-56 – сон қарорининг қабул қилиниши банк тизими ривожланишининг учинчи босқичи бошланишига дебоча бўлди. Қарорга асосан, 2005-2007 йилларда банк секторини ривожлантириш дастури тайёрланди. Дастурда янги очилаётган банклар устав капиталига қўйиладиган минимал талаб миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш вазифаси белгиланди. Жумладан, 2007 йил 1 январига қадар тижорат банклари устав капитали энг кам миқдорини 5 млн. АҚШ доллари эквивалентига, хусусий банкларига энг кам миқдор 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентига етказиш ҳамда тижорат банкларининг ўз устав капитали (регулятив капитали)нинг жами банк активларига нисбати 10% дан кам бўлмаслиги белгиланди. Энг кам устав капитали миқдори 2005 йил 1 июлдан бошлаб акциядорлик-тижорат банклари учун 3 млн. АҚШ доллари, хусусий банклар учун 1,5 млн. АҚШ доллари, чет эл капитали мавжуд банкларга 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланди. 2006 йилда эса бу кўрсаткич мос равишда акционерлик-тижорат банклари учун 4 млн., хусусий банклар учун 2 млн., чет эл капитали мавжуд иштирокидаги банклар учун 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланди. 2005 йилнинг 16 февралда қабул қилинган «**Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Президент Қарори билан «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Заминбанк» бирлаштирилиб янги «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат ипотека банкига, 2006 йилнинг 5 майидаги ««Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3750-сон Фармонига асосан Тадбиркорбанк Микрокредит банкка айлантирилди. 2006 йилнинг 11 майида «**Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**»ги ПФ-3751-сонли Фармон қабул қилинди. Кейинги йилларда бу жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банклари устав капиталига салмоқли маблағлар жалб қилинди. Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилда бошланган жаҳон молия бозорининг инқирози даврида ҳукумат томонидан йирик банклар устав капиталидаги давлат улуши оширилди. Мамлакатимиздаги етакчи тижорат банклари Халқ банки,

Микрокредитбанк, Агробанк, Қишлоқ қурилиш банк, Асакабанк, Ўзсаноатқурилишбанк капиталлашувига 2009 йил давомида 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари йўналтирилди [6]. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилнинг 30 мартида «**Қишлоқ қурилиш банк**» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1083-сон Қарорига асосан Ғалла-банк негизда Қишлоқ қурилиш банки ташкил этилди. Аграр секторини барқарор ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур замонавий технологияларни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш мақсадида, 2009 йилнинг 30 мартида «Агробанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-1084-сон Қарорига асосан Пахта банк негизда «Агробанк» ташкил этилди.

Жаҳон иқтисодий инқирози бошланиш даврини мамлакатимиз банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичига асос сифатида кўрсатишимиз мумкин. Марказий банк Бошқаруви томонидан 2009 йил 8 октябрда тасдиқланган «**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низом**» қабул қилинди. Бу низомнинг асосий ютуғи сифатида рақамли банк тушунчаси банк тизимига кириб келди. Мамлакат банк тизимининг барқарорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, стратегик муҳим инвестиция лойиҳалари учун кредитлар ҳажмларини кўпайтириш, аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этиш мақсадида 2010 йилнинг 06 апрелида «**Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-1317-сон Қарори қабул қилинди. Қарорга асосан тижорат банкларининг акциядорлари ва Кузатувчи кенгашларининг 2010 йилда қўшимча маблағларни жалб этиш, банклар жами капиталларини 490 млрд сўмга оширилиши маъқулланди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 8 та йirik давлат улуши мавжуд банклар уставига давлат томонидан 280 млрд сўмдан ортиқ маблағ берилиши белгиланди. Марказий банкнинг 2011 йил

1 январдан бошлаб янгидан ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорларини тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 млн еврогача, хусусий банклар учун 5 млн еврогача белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. 2013 йилнинг 29 мартдаги «**«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкнинг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги ПҚ-1945-сонли Қарорига асосан 2013 йилда банк устав капитали 40,0 млрд сўмга оширилди.

2017 йилнинг 7 февралдаги «**Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида**»ги ПФ-4947-сонли Фармон қабул қилиниши банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш йўлида муҳим бурилиш бўлди. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда мамлакат банк тизимининг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди ва банк тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди. Экспортёрларни қўллаб-қувватлаш, мева-сабзавот экспорт имкониятларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга ёрдам берувчи кенг қўламдаги банк хизмат турларини кўрсатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги «**«Ўзагроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил қилиш тўғрисида**»ги ПҚ-2740-сон қарорига асосан Ўзагроэкспортбанк очилди. Банкнинг устав капиталини шакллантиришга бюджет ҳисобидан 100 млрд сўм ажратилди. Тошкент шаҳрининг уй-жой фондини тубдан янгилаш ва уй-жой қурилиши учун ипотека кредитлашни ривожлантириш орқали пойтахт аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида, 2017 йил 13 мартдаги «**2017–2021 йилларда Тошкент шаҳрида арзон уй-жойларни қуриш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги ПҚ-2824-сон қарорига асосан Пойтахт банк ташкил этилди. Банкнинг устав капиталини шакллантиришга Тошкент шаҳар бюджетидан 100 млрд сўм ажратилди. Бу банкларнинг очирилиши тизимда давлат улуши мавжуд банклар сони-

ни янада оширди. 2017 йил 16 июлидаги «**Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги ПҚ-3066-сон Қарорга асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан Миллий банк, Асака банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Халқ банки, Қишлоқ қурилиш банк, Ипотека-банк, Микрокредитбанк, Агробанк, Туронбанк тижорат банкларининг устав капиталларида давлат улуши 500 млн. АҚШ доллари миқдори эквивалентда оширилди. 2017 йил 2 сентябридаги «**Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**»ги ПФ-5177-сон Фармон қабул қилиниши билан мамлакатимиз иқтисодий ривожланишидаги энг катта тўсиқлардан бири олиб ташланди. Фармонга асосан бозор механизмлари асосида миллий валютанинг хориж валютасига айирбошлаш курсини белгилаш орқали чет эл валютасини эркин сотиш ва сотиб олиш имкони яратилди. 2017 йил 12 сентябридаги «**Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-3270-сон Қарорга асосан 2017 йилнинг 1 октябридан устав капиталининг минимал миқдори янги ташкил тижорат банклари учун – 100,0 млрд.сўм, микрокредит ташкилотлари учун –2,0 млрд. сўм ва ломбардлар учун – 500 млн.сўм қилиб белгиланди. Миллий банк (320 млн АҚШ доллари) ва Асака банкнинг (108 млн. АҚШ доллари) дастлаб хорижий валютада шакллантирилган устав капитали хорижий валютани сотиш йўли орқали миллий валютага ўтказиш белгиланди. Илғор банк амалиёти асосида банк-молия тизимини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланди. 2017 йил тижорат банкларининг умумий капитали йил давомида 2,3 баробарга кўпайиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 20,7 трлн. сўмни, устав капитали умумий миқдори эса 2,8 баробарга ошиб, 16,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар устав капитали 9,6 трлн. сўмга, капиталда давлат улуши бўлмаган банклар устав капитали деярли 1 трлн. сўмга ошди. Мамлакатимизда 2018 йил 1 январь ҳолатига 28 та тижорат банки фаолият кўрсатиб, улардан 11 таси давлат улушига эга банклар, 17 таси чет эл капитали ва хусусий капиталга эга тижорат банклари ҳисобланади [7]. 2018 йилнинг 9 январиди «**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолияти-**

ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5296-сон Фармон қабул қилинди. Фармонга кўра нархлар барқарорлигини таъминлаш, банк тизими барқарор ривожланишини таъминлаш Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадли йўналишлари қилиб белгиланди. Фармонга кўра асосий вазифалардан бири сифатида банк хизматлари истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлик даражасини ошириш белгиланди. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди. 2018 йилнинг 4 майидаги «**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-3694-сон Қарорга асосан 2018-2019 йилларда Халқ банки устав капиталини 1,245 триллион сўмга, Микрокредитбанк устав капиталини 450 миллиард сўмга ошириш вазифаси белгиланди. 2018 йил давомида тижорат банкларининг умумий капитали 6 трлн. сўмга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 26,7 трлн. сўмни, шундан устав капитали 21 фоизга ошиб, 19,7 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар устав капитали 2,6 трлн. сўмга, капиталда давлат улуши бўлмаган банклар устав капитали деярли 0,7 трлн. сўмга ошди [8]. 2019 йил 5 ноябрида «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ-580-сон ва 2019 йил 11 ноябрида «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги ЎРҚ-582-сон Қонунларининг янги таҳрирлари қабул қилинди. 2019 йил тижорат банкларининг умумий капитали йил давомида 24,3 трлн. сўмга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 51,0 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар капитали 22,5 трлн. сўмга, давлат улуши бўлмаган банклар капитали деярли 1,8 трлн. сўмга ошди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат улушига эга банклар капитали хукумат томонидан 2019 йил 1,9 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилди. Мамлакатимизда 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 30 тани ташкил этди. Шундан 13 таси капиталда давлатнинг салмоқли улушига эга банклар, 13 таси капиталда хусусий капиталнинг салмоқли улушига эга банклар ҳамда 4 таси капиталда хорижий банк капиталининг салмоқли улушига эга

банклар ҳисобланади Банк тизимида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида Қозоғистон Республикасининг йирик банки Халиқ банкнинг шуъбаси Тенгебанк акциядорлик тижорат банки Тошкентда ўз фаолиятини бошлади [9]. 2019 йилнинг 21 майидаги «**Давлат корхоналари ва устав капиталида давлат иштирок этаётган тижорат банкларини реструктуризация ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги ПҚ-4325-сонли қарори билан давлат банкларини реструктуризация ва ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш тадбирларига халқаро молия институтларининг фаол ва тизимли жалб этилиши таъминланди. Банклар фаолиятини трансформация қилиш жараёни бошланди. ХМК ҳамда ЕТТБ Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Ипотека банк ва Алоқабанкни трансформация қилиш жараёнини бошлади. Тижорат банклари томонидан ўз ресурс базаларини диверсификация қилиш мақсадида халқаро молия бозорларидан арзон ва узоқ муддатли ресурслар жалб қилиш бўйича илк қадамлар қўйилди. Хусусан, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан Лондон фонд биржаси орқали 300 млн. АҚШ долларилек евробондлар сотилди. Ушбу амалиётнинг 2020 йилда Миллий банк ва Ипотека-банк томонидан давом эттирилиши белгиланди [10]. Бу босқичнинг энг муҳим йўналишаридан бири сифатида «инфляцияни таргетлаш» тизимига ўтиш ҳисобланади. Инфляцион таргетлаш сиёсати Янги Зеландия, Канада, Буюк Британия, Швеция, Швейцария, Исландия, Исроил ва Жанубий Корея сингари жаҳоннинг йирик давлатларида ўзининг ижобий натижаларини берган. Инфляцияни жиловлаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратиш мақсадида 2019 йилнинг 18 ноябрида «**Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида**»ги ПФ-5877-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказиш белгиланди. 2020 йилнинг 12 майида қабул қилинган «**2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида**»ги ПФ-5992-сон Фармони билан кейинги беш йилликда мамлакат банк тизими ҳолати белгилаб берилди. Фармонда банкларнинг банк тизимини тубдан трансформация қилиш вазифаси белгиланди. Стра-

тегия 2020–2025 йилларда банк тизимини трансформация қилиш методларини хорижий мамлакатларнинг молия секторини трансформация қилиш тажрибаси асосида ва соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини белгилади. Стратегияда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида йирик банклар чет эллик консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда банклар фаолияти трансформациясини бошлаб юбордилар. Банклар капиталлашув даражаси 2020 йил давомида 7,3 трлн. сўмга ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 58,4 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар капитали 4,7 трлн. сўмга, давлат улуши бўлмаган банклар капитали деярли 2,6 трлн. сўмга ошди. 2020 йилда Ипотека-банк ва Миллий банк томонидан халқаро молия бозорларида жами 600 млн. АҚШ долларлик халқаро облигациялар (евробондлар) қулай шартларда муваффақиятли жойлаштирилди. Бу ўз навбатида, мазкур банкларнинг ресурс базасини диверсификация қилиш ва давлат маблағларига бўлган қарамлигини камайтиришга хизмат қилди. 2020 йилда республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони 2 тага кўпайиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 32 тага етди. Уларнинг 13 таси капиталида давлат улуши мавжуд банклар, 14 таси хусусий банклар ҳамда 5 таси хорижий банк капиталига эга банклар ҳисобланади. Банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш, хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида Тошкент шаҳрида Грузия давлатининг йирик банкларидан бири ТВС Bank нинг филиали ўз фаолиятини бошлади [11]. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартида «**Ўзсаноатқурилишбанк**» акциядорлик тижорат банкни Халқаро Молия Корпорацияси иштирокида хусусийлаштириш ва трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 161-сонли ва 29 ноябрида «**Пойтахт банк**» акциядорлик жамияти устав капиталидаги давлат акциялари пакетини сотиш ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тўғрисида»ги 719-сонли қарорлари қабул қилинди. Пойтахт банк устав капиталидаги 100 фоиз давлат улушини сотишдан тушган маблағлар ушбу давлат активини сотиш билан боғлиқ харажатларни чегирган ҳолда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига йўналтирилиши кўрсатиб ўтилди. Банкларнинг капиталлашув даражаси 2021 йилда 12,6 трлн. сўмга ошиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 71 трлн. сўмга

етди. Бунда давлат улушига эга банклар капитали 8,8 трлн. сўмга, давлат улуши бўлмаган банклар капитали деярли 3,9 трлн. сўмга ошди. Бунда, устав капитали миқдори 10 трлн. сўмга ўсиб, 54,8 трлн. сўмни ташкил этди. 2021 йилда республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони 1 тага кўпайиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 33 тага етди. Улардан 12 таси капиталида давлат улуши мавжуд банклар, 16 таси хусусий банклар ҳамда 5 таси хорижий банк капиталига эга банклар ҳисобланади [12].

2022 йилнинг 28 январида «**2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида**»ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилиниб, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026

йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилиши белгиланди. 2023 йилнинг 01 январь ҳолатига республикада 31 та тижорат банклари фаолият юритмоқда, улардан 13 таси давлат улуши иштирокидаги акциядорлик-тижорат, 10 таси хусусий, 3 таси чет эл капитали иштирокидаги ва 5 таси чет эл банкларидир. Шунингдек, 8 та йирик чет эл банклари ваколатхоналари мавжуд.

Мамлакатимиз банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Юқорида келтириб ўтилганидек, банк тизими ривожланишининг барча босқичларида давлат улуши мавжуд банклар устав капиталига маблағ киритилиши сабабли тизимда давлат таъсири сезиларли бўлган.

1-жадвал

Банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари (млрд.сўм).

| Кўрсаткичлар | 2017 | | 2018 | | 2019 | | 2020 | | 2021 | | 2022 | |
|----------------------------------|-----------------------------|---------------|-----------------------------|---------------|-----------------------------|---------------|-----------------------------|---------------|-----------------------------|---------------|-----------------------------|---------------|
| | Давлат улуши мавжуд банклар | Бошқа банклар |
| Актив | 64,9 | 19,1 | 136,5 | 30,1 | 180,1 | 34,2 | 230,1 | 42,6 | 307,8 | 58,3 | 362,4 | 82,5 |
| Мажбурият | 58,4 | 16,7 | 119,8 | 26,1 | 158,4 | 29,3 | 185,8 | 35,8 | 259,1 | 48,6 | 304,7 | 69,3 |
| Кредит | 44,3 | 8,3 | 97,8 | 12,8 | 115,1 | 18,6 | 186,6 | 24,9 | 242,6 | 34,3 | 280,1 | 46,3 |
| Депозит | 24,8 | 12,4 | 39,3 | 20,3 | 47,6 | 22,3 | 65,7 | 25,2 | 80,3 | 34,4 | 104,2 | 51,9 |
| Кредитларни депозитларга нисбати | 179% | 67% | 249% | 63% | 242% | 83% | 284% | 99% | 302% | 100% | 269% | 89% |

Манба: муаллиф томонидан Ўзбекистон республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди.



Давлат улуши мавжуд банкларнинг тизимдаги ўрни жуда юқориликча қолмоқда. Хусусан, жами активларнинг муддатдаги ўртача 82 фоизи, мажбуриятларнинг 82 фоизи, ажратилган кредитларнинг 87 фоизи ва депозитларнинг 67 фоизи давлат улуши мавжуд банкларга тўғри келмоқда ва бу кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга. Кредитларнинг депозитларга нисбатининг ўртача қиймати 300 фоиздан ошмоқда, бу ҳолат банклар кўпроқ давлат томонидан берилаётган маблағларга асосан фаолият кўрсатаётганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар мамлакатимиз банк тизими асимметрик тузилишга эгаллигига ва асосий эътибор капиталида давлат улуши иштирокидаги банкларга қаратилганлигидан далолатдир (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Йирик банкларнинг акциядорлари таркиби (2023 йил 20 август ҳолатига)

| Банклар | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги улуши, % да | Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси улуши, % да | Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги улуши, % да | Тошкент шаҳар ҳокимлиги улуши, % да | Юридик шахслар | | Жисмоний шахслар | |
|---------------------|--|---|---|-------------------------------------|----------------|-------------|------------------|-------------|
| | | | | | сони | улуши, % да | сони | улуши, % да |
| Миллий банк | 40,7 | 59,3 | - | - | - | - | - | - |
| СҚБ | - | 82,1 | 13,5 | - | м/й | м/й | м/й | м/й |
| Агробанк | 52,22 | 46,32 | - | - | 18 437 | 1,37 | 73 083 | 0,09 |
| Асака банк | 10,73 | 88,24 | - | - | 5 | 1,04 | - | - |
| Қишлоқ қурилиш банк | - | 23,89 | 74,45 | - | 2 412 | 1,61 | 3 821 | 0,06 |
| Халқ банк | 21,4 | 78,6 | - | - | - | - | - | - |
| Микрокредитбанк | - | 45,5 | 52,8 | - | 7 | 1,7 | - | - |
| Алоқа банк | - | 71,74 | - | - | 4 | 28,26 | - | - |
| Турон банк | - | 90,09 | 8,67 | - | - | - | - | 1,24 |
| Пойтахт банк | - | - | - | 100 | - | - | - | - |

Манба: муаллиф томонидан мазкур банклар ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз банк секторининг яна бир хусусияти – мулкчиликнинг юқори концентрациясидир. Бугунги кунда банк тизимида давлат улушига эга банклар сони 10 та бўлиб, улар акциядорининг 90-95 фоизини бир нечта давлат ташкилотлари ташкил этмоқда. (2-жадвалга қаранг) Бу банклар бошқарувидаги муҳим институт Кузатув кенгашлари таркиби ўз-ўзидан акциядорлар вакиллари бўлган давлат хизматчиларидан ташкил этилишига, давлат сармояси иштирокидаги барча тижорат тузилмалари учун марказлаштирилган равишда қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда. Бу муҳим фактор мазкур банклар ўз фаолиятларида мустақил бўла олмасликларига сабаб бўлмоқда ва банклар акцияларига инвесторларнинг қизиқиши паст бўлишига олиб келмоқда. Бу ҳолатнинг нафақат банк тизими учун салбий таъсири бўлиб, балки фонд бозори ривожига ҳам тўсқинлик қилмоқда.

Хулоса. Мамлакатимиз банк тизими ривожланишнинг турли босқичларидан ўтиб келмоқда. Ҳар бир босқич ўзига хос қирралар билан ажралиб туради, лекин барча босқичларда давлат улуши мавжуд банкларга имтиёзлар бериш, устав жамғармаларига маблағ киритилиши тизимдаги рақобат муҳитига салбий таъсир ўтказмоқда. Давлат таъсирининг юқорилиги ва мулкчиликнинг юқори концентрацияси бугунги кунда мамлакат банк тизими

ривожланишининг асосий муаммолари сифатида шаклланган. Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида тижорат банкларини хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун,

1. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш орқали банкларнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш зарур;

2. Давлат улуши мавжуд банклар уставига давлат томонидан маблағ киритиш, турли хил солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш амалиётини тугатиш зарур. Бу банк тизимида соғлом рақобат муҳитини яратишга имкон яратади;

3. Давлат идораларининг тижорат банклари фаолиятига аралашувини минималлаштириш, имтиёзли кредитлаш тизимининг банклар кредит портфели сифатида салбий таъсирини камайитириш йўналишида ислох қилиш лозим;

4. Давлат ташкилотлари ҳисоб рақамларини асосан давлат улуши мавжуд банкларда жойлаштириш амалиётидан воз кечиш зарур, бу банкларнинг депозит бозорида фаолликларини оширишга туртки бўлади;

5. Авваламбор банк акцияларини ходимларга имтиёзли шартлар асосида сотиш орқали миноритар акциядорлар сафини кенгайтириш зарур. Бу ҳолат мамлакатимиз фонд бозорининг ривожланишига ҳисса қўшади, чунки миноритар акциядорлар фонд бозорида актив бўлишади.

Манба ва адабиётлар

1. *Alexander Gerschenkron – Economic Backwardness in Historical Perspective_ A Book of Essays-Belknap Press (1962)*
 2. *A model of investor sentiment. Nicholas Barberis, Andrei Shleifer, Robert Vishny. (1998)*
 3. *La Porta, R. Government ownership of banks / A. Shleifer, F. Lopez-de- Silanes, R. La Porta // National Bureau for Economic Research [Electronic resource]. – 2000. – Mode of access: <http://www.nber.org/papers/w7620>*
 4. *Laffont, Jean-Jacques, Jean Tirole (1991). Privatization and Incentives // Journal of Law, Economics, and Organization, 7, 84–105.*
 5. *Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти. – Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 19-20 бет.*
 6. *Додиев Ф.Ў. Ўзбекистон банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, // Иқтисод ва Молия, – Т.: 2013, № 8 -39 бет*
 7. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
 8. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
 9. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
 10. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
 11. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
 12. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот.*
 13. *Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти. – Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 19-20 бет.*
 14. *Додиев Ф.Ў. Ўзбекистон банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, // Иқтисод ва Молия, – Т.: 2013, № 8 -39 бет.*
 15. *Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.*
 16. *Alexander Gerschenkron – Economic Backwardness in Historical Perspective_ A Book of Essays-Belknap Press (1962)*
 17. *A model of investor sentiment. Nicholas Barberis, Andrei Shleifer, Robert Vishny. (1998)*
 18. *La Porta, R. Government ownership of banks / A. Shleifer, F. Lopez-de- Silanes, R. La Porta // National Bureau for Economic Research [Electronic resource]. – 2000. – Mode of access: <http://www.nber.org/papers/w7620>*
 19. *Laffont, Jean-Jacques, Jean Tirole (1991). Privatization and Incentives // Journal of Law, Economics, and Organization, 7, 84-105.*
 20. *Lex.uz*
-
-

УЎК: 338.46:339.9.(575.1)

Бегимкул ҚУЛИЕВ,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси,

E-mail: begimkulkuliyev@mail.ru

Маиший хизмат кўрсатишда харажатларни оптималлаштириш муаммолари ва самарадорлигини ошириш йўллари

Аннотация: ушбу мақолада маиший хизмат кўрсатишда харажатларни оптималлаштириш муаммолари ва самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил этилган. Муаллиф ушбу мақолада Самарқанд шаҳрида жойлашган истеъмолчиларга маиший хизмат кўрсатувчи "Samsung" компанияси фаолиятини оптимал режаслаштиришнинг муаммоларига қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шундан келиб чиққан ҳолда таҳлил усули сифатида Simplex оптималлаштириш усули орқали маиший хизмат кўрсатувчи корхона харажатларини оптималлаштириш имкониятларини келтириб ўтган. Ушбу оптималлаштириш усулини маиший хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ўртасида қўллаш, харажатларни олдиндан аниқлаш, тежаиш ва мақбул йўналишни белгилаб олган ҳолатда тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилишини илмий исботлаб берилган.

Калит сўзлар: хизмат, маиший хизмат, самарадорлик, иқтисодиёт, харажат, истеъмолчи, меҳнат, унумдорлик, корхона, тадбиркорлик, рақобат, аҳоли, оптималлаштириш.

Проблемы оптимизации затрат и пути повышения эффективности бытовых услуг

Бегимкул Кулиев,соискатель Самаркандского института
экономики и сервиса

Аннотация: в этой статье рассматриваются проблемы оптимизации затрат и способы улучшения эффективности бытового обслуживания. Ав-

тор разработал научно-практические предложения и рекомендации для решения задач оптимального планирования деятельности предприятия бытового обслуживания "Самсунг" в г. Самарканде. В качестве метода анализа автор использовал симплекс-оптимизацию, которая позволяет оптимизировать затраты предприятия. Эффективность данного метода оптимизации была научно доказана, поскольку он способствует экономии и определению оптимального направления развития системы, что особенно важно для субъектов, работающих в сфере бытового обслуживания.

Ключевые слова: услуга, бытовое обслуживание, эффективность, экономика, стоимость, потребитель, труд, производительность, предприятие, предпринимательство, конкуренция, население, оптимизация.

Optimization of costs and ways to increase the efficiency of household services

Begimkul Kuliev,Independent researcher of Samarkand institute of
economics and services

Abstract: this article examines the challenges of optimizing costs and improving efficiency in household services. The author puts forward scientific and practical suggestions and recommendations for planning the activities of Samsung - a company that provides household services to customers in Samarkand. By applying the Simplex optimization method, the author analyzes the potential for cost optimization in the enterprise. The results confirm that using this

method can improve the efficiency of household service providers by enabling them to forecast costs, save resources, and identify the best course of action.

Keywords: *service, consumer services, efficiency, economy, cost, consumer, labor, productivity, enterprise, entrepreneurship, competition, population, optimization.*

Кириш. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви, рақобатнинг кескинлашуви, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш даражасини оширишда сифат кўрсаткичларининг устуворлиги шароитида хизмат кўрсатиш, жумладан маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур соҳалар ривожланишига бўлган объектив зарурат аҳоли турмуш даражаси сифатини юксалтириши билан бир қаторда иш билан бандлик даражасининг ортишига ижобий таъсири билан ҳам изоҳланади. «Ривожланган мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 75 фоиз ва иш билан бандлар салмоғи 70 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларининг хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик Европанинг ривожланган мамлакатларида 75, АҚШда 80, Японияда 82 фоиздан ортади» [12]. Айнан шу нуқтаи-назардан жаҳон миқёсида хизматлар соҳасини ривожлантириш, хизматлар ҳажми ва сифатини оширган ҳолда, хизматларнинг замонавий турларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётларнинг таҳлили ва методология. Тадқиқотларимиз маиший хизмат тушунчаси, ишсизлик, иш билан бандлик, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат фаолиятини ташкил этишни фундаментал тадқиқ этишга Ж.М. Кейнс [1], С.Холл [2] каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида турган мамлакатларда меҳнатни ташкил этиш муаммоларини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт фанининг бу соҳасидаги ривожига МДХ давлатлари олимлари Н.А.Волгин [3], Г.Е.Генкин [4] кабилар ҳисса қўшган. Мазкур муаммолар тадқиқотида мамлакатимиз олимларидан М.Қ.Пардаев [5], М.М.Мухаммедов, Қ.Ж.Мирзаев [6] каби иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш иқтисодиёти қарор топиб бориши билан хизмат

кўрсатиш соҳаси тадқиқотида, унинг ривожланиш тенденцияларига иқтисодчи олимлар катта эътибор бера бошладилар. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш фаолиятининг ривожланиб бориши билан унинг самарадорлигини баҳолашдаги ёндашувлар ҳам нафақат ўзгариб борди, балки хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини баҳолашда алоҳида аҳамият касб эта бошлади.

Бизнинг фикримизча, муҳим масалалардан бири бўлган ижтимоий- иқтисодий самарадорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тушуниш учун алоҳида ижтимоий, иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш керак. Лекин бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эмас, деган фикр келиб чиқмайди. Аксинча, улар узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қилади, тўлдиради.

Иқтисодий самарадорлик сифат жиҳатидан ҳисоблаб чиқилмаса ва ўлчанмаса, унинг мунтазам ошиб бориши бўйича белгиланган ишларни бажаиб бўлмайди.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга қўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектлари иқтисодий самарадорлигини барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади:

- истеъмолчиларнинг турли қатламларига мос хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақлиф этилаётган хизматларнинг оммабоплигини таъминлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижадорлигини ошириш;
- сарфларнинг нисбий даражасини пасайтириш;
- соҳада юқори унумдорликни таъминлашга эришиш.

Мазкур мезонлар маиший хизмат кўрсатиш қорхоналари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлик кўрсаткичларини турлича: баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳа-

мияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.

Аммо маиший хизмат кўрсатишда харажатларни оптималлаштириш муаммолари ва самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил этилмаган.

Анализ ва синтез, индукция ва дедукция, кўп омилли ва динамик таққослаш, даврийлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари-дан фойдаланилди.

Муҳокама. Ҳозирги даврда маиший хизмат кўрсатиш корхоналар харажатларни камайтириш стратегиясидан фойдаланадилар, унда ходимлар: харажатларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш; технологик жараёнларнинг стандартларга мувофиқлигини текшириш; оптимал юкни ҳисоблаш ишлаб чиқариш устахоналари; ишдаги узилишлар сабабларини аниқлаш; маиший хизматларни жўнатиш ёки қабул қилиш пайтида носозликлар мавжудлигини назорат қилиш, аниқлаш каби методлардан фойдаланадилар. Шундан сўнг, харажатларни таҳлил қилиш ва оптималлаштириш ишлари олиб борилади ва аниқланган харажатларни камайтириш дастурини белгилайдилар, кейин маиший хизмат кўрсатиш корхона бошқарувчилари уни кўриб чиқади.



1-расм. Маиший хизматлар соҳасининг ресурслари.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида харажатларни камайтириш бўйича иқтисодий шарт-шароит бўлиши талаб этилади. **Бундай шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:**

1. Маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг келгусида харажатларни камайтириб бориш стратегик режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Маиший хизмат кўрсатувчи корхонанинг қисқартирилдиган харажатлар моддаларининг энг батафсил мақсад қийматларини таъминлаш. Ушбу тадбирлар доирасида бутун маиший хизмат кўрсатувчи корхона учун харажатларни камайтириш мумкин бўлган томонларни аниқлаб, ҳар бир таркибий бўлинма бўйича эса соҳадаги молиявий интизомни кучайтириш режасини ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиши лозим.

2. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қарзни қайтаришга қаратилган чораларни қўллаши, шунингдек, корхонанинг ўзи зудлик билан бюджет тўловларини, ходимларга ва контрагентларга тўловларни амалга ошириши керак, бу эса корхоналарни жарималардан сақлаб қолади.

3. Харажатларнинг меъёрлар асосида қатъий интизомга риоя қилиш. Молиявий интизомга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар шакллантирилади. Хусусан, тасдиқланган маълумотларга қатъий амал қиладиган режа ишлаб чиқилади. Бошлиқ томонидан қабул қилинган ва бюджетда белгилаб қўйилган қарорлар фақат алоҳида ҳолларда бузилиши мумкин. Хусусан, харажатларни камайтиришни режалаштириш вақт бўйича бўлинмадиган тадбирлар мажмуини ўз ичига олади [15].

4. Бухгалтерия ҳисобини илмий асосда зарурий ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш. Корхона харажатларини мунтазам равишда қисқартириш учун молиявий ҳисоб ва назорат тизимини жорий этиш зарур. Бухгалтерия ҳисобига нафақат харажатлар, балки маиший хизмат кўрсатувчи корхона даромадлари ҳам киради.

5. Харажатларни камайтириш бўйича доимий мониторинг ўтказиш. Харажатларни пасайтириш самарадорлигини баҳолаш учун доимий равишда мониторинг олиб бориш зарур, бу эса тегишли харажатларни камайтириш учун режага зарур тузатишлар киритиш билан мумкин бўлган етишмовчиликларни, технологик йўқотишларни баҳолашга имкон беради. Бу жараён улар ичида тахмин қилинади, заиф томонларини аниқлаш билан бутун корхона учун режани ишлаб чиқишни бажаради, бу ерда харажатларни камайтириш ва ҳар бир таркибий бўлинма учун ички молиявий интизомни мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

6. Маиший хизматлардан келадиган доимий даромадлар ва харажатлар билан асосий мониторингни олиб бориш. Ҳар қандай натижа, шу жумладан салбийси ҳам, қўшимча харажатларни ка-

майтириш учун эҳтиёткорлик билан текширилиши керак. Маиший хизматларни арзонлаштирилган нархларда сотишга мажбур қиладиган ишлаб чиқариш йўқотишларини таҳлил қилиш керак. Камчиликлар, ўзгартиришлар ва рад этишлар ҳам алоҳида эътиборга олинishi лозимдир.

1-жадвал Ўзбекистонда асосий маиший хизмат турлари бўйича иш жойларнинг минимал нормативи

| № | Маиший хизмат турлари* | 1000 нафар аҳолига иш жойларнинг минимал нормативи | |
|----|---|--|------------------|
| | | шаҳарларда | қишлоқ жойларида |
| 1 | Сартарошлар хизмати | 2 | 0,98 |
| 2 | Пойафзал таъмирлаш | 0,7 | 0,6 |
| 3 | Кийим таъмирлаш | 0,9 | 0,46 |
| 4 | Кийим тикиш | 3,1 | 3,05 |
| 5 | Сураткашлик | 0,4 | 0,22 |
| 6 | Мураккаб маиший жиҳозларни таъмирлаш | 0,3 | 0,3 |
| 7 | Телерадиоаппаратларни таъмирлаш | 0,44 | 0,58 |
| 8 | Кимёвий тозалаш хизмати | 0,3 | 0,12 |
| 9 | Кир ювиш хизмати | 0,3 | 0,12 |
| 10 | Трикотаж буюмларни таъмирлаш ва тайёрлаш | 0,72 | 0,62 |
| 11 | Дазмоллаш бўйича хизматлар | 0,6 | 0,37 |
| 12 | Ижара хизмати(ижара нукталари) | 0,4 | 0,12 |
| 11 | Соатсозлик | 0,2 | 0,18 |
| 12 | Металл буюмларни таъмирлаш ва тайёрлаш | 0,3 | 0,4 |
| 13 | Мебелларни таъмирлаш | 0,08 | 0,06 |
| 14 | Муסיқа асбобларини таъмирлаш | 0,09 | 0,02 |
| 15 | Ҳаммомлар хизмати | 0,22 | 0,22 |
| 16 | Пардозлаш бўйича хизматлар, маникюр ва педикюр хизматлари | 1 | 0,8 |
| 17 | Мебель тайёрлаш | 0,26 | 0,2 |
| 18 | Ранг бериш ва уни қуюклаштириш бўйича хизматлар | 1 | 1,5 |
| 19 | Маросимлар хизмати | 0,7 | 1,5 |
| 20 | Бошқа маиший хизмат турлари** | 2 | 1,5 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ)” 2006 йил 12 май. –Т.

*Мазкур рўйхатга ижтимоий хизматлар соҳа-сидаги маиший хизмат турларининг асосий 20 таси киритилган.

**«Бошқа маиший хизмат турлари»га Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кўрсатилаётган 500 дан зиёд маиший хизмат турлари киряди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида ўсиш суръатларида пасайиш тенденциялари сабабли, маиший хизмат кўрсатувчи субъектларнинг харажатларини оптималлаштиришнинг қуйидаги усулларини кўриб чиқиш зарур бўлади:

- харажатларни ифодаловчи усул;
- Парето қонунини қўллаш;
- харажатларни таққослаш;
- мақсадли харажатлар ва бошқалар.

Натижалар. Маиший хизмат кўрсатиш тизимида харажатларни ифодаловчи усул – харажатлар қиймати таъсир қилувчи сабаблар, омиллар бўйича ёндашув бўлиб, энг оддий усуллардан бири ҳисобланади. Ушбу усулда маиший хизмат кўрсатувчи корхонанинг хизмат кўрсатиш жараёнлари бўйича харажатларни таҳлил қилиш, бошқарув қарорларини асослаш харажатларини оптималлаштиришга имкон беради.

Маиший хизмат кўрсатиш тизимида Парето қонунининг қўлланилиши бўйича ёндашув. Муҳим харажатлар моддаларини аниқлаш лозим бўлиб, унда сезиларли даражада харажатларни тежаш мумкин бўлади. Маиший хизмат кўрсатиш самарасининг 80 фоизини олиш учун энг катта улушни (20 фоиз) ташкил этадиган харажат моддаларини аниқлаш ва оптималлаштириш кифоя. Яъни, сезиларли даражада тежашга эришиш учун катта харажатларни қисқартириш зарур.

Маиший хизматларда харажатларни таққослаш, жадвалларни тузиш, таққослаш. Бенчмаркинг – бу маиший хизмат кўрсатувчи корхона фаолиятини ҳар қандай мос аналог билан таққослаш орқали баҳолаш тизими. У маиший хизматлар харажатлар жадвалидан тенденцияларни таҳлил қилишни тақозо этади. Усул дастлабки даврлардаги харажатларнинг ўзгаришини таҳлил қилишни, муҳим харажатларни, уларнинг оғишларини, сабабларини аниқлашни ва кейинчалик оғиш сабабларини баргараф этиш чораларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

ABC усули маиший хизмат кўрсатувчи корхонага операциялар нархини ва унумдорлигини юқори

ишончлилик даражаси билан аниқлаш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва маиший хизмат таннархини ҳисоблаш имконини беради. Кўпинча, ушбу усул билан олинган маълумотлар анъанавий ҳисоблаш усуллари натижаларидан тубдан фарқ қилади.

Маиший хизматларда Каизен костинг усули - бу махсус корхона дастури натижасида харажатларни босқичма-босқич ва доимий равишда қисқартиришни кўзда тутаяди. Концепциянинг асосий мақсади стандарт каторга қўшилмайдиган операцияларга сарфланадиган вақтни қисқартиришдир. Бундай операцияларга сақлаш, тўплаш, ҳаракатланиш харажатлари ва ҳоказолар киради.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш тўғрисида маълумот (млрд сўм) (2021 йил)

| № | Кўрсаткичлар | Ўзбекистон Республикаси | Самарқанд вилояти |
|---|---|-------------------------|-------------------|
| | | Жами | Жами |
| 1 | Савдо хизматлари | 21217,2 | 4 202,0 |
| 2 | Молиявий хизматлар | 18057,0 | 2 077,9 |
| 3 | Ахборот ва алоқа хизматлари | 4864,0 | 698,8 |
| 4 | Таълим хизматлари | 2870,8 | 736,7 |
| 5 | Турар жой ва умумий овқатланиш хизматлари | 2240,5 | 458,3 |
| 6 | Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар | 2054,3 | 324,5 |
| 7 | Фан тадқиқотлари, техник синов ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 1639,8 | 296,9 |
| 8 | Соғлиқни сақлаш хизматлари | 1129,0 | 225,3 |
| 9 | Маиший техникалар ва компьютерларни таъмирлаш хизматлари | 1054,2 | 363,9 |

Манба: муаллиф ишланмаси.

Маиший хизматларда SSM усули (қиймат занжири). Қиймат занжири, ҳар қандай ташкилот учун, қийматни ярададиган, таркибий қисмларни етказиб берувчилар учун хом ашёнинг дастлабки манбаларидан тортиб, охириги фойдаланувчига етказиб бериладиган тайёр маҳсулотгача бўлган фаолиятнинг изчил тўпламидир. Бу ерда асосий эътибор хизмат кўрсатиш кор-

хоналари ташқарисида содир бўлаётган жараёнларга қаратилган бўлиб, ҳар бир ташкилот ушбу занжирнинг қисмидан бири сифатида хом ашёдан тортиб то охириги истеъмолчига қадар қиймат ярададиган фаолиятнинг умумий занжири доирасида қаралади [20].

Юқорида келтирилган усуллар маиший хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг харажатларини тежаш имкониятларини беради, бироқ, муайян усулни танлашга келсак, ABC усулидан фойдаланганда нархлаш ва прогноз қилиш учун тўғри маълумотлар ишлатилади, аммо бу усулни ҳар куни ишлатиш жуда қийин. Масалан, харажатлар объекти услубидан фарқли ўлароқ, бу энг содда усуллардан бири ҳисобланади. Парето қонуни фақат энг муҳим моддаларга тааллуқлидир, шу билан бирга хизматларни бошқариш даражаси харажатларни бошқаришда тўсик бўлиб хизмат қилиши мумкин. Харажатларни таққослаш, жадвалларни тузиш усули бир қатор муаммоларга эга: кўплаб корхоналар ўз харажатлари тузилишини билишмайди; компаниялар харажатларни қисқартириш бўйича аниқ мақсадларга эга эмас. Мақсадли харажатларнинг афзалликлари: у ходимларнинг эътиборини ички омилларга эмас, балки ташқи омилларга қаратади. Бунда муаммолар маиший хизмат кўрсатувчи бўлимларнинг манфатлари тўқнашуви ҳар доим ҳам харажатларни пасайтириш барча бўлимлар учун бир хил даражада фойдали эмаслиги, менежерлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги зиддият ходимларнинг мотивацияси билан боғлиқ ҳолатлар учраши мумкин.

Фикримизча, олиб борилган тадқиқотларимиз давомида маиший хизмат кўрсатиш тизимида фаолият кўрсатадиган корхоналарда SSM усули (қиймат занжири) харажатлари усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда харажатларни тежаш маиший хизматлар ишлаб чиқариш босқичидан уни истеъмолчига етиб боргунча жараёнларни ўз ичига оладиган оптимал қўлланиладиган усулдир. Шунингдек, рақобатбардош устунликларга эришиш орқали хизмат кўрсатиш ва умуман соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш учун стратегия ишлаб чиқилган тақдирда, қиймат занжири усули энг яхшиси бўлиб чиқади.

Шунингдек, Республикамызда маиший хизмат кўрсатиш харажатларини камайитиришга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- материал сарф-харажатларини тежаш;
- маиший хизматларни ривожлантиришда инновацион ёндашувларнинг зарурлиги;

- маиший хизматларни тартибга солиш бўйича ягона тизимни шакллантириш;
- фуқоролар (истеъмолчилар)нинг маиший хизмат бўйича маданиятини шакллантириш;
- маиший хизматлар бўйича бошқа рақобатчиларнинг мавжудлиги;
- маиший хизмат турлари харажатларини шаффоф, очиқ-ойдин барча фуқораларга тушунарли ҳолда баён қилиниши;
- маиший хизматларни ҳисоблашнинг ягона услубини жорий қилиш.

Шу билан бирга, маиший хизмат кўрсатиш тизими корхоналарида ишлатилган харажатларни оптималлаштириш ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхона харажатлари тушунчаси учта муҳим жиҳатга асосланади. Харажатлар хизматлар яратиш ва сотишда қанча ва қандай маблағ сарф қилинишини ақс эттирувчи ресурслардан фойдаланиш билан белгиланади. Ишлатилган ресурслар ҳажми жисмоний ва пул бирликларида ифодаланиши мумкин, аммо иқтисодий ҳисоб-китобларда харажатларнинг пул ифодаси қўлланилади.

Харажатларни аниқлаш ҳар доим аниқ мақсадлар, вазифалар билан боғлиқдир, яъни пул шаклида ишлатиладиган манбалар миқдори маиший хизмат кўрсатувчи корхонанинг маълум бир функцияси ёки ишлаб чиқариш бирлиги учун ҳисобланади.

Маиший хизмат кўрсатувчи корхонада харажатларни оптималлаштириш энг аввало уни бошқаришни тўғри ташкил этишни талаб этади. Булар қуйидагилардан иборат:

- харажатларни бошқаришнинг ролини аниқлаш ва уни бошқариш натижасига боғлаш;
- маиший хизмат кўрсатувчи корхонанинг хизматларни оптималлаштириш ва қамайтириш йўналишларини ишлаб чиқариш бирликлари учун харажатларни ҳисоблаш;
- бошқарув ва бизнес қарорларини танлаш ва қабул қилишда харажатларни баҳолашга имкон берадиган маълумот базасини тайёрлаш;
- харажатларни ҳисоблаш ва назорат қилишнинг усуллари ва воситаларидан фойдаланиш ўрнини оширишга йўналтириш;
- маиший хизмат ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида ва маиший хизмат кўрсатувчи корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлиналарида харажатларни қамайтириш учун захираларни қидириш;

- харажатларни меъёрлаш ва бошқарув натижасига боғлиқликка йўналтириш;
- маиший хизмат кўрсатувчи корхона шароитларига мос келадиган харажатларни бошқариш тизimini танлаш.

Тадқиқотларимиз маиший хизмат кўрсатиш тизимида харажатларни оптималлаштириш бўйича устувор йўналишларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда ва бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодий ночор маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарни молиявий соғломлаштириш;
- маиший хизмат кўрсатиш тизимини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;
- тизимда фаолият кўрсатадиган ишчи ва ходимларнинг малакасини замон талабларига мос ҳолда ошириш ва малакали ишчи-ходимлар билан таъминлаш;
- маиший хизмат кўрсатиш тизими корхоналари иқтисодий ўсишининг барқарор суръатларини таъминлаш.

Шунингдек, маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишда харажатларни оптималлаштириш усуллари қўллаш хизмат кўрсатиш корхонаси фаолият юритадиган бозор конъюнктурасини инобатга олиш талаб этилади. Рақобат кучли бўлган бозорларда, масалан, ахборот технологиялари бозорининг энг йирик ўйинчилари бўлган Google, Amazon, Facebook каби компаниялар муҳим қарорларни қабул қилишда симуляция ва мета эвристика усулларида фойдаланишади. Симуляция усулида корхона рақобатчилари қабул қилиши мумкин бўлган қарорлар, яъни маълум бир омилларнинг таъсирида бозор иштирокчиларининг рационал қарорларини инобатга олган ҳолда оптимал қарорлар тўпламини топишга қаратилган.

Мета эвристика усули қўплаб алгоритмларни ўзида бирлаштирган ҳолда улар орасидан энг оптималини топишга қаратилган. Умуман олганда, мета эвристикани симуляция ва бошқа оптимизация усулларининг гибриди деб ҳисоблаш мумкин.

Монополистик бозор шароитида ишлайдиган корхоналар эса нарх бўйича доминантликни инобатга олувчи ўйинлар назариясига асосланган макросимал самарадорликни олишга йўналтирилган алгоритмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилган оптимизация моделлари, шубҳасиз, бугунги кунда жуда кенг қўлланилади. Аммо, уларнинг асосида ҳамон чизиқли

дастурлаш базавий алгоритмлари ётади. Масалан, Паннинг 2019 йилда етгита оптимизация усулини солиштириши натижасида аралаш чизикли алгоритмлар самарадорлик бўйича энг юқори натижага эришганини аниқлаган.

Ушбу оптимизация моделларини хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ўртасида қўллаш, харажатларни олдиндан аниқлаш, тежаш ва мақбул йўналишни белгилаб олган ҳолатда тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқотларимизда биз фақат Самарқанд шаҳрида жойлашган истеъмолчиларга маиший хизмат кўрсатувчи “Samsung” компанияси фаолиятини оптимал режалаштиришни мақсад қилганмиз, шундан келиб чиққан ҳолда таҳлил усули сифатида Simplex оптималлаштириш усули танланди. Simplex усулининг асосий мазмуни шундаки, бу усулда мақсад функциясининг ўзга-

рувчиларига аввалига тасодифий қийматлар берилади ва қайсидир ўзгарувчиларнинг ўсиши ҳисобига мақсад функциясининг максимал қийматга эришиши аниқланади.

Олиб борган изланишларимиз натижасида харажатларни тежаш, ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш мумкин. Корхона фаолиятида қуйидаги натижага эришилди:

Хал қилувчи ўзгарувчилар – корхонада хизматлар ассортименти:

x_1 – Мобиль уяли алоқа воситаларига компьютер хизмати;

x_2 – Мобиль уяли алоқа воситаларини таъмирлаш хизмати;

x_3 – Эҳтиёт қисмларни алмаштириш хизмати.

Истеъмолчиларга “Samsung” компанияси маиший хизматларини ташкил этишга кетадиган 1 соатлик харажатлар:

3-жадвал

Хизматлар бўйича харажатлар ва меҳнат сарфи

| Харажатлар ва меҳнат сарфи | Мобиль уяли алоқа воситаларига компьютер хизмати | Мобиль уяли алоқа воситаларини таъмирлаш хизмати | Эҳтиёт қисмларни алмаштириш хизмати |
|---|--|--|-------------------------------------|
| Иш вақти (соат) | 8 | 8 | 8 |
| Иш ҳақи (1 соатга сўм) | 25300 | 35400 | 35600 |
| Сотиш ва амортизация харажатлари | 10300 | 9500 | 13500 |
| Бир хизматдан 1 соатлик кутилаётган фойда | 15000 | 25900 | 22100 |

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида бир нечта тенгсизликлардан иборат система тузиш мумкин. Бунда корхона ресурсларини инобатга олган ҳолда система қуйидаги кўринишга келади:

$$8x + 8y + 8z \geq 56$$

$$8x + 8y + 8z \leq 216$$

$$25300x + 35400y + 35600z \leq 770400$$

$$25300x + 35400y + 35600z \geq 96300$$

$$10300x + 9500y + 13500z \leq 266400$$

$$C = 15000 * x + 25900 * y + 22100 * z \rightarrow \max, \text{ бу бир}$$

кунлик фойда функцияси бўлиб, уни максималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ерда x - кўрсатилган сантехника хизмати бирлиги, y - кўрсатилган электр хизмати бирлиги, z - кўрсатилган ободонлаштириш хизмати бирлиги. Юқоридаги тенгламалар системасининг оптимал ечимларини топишда биз Simplex усулидан фойдаландик. Simplex усулининг алгебраик кўриниши қуйидагича:

$$X = (x_1, x_2, \dots, x_n)^T \in R^n$$

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & \dots & a_{1n} \\ \vdots & \ddots & \vdots \\ a_{m1} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix} = (A_1, \dots, A_n)$$

$$z = f(x) = cx = \langle c, x \rangle = \sum_{j=1}^n c_j x_j \rightarrow \text{extr}$$

$$\begin{cases} \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \leq b_i, i = 1 \dots r_1 \\ \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \geq b_i, i = 1 + r_1 \dots r_2 \\ \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j = b_i, i = 1 + r_2 \dots m \end{cases}$$

2-расм. Simplex усулининг алгебраик кўриниши

Бунда ўзгарувчилар: масалан, хизматлар ас-сортименти, ҳар бир хизматни яратишга кетадиган харажатлар миқдорлари матрицаси, мақсад функцияси, яъни соф тушумни максималлаштириш функцияси ҳисобланади.

Биз ўзимиз тузган $C=C=15000*x+25900*y+22100*z$ мақсад функциясини MS Excel дастури-нинг “Поиск решения” программаси орқали опти-мал ечимини топдик. **Қуйида программа чиқар-ган натижалар тўғрисида ҳисобот келтирилган:**

4-жадвал

Simplex усули асосида ҳисобланиши

| Хона | Номи | Дастлабки қиймат | Яқуний қиймат | Ҳолати | Қўйим |
|-------------------------|---|------------------|------------------------|--------------|-------|
| \$H\$14 | Бир хизматдан келадиган 1 кунлик фойда, жами 1 кунлик фойда | 266400 | 266400 | | |
| Хона | Номи | Қийматли хона | Формула | | |
| \$H\$10 | Иш вақти(соат) фойдаланилади | 168 | $\$H\$10 \leq \$M\10 | Боғланмаслик | 48 |
| \$H\$10 | Иш вақти(соат) фойдаланилади | 168 | $\$H\$10 \geq \$J\10 | Боғланмаслик | 112 |
| \$H\$11 | Иш ҳақи(1 соатга сўм) фойдаланилади | 174950 | $\$H\$11 \leq \$J\11 | Боғланмаслик | 25050 |
| \$H\$12 | Сотиш ва амортизация харажатлари фойдаланилади | 69700 | $\$H\$12 \leq \$J\12 | Боғланмаслик | 300 |
| \$M\$11 | >= | 25666,67 | $\$M\$11 \geq \$M\11 | Боғланиш | 0 |
| \$E\$7:\$G\$7=Бутун сон | | | | | |

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, Самарқанд шаҳрида жойлашган истеъмолчиларга маиший хиз-мат кўрсатувчи “Samsung” компанияси 1 кунда максимал 266400 сўм фойдага эришиши мумкин. Қуйида Simplex усули натижаси жадвал кўринишида тўлиқ келтирилган.


5-жадвал

Олинган натижалар бўйича Simplex усули натижаси

| Ўзгарувчилар | Мобиль уяли алоқа воситаларига компьютер хизмати | Мобиль уяли алоқа воситаларини таъмирлаш хизмати | Эҳтиёт қисмларни алмаштириш хизмати | 1 кунда фойдаланиладиган ресурслар | Тенгсизлик белгиси | Ресурслар макси-мал чегараси | Тенгсизлик белгиси | Ресурслар мини-мал чегараси |
|--|--|--|-------------------------------------|------------------------------------|--------------------|------------------------------|--------------------|-----------------------------|
| | 4 | 17 | 0 | | | | | |
| Харажатлар | | | | | | | | |
| 1-кун/иш вақти (соат) | 8 | 8 | 8 | 168 | <= | 216 | >= | 56 |
| 1-кун/ иш ҳақи (1- соат/сўм) | 25300 | 35400 | 35600 | 770400 | <= | 770400 | >= | 25666 |
| 1 кунлик сотиш ва амортизация харажатлари, сўм | 10300 | 9500 | 13500 | 96300 | <= | 96300 | | |
| Жами 1 кунлик фойда | | | | | | | | |
| Бир хизматга келадиган 1-кун/ фойда | 15000 | 25900 | 22100 | 266400 | | | | |

Манба: муаллиф ишланмаси.

Унга кўра, Самарқанд шаҳрида жойлашган истеъмолчиларга маиший хизмат кўрсатувчи “Samsung” компа-нияси бир кунда максимал фойдаси 266400 сўмни ташкил этади. Фикримизча, келтирилган йўналишлар ва опти-маллаштириш усулини инобатга олган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш тизимида харажатларни оптималлашти-риш ва самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор йўналишлардан иборат бўлиши лозим (3-расм).



3-расм. Маиший хизмат кўрсатиш тизимида харажатларни оптималлаштиришнинг устувор йўналишлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Хулоса. Маиший хизмат кўрсатиш тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолиятининг харажатларини оптималлаштириш бўйича қўйидаги таклиф ва тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- **биринчидан**, маиший хизмат кўрсатиш тизимида юқори малакали кадрлар хизматига асосланиш;
- **иккинчидан**, мавжуд барча ресурслар ва ички

имкониятлардан, альтернатив энергиядан фойдаланиш ҳисобига маиший хизматлар харажатларини 13%гача камайтириш;

- **учинчидан**, маиший хизматлар билан боғлиқ энергия ресурслари нархининг ўсиш даражасини 4-6%дан оширмаслик;

- **тўртинчидан**, маиший хизмат кўрсатиш тизимида фаолият кўрсатадиган корхоналарни "ваучер" имтиёзли кредит ресурслари асосида қўллаб-қувватлаш;

- **бешинчидан**, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарда Simplex оптималлаштириш усулини қўллаш орқали харажатларни тежаш.

Бизнингча, ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш маиший хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларга ҳам тегишли бўлиб харажатларни тежашда улардан оқилона фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, харажатларни тежашнинг оптимал йўлларида бири тизимга "нано" технологияларни жалб қилишдир. Бунинг учун соҳага инвестицияларни самарали йўналтириш, маиший хизматларни ишлаб чиқишда уларни бошқариш, шунингдек, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида тизимни рақамли кўринишга келтириш орқали хизматлар кўрсатишда харажатларни тежашга эришиш мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ) 2006 йил 12 май. – Т.: 2006 йил, 124-125 бетлар.
2. "Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси". 1996 йил, 7 октябрь.
3. Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли лугати. – Т.: "Иқтисод-молия", 2010. 156-157 бетлар.
4. Пардаев М.Қ., Рахимов А.А. Аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар. –Т.: "Наврўз" 2012, 22-бет.
5. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (олий ўқув юртлари учун дарслик). – Т.: Фан, 2010. – Б.122-123.
6. С.С.Гулямов, Р.Ҳ.Аюпов, О.М.Абдуллаев, Г.Р.Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. – Т.: ТМИ, "Иқтисод-Молия" нашриёти, 2019, 8 бет.
7. Б.Ш.Махкамов. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. СамИСИ, 2016.
8. <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>
9. Петрова Е.А., Будлянская Н.И. Оптимизация затрат на предприятии (на примере ОАО "Хабаровский судостроительный завод") Science Time. 2015. № 4 (16). – С. 611-615.
10. Манба: Вилюят «SAM MAISHIY SERVIS» бирлашмаси маълумотлари.

11. В.У.Ходийев, Ш.Ш.Шодмонов. *Iqtisodiyot nazariyasi. (Darslik)*. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017, 356 bet.


12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

13. https://samstat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=306&id=1442&Itemid=1000000000000

14. Петрова Е.А., Будлянская Н.И. Оптимизация затрат на предприятии (на примере ОАО "Хабаровский судостроительный завод") *Science Time*. 2015. № 4 (16). – С. 611-615.

15. Dunke, Fabian, and Stefan Nickel. 2017. Evaluating the quality of online optimization algorithms by discrete event simulation. *Central European Journal of Operations Research* 25: 831–58

16. Pan, Quan-Ke, Liang Gao, Li Xin-Yu, and Framinan M. Jose. 2019. Effective constructive heuristics and meta-heuristics for the distributed assembly permutation flow shop scheduling problem. *Applied Soft Computing* 81: 105492





IQTISODIYOT:
TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

100000, Toshkent sh., Xadra massivi 33a.
Tel: (+998 71) 244-05-41. E-mail: jurnal@imrs.uz